

422  
423

Ўттиз олтинчи йил чиқиши  
Робиулаев-робиуссоний 1443ҳ  
октябр-ноябр 2021м




Кенг кўламли,  
фикрий, сақоғий журнал

# Ало-Ваъи



Эй мусулмонлар, Росулуллоҳ нинг таваллуд кунларида у зотнинг динини қайта жонлантириш учун даъватини давом эттиринг ва Ислом давлати барпо этилишига ёрдам беринг...



Ислом оламида  
сепаратистик эт-  
ник низоларни  
қўзғашда мустамла-  
качиликнинг роли (2)

Сиёсий садоқатни  
касб қилишдаги  
мустамлака  
услублари

Аллоҳнинг элчиси  
Мұхаммад мусулмонлар  
ва барча инсонлар  
учун олий  
намунадир

422  
423Ўттиз олтинчи  
йил чиқиши  
Октябр  
ноябр 2021м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Чибдү сонга

- **Ал-Ваъй сўзи:** Эй мусулмонлар, Росууллоҳ нинг таваллуд кунларида у зотнинг динини қайта жонлантириш учун даъватини давом эттиринг ва ислом давлати барпо этилишига ёрдам беринг ..... 3
- Исломни даъват ва жиҳод орқали ёйиш Халифалик давлати қулаши билан тўхтаб қолди, унинг барпо этилиши билан у яна ўз ўрнига қайтади ..... 13
- Ислом оламида сепаратистик этник низоларни қўзғашда мустамлакачиликнинг роли (2) ..... 28
- Янги Ўрта Шарқ Фарбнинг «бўлиб ташлаш» лойиҳаси билан Исломнинг «бирлаштириш» лойиҳаси ўртасида ..... 39
- Сиёсий садоқатни касб қилишдаги мустамлака услублари ..... 52
- **Оlam мусулмонлари хабарлари** ..... 58
- **Қуръони Карим сұҳбатида** ..... 65
- **Жаннат боғлари:** Аллоҳнинг элчиси Мухаммад мусулмонлар ва барча инсонлар учун олий намунаидир ..... 69
- Саъд ибн Абу Ваққос ва унинг Кисрого юборган элчилари ..... 77
- **Сўнгги сўз:** Ливандаги энергия инқирозининг ечими (Истроил)га боғлиқ ..... 83
- Макрон Франциянинг Африкадаги мустамлакачилиги учун кечирим сўрашдан яна бош тортди ..... 84

ЭЙ МУСУЛМОНЛАР, РОСУУЛЛОХ  НИНГ ТАВАЛЛУД  
КУНЛАРИДА У ЗОТНИНГ ДИНИНИ ҚАЙТА ЖОНЛАНТИРИШ  
УЧУН Даъватини давом эттириңг ۋا ислом давлати  
Барпо этилишиغا ёрдам беринг...

Мусулмонлар ҳар йили саййидимиз Мұхаммад  олиб келган рисолатни қайта жонлантирмасдан, у зотнинг таваллуд кунларини тантана билан нишонлайдилар. Ҳолбуки, Росууллох  Ислом рисолатини мусулмонларга омонат қилиб қолдирған әдилар. Аммо, улар бу рисолатни зое қилдилар... Назаримда, гүёки Росууллох  барча мусулмонлардан Ислом рисолатини қайта барпо этиш ҳамда Аллоҳ Таолонинг

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَةً لِلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا﴾

«(Эй Мұхаммад), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга: (мүминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтгувчи, (кофирларни эса дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик» [Сабаъ 28]

деб айтган сўзига бўйсунган ҳолда, уни барча одамларга етказиш учун нима қилганлари ҳақида сўраётгандек... У зот уламолар, таниқли кишилар ва барча мусулмонларга қийидагича саволларни йўллаётгандек: Мен сизларга Ислом рисолатини қордек оқ, беғубор ҳолда олиб келмадимми?!... Мен сизларни аниқ ҳужжат асосида даъват йўлига бошламадимми?!... Пайғамбарлик илмини мерос қилиб олган уламоларингиз қаерда?!... Улар меросни мақсадсиз сарф қилишдими?! Шариат уч кундан ортиқ халифасиз қолишингизга рухсат бермаган бир пайтда, нега юз йил давомида халифасиз қолмоқдасиз?! Саҳобалар ўзларининг тўғри тушунчалари билан ягона сабабга кўра, яъни халифа сайлаш лозим бўлгани учун мени дафн этишни кечиктирганлари ҳақида ўқимаганмисиз?!... Бироқ, сиз Аллоҳ Таоло буюрганидек динни ўз ҳаётингизда барпо этиш орқали уни қайта жонлантириш учун нима қиляпсиз?! Сиз ўз ҳаётингизда динни қайта жонлантирмасдан

мавлуд кунини нишонлашнинг шаръий ёки ношаръийлиги тўғрисида бир-бирингизни айблаяпсиз.

Кимдир, мавлуд қалб тўридаги қадрли хотира, уни нишонламасдан ва унинг эзгу маъноларига тўхтамасдан ўтказиб юбориш мумкин эмас, деса... Яна кимдир, буни бидъат, демоқда. Биз ҳар икки томонга мурожаат қилиб айтамиз: сизлар, ҳар икки томон ҳам Халифалик давлатини барпо этиш фарзини тарк этганингиз учун гуноҳкорсиз. Чунки уни барпо этиш вожиб иш бўлишидан ташқари, унинг фарзлигини билмасликда мусулмон киши узрли бўлолмайди. Шунинг учун сиз бир-бирингизни айни шу масалада айблашингиз керак. Акс ҳолда, Аллоҳнинг ғазаби ҳаммангизга тушади ва у оғир бўлади...

Бу борада айтилиши керак бўлган ҳақ гап қуидагича: Бир гурух борки, у бу қутлуғ санани ҳар йили эмас, балки, ҳаётининг ҳар бир лаҳзасида нишонлайди. Бу гуруҳ Росулуллоҳ ﷺ ўз ҳаётларида биз учун кўрсатиб кетган ва бизга уни маҳкам ушлашни буюрган суннатларини барпо этиш учун ҳаракат қиласди. Термизий саҳиҳ, санад билан Ирбоз ибн Сорадан унинг бундай деб айтганини ривоят қиласди: Росулуллоҳ ﷺ бир куни бизга ваъз айтиб бундай дедилар:

«فَإِنَّهُ مَنْ يَعْشُ مِنْكُمْ يَرَى اخْتِلَافًا كَثِيرًا، وَإِنَّكُمْ وَمُحَدَّثَاتِ الْأُمُورِ فِيَّنَهَا ضَلَالٌ، فَمَنْ أَذْرَكَ ذَلِكَ مِنْكُمْ فَعَلَيْهِ بِسْتَنِي وَسُنَّةُ الْخَلْفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمَهْدِيَّينَ، عَضُوا عَلَيْهَا بِالنَّوَاجِذِ»

«Сизлардан ким тирик бўлса, кўп ихтилофларни кўради. Сизлар динда янги пайдо қилинган ишлардан сақланинглар. Чунки у залолатдир. Сизлардан ким ўша кунга етиб борса, менинг суннатимни ҳамда ҳидоятда бўлган рошид халифалар суннатини лозим тутсин, уни озиқ тишлигиниз билан қаттиқ тишлиланглар». Росулуллоҳ ﷺ бутун мусулмонларга қаратса айтган ушбу сўзлар қонунчилик баёни бўлиб, бизнинг бутун ҳаётимиз унинг асосида тартибга келтирилиши лозим. Бизнинг ҳаётимиз ушбу фарз (яъни, Халифалик) ташқарисида Аллоҳ Таолони рози қиласиган шаклда тартибга келмайди. Чунки дин унинг мавжудлиги билан мустаҳкамланади ва у мавжуд бўлмаса кўплаб аҳкомларнинг ижроси тўхтаб қолади.

Халифалик давлатини барпо этиш орқали динни барпо этиш диндаги маълум зарурий меъёрлардан биридир. Шунинг учун мусулмон одам – у олим ёки оддий мусулмон бўлишидан қатъий

назар – буни билмасликда узрли бўлмайди. Чунки бошқарув Исломнинг ажралмас қисмидир. Бошқарувсиз Ислом тўлиқ бўлмайди. Бунга сукут қилиш ёки унга рози бўлиш жоиз эмас. Акс ҳолда, бу тўлиқ бўлмаган Исломга сукут қилиш ва унга рози бўлиш ҳисобланади. Қуръон мусулмонларни Аллоҳ нозил қилган шариат билан бошқаришга буюрган ояtlар билан тўла. Бу ояtlар аниқ-равshan ва муҳкам ояtlар бўлиб, уларни тушуниш учун муфассирларнинг тафсирига эҳтиёж йўқ. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا كَانَ قَوْلَ الْمُؤْمِنِينَ إِذَا دُعُوا إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ لِيَحْكُمَ بَيْنَهُمْ أَن يَقُولُوا سَمِعْنَا وَأَطْعَنَا وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида, мўминларнинг сўзи «эшиитдик ва бўйсундик», (демоқдир). Ана ўшаларгина најомот топгувчилардир» [Нур 51]

﴿وَإِنْ أَحْكُمْ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَبَعَّ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرُهُمْ أَنْ يَقْتُلُوكُمْ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكُمْ فَإِنْ تَوْلُوا فَاعْلَمُ أَنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ أَنْ يُصِيبَهُمْ بِبَعْضٍ ذُنُوبِهِمْ وَإِنْ كَثِيرًا مِنَ النَّاسِ لَفَسِيقُونَ ﴿۱۷﴾ أَفَحُكُمُ الْجَاهِلِيَّةِ يَبْغُونَ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِّقَوْمٍ بُوقُنُونَ﴾

«(Эй Мұхаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавоийи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёjt бўлинг! Агар (сизнинг ҳукмингиздан) юз ўғирсалар, билингки, Аллоҳ уларга айрим гуноҳлари сабабли мусибат етказишини истамоқда. Шубҳасиз, одамлардан кўплари итоатсиздирлар. Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми?! Имонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!» [Моида 49-50]

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчилкларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар» [Нисо 65]

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَفِرُونَ﴾

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар коғирлардир» [Моида 44]

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар золимлардир» [Моида 45]

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْقَسِيْفُونَ﴾

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар фосиқлардир» [Моида 47]

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ يَزْعُمُونَ أَنَّهُمْ ءَامَنُوا بِمَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ وَمَا أَنْزَلَ مِنْ قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَنْ يَتَحَاَكُّمُوا إِلَى الْظَّلْغُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَنْ يَكْفُرُوا بِهِ وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُضِلَّهُمْ ضَلَالًا بَعِيدًا﴾

«(Эй Мұхаммад), ўзларини сизга нозил қилинган нарсага (Куръонга) ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга имон келтирған деб ҳисоблайдиган (айрим) кимсаларнинг шайтонга ҳукм сүраб боришни истаётгандарини күрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. (Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздеришини истайди» [Нисо 60] Ушбу оятлардан кейин мусулмон одам учун узр қоладими?!

Шунингдек, кўплаб ҳадис тўпламларда, хусусан, Бухорий ва Муслимнинг саҳих тўпламларида келган ҳадисларда Росулуллоҳ бошқарув ҳақида айтадилар. Бу ҳадислар шу даражада ишончлики, улар борасида ҳеч бир мунофиқ айёллик қилолмайди. Биз ўша ҳадислардан ҳам мисоллар келтирамиз. Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ айтадилар:

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسْوُسُهُمُ الْأَبْيَاءُ، كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا نَبِيٌّ بَعْدِي، وَسَيَّكُونُ بَعْدِي خُلَفَاءُ فَيَكْثُرُونَ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: أَوْفُوا بِبَيْعَةِ الْأَوَّلِ فَالْأَوَّلُ ثُمَّ أَعْطُوهُمْ حَقَّهُمْ، وَاسْأَلُوا اللَّهَ الَّذِي لَكُمْ، فَإِنَّ اللَّهَ سَأَلَهُمْ عَمَّا اسْتَرْعَاهُمْ»

«Бану Исроилга пайғамбарлар сиёsat юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқ. Халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади. Шунда: бизга нимани буюрасиз? – дейишган

эди, айтдиларки: биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглар ва уларнинг ҳақларини беринглар. Зеро Аллоҳ улардан фуқарони қандай бошқарганлари ҳақида сўрайди». Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّا لِلْأَمَامُ جُنَاحٌ يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيَنْتَفِي بِهِ»

«Имом қалқондир, унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади». (Муслим ривояти) Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ خَلَعَ يَدًا مِنْ طَاعَةٍ لَقِيَ اللَّهَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا حُجَّةَ لَهُ، وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنْقِهِ بَيْعَةً مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким итоатдан бош тортса, қиёмат куни Аллоҳга ҳужжатсиз ҳолда йўлиқади. Ким бўйнида байъати бўлмаган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлимини топибди». (Муслим ривояти).

Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ خَرَجَ مِنَ الطَّاغِيَةِ، وَفَارَقَ الْجَمَاعَةَ فَمَاتَ، مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким итоатдан четга чиқса ва жамоатдан ажралса, жоҳилият ўлимини топибди». (Муслим ривояти). Шунингдек, қўйидаги ҳадисда рошид халифалар зикри очиқ келади:

«فَعَلَيْكُمْ إِسْتِئْنَى وَسُئْلَةُ الْخَلَفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمُهَدِّبِينَ، عَضُّوا عَلَيْهَا بِالنَّوَاجِذِ»

«Менинг суннатимни ва тўғри йўлга етакловчи рошид халифалар суннатини лозим тутиб, озиқ тишларингиз билан қаттиқ тишланглар». Имом Аҳмад Умматнинг Росууллоҳ ﷺ давридан бошлаб, то охир замонгacha бўлган ҳолатини сифатлаган қўйидаги ҳадисни ривоят қиласди. Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«تَكُونُ النُّبُوَّةُ فِيْكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَى مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصِمًا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَى مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ. ثُمَّ سَكَّتَ».

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ ўзи хоҳлаганда уни

кўтаради. Сўнг раиятига зўлм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар».

Саҳобалар ижмосига келсак, улар Росулуллоҳ ﷺ нинг муборак жасадлари дафн қилинишини уч кунга, то Абу Бакр ؓ га мусулмонлар халифа сифатида байъат берилгунигача кечиктиридилар. Яъни Росулуллоҳ ﷺ ни дафн қилиш фарзини адо этишдан, халифани сайлаш фарзини адо этишни устун қўйдилар.

Имомлар иттифоқига келсак, «Фиқхул Мазҳаб Арбаа» китобида шундай келади: «Имомлар (Аллоҳ уларни ўз раҳматига олсин) имоматнинг фарзлигига иттифоқ қилганлар. Демак, мусулмонлар учун дин маросимларини тартибга соладиган ва мазлумларни золимлардан ҳимоя қилувчи имом бўлиши лозим. Бутун дунёдаги мусулмонлар учун бир вақтнинг ўзида иккита имомнинг бўлиши – улар бир-бири билан иттифоқчи бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар – жоиз эмас».

Уламолар Халифалик ақдининг (битимининг) вожиблигида ва у фақат битта халифа билан тузилиши лозимлигига яқдилдиirlар. Нававий Саҳиҳи Муслимнинг шарҳида қўйидагиларни айтади: «Уламолар – Ислом диёри кенг бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар – бир даврда иккита халифага ақд берилиши жоиз эмаслигига иттифоқ қилганлар».

Бугунга келсак, мусулмонлар (олимлар, ҳукмдорлар, таниқли кишилар ва оддий одамлар) ушбу буюк фарз олдида, яъни пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни барпо этиш орқали динни барпо этиш фарзи олдида нима қилишлари керак?

Аввало, бу фарзнинг фарзи кифоя эканлигини ва унинг якка шахслар бажара олиши мумкин бўлмаган жамоий фарзлигини айтиб ўтиш лозим. Росулуллоҳ ﷺ нинг ушбу фарзни адо этишдаги тариқатлари Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلْتَكُن مِّنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَا عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

**«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиласиган, ибодат-итоатга буюрадиган ва исён-гуноҳдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир»**

[Оли Имрон 104]

деб айтган сўзига ва Пайғамбар ﷺнинг Маккадаги ишларига итоат этган ҳолда уни адо этадиган жамоа ёки ҳизб ташкил қилиш лозимлигига далолат қиласиди. Зоро, Росууллоҳ ﷺ Ўзлари билан биргаликда даъватни кўтариб чиқадиган уюшмани ташкил этдилар. Бу уюшма у зот билан бирга барча қийинчиликларни кўтарди, дараада қамал қилинди ва Мадинага хижрат қилди... Шунингдек, бу фарзни адо этиш учун «вожиб нима билан тамомига етса, у ҳам вожибдир» қоидасига амал қилиниши лозим.

Чунки Исломий давлатни якка шахслар барпо эта олиши мумкин эмас, балки уни жамоа барпо эта олади. Бироқ бу жамоа оддий жамоа эмас, балки, Аллоҳнинг олдида жавобгарликдан халос бўлиш учун керакли шаръий сифатларга эга бўлган жамоадир. Бу жамоа Росууллоҳ ﷺнинг тариқатларига эргашиши ва у зот Маккада амалга оширган, Мадинада Исломий давлатни барпо этилишига олиб борган ишларни бажариши лозим... Бу жамоа ёки ҳизбнинг бошқарадиган амири бўлиши керак. Зоро, бунга Росууллоҳ ﷺнинг қўйидаги сўzlари далолат қиласиди:

«لَا يَحِلُّ لِكُلِّ أُنْثٍ يَكُوْنُونَ بِفَلَةٍ مِّنَ الْأَرْضِ إِلَّا أَمْرُوا أَحَدَهُمْ»

**«Кимсасиз саҳрода бўлган уч кишининг ўзларидан бирини амир қилиб олмасликлари ҳалол эмас».** Динни барпо этиш учун фаолият олиб бораётган жамоа етарли билимга эга бўлиши ҳамда унинг сафида бу йўлнинг белги ва хусусиятларини кўрсатувчи уламолар бўлиши лозим. Чунки дин ҳукмларини айни шу уламолар истинбот қиласиди ва Халифаликни барпо этишга алоқадор барча фикр, аҳком ва исломий раъйларни табаний қиласиди. Ким ушбу даъватга жавоб қилса ундан гуноҳ соқит бўлади. Ким жавоб қилмаса гуноҳкор бўлади ва ушбу фарз адо этилмагунигача ундан гуноҳ соқит бўлмайди. Халифаликни барпо этиш тўғрисидаги фикр бутун Умматга таъсир этиши ҳамда Уммат ўзгартириш фаолиятининг бир қисмига айланиши учун бу жамоа барча мусулмонларни ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришга чақириши керак. Шунда ким бу жамоанинг чақириғига жавоб қилса, улардан гуноҳ соқит бўлади. Ким жавоб қилмаса, бу фарз адо этилмагунигача улардан гуноҳ соқит бўлмайди.

Бугун биз кўряпмизки, Уммат орасида узоқ вақтдан бери фаолият юритиб келаётган исломий ҳизб бор. У Росууллоҳ башорат қилган «пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик»ни барпо этиш учун кунни тунга улаб, онгли равишда ва самимийлик билан фаолият олиб бориши натижасида кучли Ҳизбга айланди. Бугун Халифалик тилга олинса дарҳол Ҳизб эсга тушади, Ҳизб тилга олинса Халифалик эсга тушади. Бу Ҳизбнинг номи Ҳизб ут-Таҳрирдир. Ҳизб ташкил топган дастлабки кунларданоқ ўз даъватида Росууллоҳ нинг даъватдаги тариқатига асосланди ва ундан қи尔ча оғишмади. У Росууллоҳ Маккада динни барпо этиш учун босиб ўтган босқичларнинг ҳаммасини ўзгартирмасдан босиб ўтди.

Биз кўряпмизки, Ҳизб том маънода пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни барпо этишга қодир малакали Ҳизбга айланди. Ҳизб Халифалик давлати конституциясини тайёрлади, шунингдек, Ислом даъватини ёювчи даъватчиларни ва глобал сиёсий ўйинларни фош этишга қодир давлат арбобларини тарбиялаб етиштириди.

Биз Ҳизбнинг сафида оддий мусулмонлар, уламолар, фикр етакчилари ва нуфузли кишиларни кўряпмиз. Бироқ, фақат куч эгаларигина четда қолдилар. Агар куч эгалари, худди Мадина ансорлари Росууллоҳ га нусрат берганларидек, Халифаликнинг барпо этилишига нусрат берсалар, ансорлар эришган шарафга улар ҳам эришадилар. Шундай қилиб, Ҳизбнинг даъвати Халифалик барпо этилишининг бошланғич нуқтасига етиб борганини кўряпмиз. Унинг барпо бўлиш вақти фақат Аллоҳга аён. Бугун уларнинг ёрдами асосида давлат барпо бўладиган куч эгаларининг нусрат беришигина етишмаяпти. Росууллоҳ кучли қабилалар орасидан ўз даъватига ёрдам берувчиларни излаган ва уларнинг бошлиқларидан нусрат талаб қилган эдилар. Аллоҳ Таоло «ансорлар» деб номлаган шарафли номга Мадина ансорлари эришиди. Айниқса, уларнинг бошлиғи Саъд ибн Муоз эришган мақом юксак бўлди. Чунки у вафот этганида Аллоҳнинг Арши ларзага келди ва унинг жанозасида фаришталар қатнашди. Улар эришган бундай шараф куч эгаси бўлган ҳар қандай тақводор, самимий мусулмонни Аллоҳнинг розилигига эришиш умидида даъватга нусрат бериш учун шошилишга ундейди.

Шунинг учун биз мусулмонларга айтамизки, Парвардигорингиз белгилаб қўйган вақт келгунicha шошилманглар. Чунки бундай шарафга бугун ким лойиқлигини Аллоҳнинг Ўзи билгувчиидир. Ишончимиз комилки, кофирлар истамасалар-да, ғалаба соати яқинлашмоқда ва у узоқ эмас.

Ҳа, Уммат Халифалик барпо этилишини орзиқиб кутмоқда. Буни Ғарб етакчилари ва муфаккирлари ҳам ҳис қилмоқда. Шунинг учун улар мусулмонларга нисбатан кетма-кет жиноятларни содир этиб, уларнинг юртлари (Афғонистон ва Ироқ)ни босиб олишди. Улар Халифалик барпо этилишига йўл қўймаслик учун мусулмон юртларни вайрон қилишди ва ҳамон вайрон қилишмоқда. Бироқ, Ғарб шунча макр-ҳийла қилишига ва жиноятлар содир этишига қарамай, албатта у очиқ зиёнга учрайди. Умматга келсак, унинг онгни ва ўзгаришга интилиши кундан-кунга ортиб бормоқда. Уммат самимийдир ва у ҳар қандай мамлакатда мусулмонлар бошига келган мусибатларни ўзининг мусибати, эришилган ғалabalарни ўзининг ғалабаси деб билади. У Афғонистондаги ғалаба қувончини худди ўзининг ғалабасидек намойиш этди.

Энди, Афғонистон иши устидан масъул бўлганларнинг бутун мусулмонлар олдидаги шаръий бурчига келсак, шариат улардан Халифаликни барпо этиш даъватига ёрдам беришни талаб қиласди. Чунки Халифаликни барпо этиш бутун мусулмонларга, шу жумладан, уларга ҳам тегишли бўлган фарздир. Шариат улардан ушбу фарз шиорини кўтариб чиқаётганларни излаб топиб, уларга ёрдам беришни, давлат барпо этилгунигача уларни ҳимоя қилишни талаб қиласди. Акс ҳолда, ансорийлик шарафига эга бўлиш имкониятини қўлдан бой берадилар. Кейин эса уларнинг қайси бири Саъд ибн Муоздек бўлиш имкониятини қўлдан бой берганини билиб оламиз.

Ер юзида исломий бошқарувни ўрнатишга чақираётган жамоа нусрат аҳли томонидан ёрдам берилишига яқин қолганини билади. Унутмаслик керакки, ғалаба келганида, у ўз нури билан бутун ер юзини ёритади. Шунинг учун ҳам биз «Аллоҳ ўз ваъдасини бузмайди, даъватига ёрдам беради, динини куч-қудратли қиласди ва куфр давлатларини ёлғиз ўзи забт этади» деган ишонч билан ухлаб, уйғонамиз. Кимдан Аллоҳ рози бўлиб, уни ушбу буюк фарзни адо этувчи бўлишга муваффақ қилса, унга бизнинг табригимиз бўлсин. Эй Парвардигор, бизни сидқидилдан

фаолият олиб бориб, Халифалик давлатини барпо этилишига ҳисса қўшувчилардан қил, бизга барпо этилажак Халифалик давлатининг жангчилари бўлиш имкониятини бер... Эй Аллоҳ, дуоларимизни ижобат қил.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُوْنُوا أَنْصَارَ اللَّهِ﴾

«Эй мўминлар, сизлар ҳам худди (ҳавориийлар каби) Аллоҳнинг ёрдамчилари бўлингиз!» [Соф 14] □

**ИСЛОМНИ ДАЪВАТ ВА ЖИХОД ОРҚАЛИ ЁЙИШ ХАЛИФАЛИК  
ДАВЛАТИ ҚУЛАШИ БИЛАН ТЎХТАБ ҚОЛДИ, УНИНГ БАРПО  
ЭТИЛИШИ БИЛАН У ЯНА ЎЗ ЎРНИГА ҚАЙТАДИ**

Абдулхолиқ Абдун – Али  
Ҳизб ут-Таҳрир – Судан вилояти  
матбуот бўлими аъзоси

Пайғамбар ﷺ барча одамларга элчи қилиб юборилдилар.

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَةً لِلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«(Эй Мұхаммад), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга: (мүминларга жаңнамат ҳақида) хушхабар элтгувчи, (коғирларни эса дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик. Лекин кўп одамлар билмаслар»

[Сабаъ 28]

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِلْعَالَمِينَ﴾

«(Эй Мұхаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик» [Анбиё 107]

Жобир ибн Абдуллоҳдан Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«أُعْطِيْتُ خَمْسًا مِّمَّا يُعْطَهُنَّ أَحَدٌ فَبَلِّي... وَذَكَرَ مِنْهَا: الَّتِي يُعْثِتُ إِلَى قَوْمٍ خَاصَّةً، وَبَعْثُتُ إِلَى النَّاسِ عَامَّةً»

«Менга олдинги Пайғамбарларга берилмаган беш нарса берилди... (Пайғамбаримиз шу беш нарсани орасига қуйидагини ҳам қўшди): Барча пайғамбарлар ўз қавмига хос қилиб юборилди. Лекин мен барча инсонларга пайғамбар қилиб юборилдим». Ҳофиз ибн Ҳажар ўзининг Фатҳ номли китобида шундай ёзади:

«وَبَعْثُتُ إِلَى النَّاسِ عَامَّةً»

«Мен барча инсонларга пайғамбар қилиб юборилдим» ибораси Муслим ривоятида:

«وَبَعْثُتُ إِلَى كُلِّ أَحْمَرٍ وَأَسْوَدٍ»

«Барча қизилу қора танли инсонларга юборилдим», деб келган. Айримлар қизил танлиларни ажам, қора танлиларни араб деган бўлса, айримлар қизил танлиларни инсонлар, қора танлиларни эса жинлар дейишган. «Паст нарсани тилга олиб юксак нарсага, кичик нарсани айтиб катта нарсага эътиборни тортиш» қоидасига биноан

биринчи ҳадисда «инсонлар» лафзи тилга олиниб, ундан бутун инсонлар назарда тутилган. Имом Муслим Абу Ҳурайрадан қилган ривоят эса, бу борада энг тиник ва тўла ривоят ҳисобланади. Чунки унда:

«وَأَرْسَلْتُ إِلَيْكُمْ كَافَّةً»

**«Махлуқотларнинг барчасига юборилдим»,** дейилади. Иқтибос тугади.

Мусулмонлар куч қудратини кўрсатиш ва куфр арбобларини йўқ қилиш учун олиб борилган ғазотлардан кейин Қурайш билан Ҳудайбия сулҳи тузилиб, бунинг ортидан яҳудийлар бўйсундирилгач, Росууллоҳ ﷺ Исломни ёйишда бор кучларини аямадилар. Росууллоҳ ﷺ Араб ярим оролидан ташқаридаги подшоҳ ва ҳукмдорларга нома йўллаб, уларни Исломга чақирдилар. Ўша даврда бу номалар Ислом ҳақида маълумот бериб, даъватни етказишнинг мұхим воситаси эди. Ўша пайтда Кисрода ўшаган баъзи ҳукмдорлар бундай нома келишидан бехабар бўлса, Қайсарга ўшаган баъзи ҳукмдорлар бундай нома келишини кутишганди.

Росууллоҳ ﷺнинг элчилари у зотнинг муҳрлари босилган номалар орқали ҳидоят нури ва хушхабарини етказиш учун йўлга тушдилар. Бу номалар Росууллоҳ ﷺнинг ўша подшоҳларга даъват етиб боришини ва уларнинг Исломни қабул қилишларини жуда истаганликларини ифодалайди. Анас ؓ айтади: «Росууллоҳ ﷺ вафот этишларидан олдин Кисрода, Қайсарга, Нажошийга – яъни мусулмон бўлган Нажошийдан кейин Ҳабашистон подшоҳи бўлган Нажошийга – ва ҳар бир золим ҳукмдорга нома йўллаб, уларни Аллоҳнинг динига даъват қилдилар». Муслим ривояти.

Росууллоҳ ﷺнинг элчилари Ҳабашистон подшоҳи Нажоший, Миср подшоҳи Муқовқис, Форс подшоҳи Кисро, Рим императори Ираклий, Баҳрайн подшоҳи Мунзир ибн Совий ва булардан бошқа подшоҳларга номани етказдилар. Росууллоҳ ﷺ мұхим сифатлар асосида тарбияланганларни элчи қилиб танладилар. Улар билимдон, фасоҳатли, сабр тоқатли, довюрак, доно, одобли ва хушфеъл эдилар.

Пайғамбар ﷺ Диҳятул Калбийни танлаб, уни Рум ҳукмдори Ираклийга элчи қилиб юбордилар. Ибн Ҳажар ўзининг Исоба номли китобида Диҳя ҳақида бундай дейди: «Диҳятул Калбий

чирийда тенги йўқ эди». У чирийлилигидан ташқари моҳир чавандоз ва Румни яхши биладиган киши эди.

Пайғамбар ﷺ Абдуллоҳ ибн Ҳузофани Форс ҳукмдори Кисрога элчи қилиб юбордилар. Чунки у форсларни ва уларнинг тилини яхши биларди. Шунингдек, у жасорати ва оғир босиқилилиги билан ажралиб турар эди.

Миср подшоҳи Муқовқисга Ҳотиб ибн Балтаани элчи қилиб юбордилар. Ибн Ҳажар Исоба китобида у ҳақда бундай дейди: «У жоҳилият даврида Қурайшнинг энг моҳир чавандози ва шоирларидан бўлган». Шунингдек, у насронийлик динини яхши биладиган ва мулоқот қилиш қобилиятига эга эди.

Росулуллоҳ ﷺнинг Рум императори Ираклийга ёзган мактуби ҳақида айтадиган бўлсан, Ибн Аббос ﷺ айтади: «Пайғамбар ﷺ Қайсарни Исломга даъват қилиб мактуб ёздилар, сўнг уни Диҳятул Калбийга топшириб, мактубни Қайсарга етказишини айтдилар. Мактубда бундай дейилган эди:

«بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، مَنْ هُمْ بِإِلَهٍ أَعْظَمُ إِلَّا هُوَ رَبُّ الْرُّومِ، سَلَامٌ عَلَى مَنْ أَتَّبَعَ أَهْدِي، أَمَّا بَعْدُ، فَإِنِّي أَذْعُوكَ بِدِعَايَةِ الْإِسْلَامِ، أَسْلِمْ تَسْلِمْ؛ يُؤْتِكَ اللَّهُ أَجْرُكَ مَرْتَبِينَ؛ فَإِنْ تَوَلَّْتَ عَلَيْكَ إِنْ أَمْ أَرِسِّيْنَ. قُلْ يَأَهْلَ الْكِتَابِ تَعَالَوْا إِلَى كَلْمَةٍ سَوَاءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَا نَعْبُدُ إِلَّا اللَّهُ وَلَا نُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ فَإِنْ تَوَلَّْ فَقُولُوا أَشْهَدُوا بِأَنَّا مُسْلِمُونَ»

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Аллоҳнинг бандаси ва элчиси Мұхаммаддан Рум ҳукмдори Ираклийга. Ҳидоятга эргашган кишиларга салом бўлсин, аммо баъд: Мен сени Исломга даъват қиласман, Исломни қабул қил, шунда саломат бўласан ва Аллоҳ сенга икки баробар ажр беради. Агар бош тортсанг, арисийлар (византиялклар) гуноҳи сенинг бўйнингдадир. Айтинг (эй Мұхаммад): «Эй аҳли китоб, бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз – ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қиласлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бирбировларимизни Аллоҳдан ўзга худо қилиб олмайлик». Агар улар (яъни аҳли китоблар) ушбу даъватдан юз ўгирсалар, унда сизлар (эй мўминлар): «Гувоҳ бўлинглар, биз мусулмонлар – ягона Аллоҳга итоат қилгувчилармиз», деб айтингиз!» [Оли Имрон 64]»

Ираклий Пайғамбар ﷺ номасини олгач, атрофлича ўйланиб кўрди. Бу ҳақда Абу Суфён билан Ираклий ўртасида бўлиб ўтган, машҳур ва узундан узоқ сұхбат тўғрисидаги ҳадисда айтилган. Унда Ираклий Абу Суфёндан Росууллоҳ ﷺ ҳақида сўраганидан кейин бундай деди: «... Агар айтганларинг тўғри бўлса, жуда қисқа вақт ичидан мана шу икки оёғим остидаги ерлар унинг қўлига ўтади. Мен унинг чиқишини билар эдим, лекин сизларнинг ораларингдан чиқишини кутмагандим. Унга етиша олишимни билсам ҳар қандай машақатларга ҳам чидаб, бориб кўришардим. Унинг ёнида бўлсан, оёқларини юваб қўярдим». Ҳадисдаги ибораси у билан учрашишни таъминлаган ва бу йўлдаги қийинчиликларни кўтарган бўлар эдим маъносидадир. Муслимнинг ривоятида «У билан учрашишга муштоқман», деб келган.

Пайғамбар ﷺ Ҳабашистон подшоҳи Нажошийга ёзган мактубига келсак, Воқидий Пайғамбар ﷺ Нажошийга мактуб ёзиб, уни Амр ибн Умайя Зомирий орқали юборгандарни зикр қиласди. Мактубда шундай ёзилган эди:

«بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ مَنْ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ إِلَى التَّحَاشِيْ مَلِكُ الْحَبْشَةِ؛ أَسْلَمْ أَنْتَ، فَإِنِّي أَحْمَدُ إِلَيْكَ اللَّهَ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْمَلِكُ الْقَدُّوسُ السَّلَامُ الْمُؤْمِنُ الْمُهَمِّنُ وَأَشْهُدُ أَنَّ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ رُوحُ اللَّهِ وَكَلْمَتُهُ أَلْقَاهَا إِلَى مَرْيَمَ الْبَتُولِ، فَحَمَلَتْ بِهِ، فَخَلَقَهُ مِنْ رُوحِهِ، وَنَفَخَهُ كَمَا حَاقَ آدَمَ بِيَدِهِ، وَإِنِّي أَدْعُوكَ إِلَى اللَّهِ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، وَالْمُؤْلَاةُ عَلَى طَاعِيهِ، وَأَنْ تَتَبَعَّنِي وَتُؤْمِنَ بِالَّذِي جَاءَنِي، إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ، وَإِنِّي أَدْعُوكَ وَخُنُودَكَ إِلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، وَقَدْ بَلَغْتُ وَنَصَحْتُ، فَاقْبِلُوا نَصِيبَتِي، وَالسَّلَامُ عَلَى مَنْ أَتَيْتُ الْهُدَىِ»

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Аллоҳнинг Росули Муҳаммаддан Ҳабашистон подшоҳи Нажошийга. Сенга тинчлик-омонлик бўлсин. Ундан ўзга илоҳ бўлмаган, оламларнинг эгаси, барча айб ва нуқсонлардан пок, имон ва омонлик бергувчи, ҳамма нарсани қамраб олгувчи Аллоҳга ҳамд бўлсин. Исони Марямнинг ўғли, Аллоҳнинг руҳи ва Марямга туширган калимаси деб гувоҳлик бераман. Исо Марям қорнида ҳомила бўлди, Аллоҳ уни ўз руҳидан яратди ва Одамни ўз қўли билан яратганидек унга нафҳа урди. Мен сени шериги бўлмаган Аллоҳга ва Унга давомий итоат этишга чақираман. Сен менга эргаш ва мен олиб келган нарсага имон келтир. Мен Аллоҳнинг элчисиман, сени ва

аскарларингни Аллоҳга чақираман. Мен сенга етказдим ва насиҳат айладим, шундай экан насиҳатимни қабул эт. Ҳидоятга эргашганларга салом бўлсин».

Миср подшоҳи Муқовқисга йўлланган номани Ҳотиб ибн Абу Балтаа етказди. Номада шундай ёзилган эди:

«بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، مِنْ حُمَّدٍ عَبْدِ اللَّهِ إِلَيْ الْمُؤْفَقِسِ عَظِيمِ الْقِبْطِ، سَلَامٌ عَلَى مَنْ اتَّبَعَ الْهُدَى، أَمَّا بَعْدُ: فَإِنِّي أَدْعُوكَ بِدِعَايَةِ الْإِسْلَامِ، أَسْلِمْ تَسْلِمْ؛ وَأَسْلِمْ يُؤْتِكَ اللَّهُ أَجْرُكَ مَرَرِينَ؛ فَإِنْ تَوَلَّتَ فَإِنَّ عَلَيْكَ إِمْمَانُ الْقِبْطِ. قُلْ يَأَهْلَ الْكِتَابُ تَعَالَوْ إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٍ يَبْيَنُنَا وَيَبْيَنُكُمْ أَلَا نَعْبُدُ إِلَّا اللَّهُ وَلَا نُشْرِكُ بِهِ شَيْجًا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ فَإِنْ تَوَلَّوْ فَقُولُوا أَشْهَدُوا بِأَنَّا مُسْلِمُونَ»

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим, Аллоҳнинг бандаси Мұҳаммаддан Қибт ҳалқи ҳукмдори Муқовқисга. Ҳидоятга эргашганларга салом бўлсин, аммо баъд: Мен сени Ислом динига даъват қиласман, Исломга кир, саломат бўласан ва Аллоҳ ажрингни икки баробар қилиб беради. Агар бош тортсанг Қибт ҳалқининг гуноҳи сенинг бўйнингдадир. Айтинг (эй Мұҳаммад): «Эй аҳли китоб (яъни яҳудий ва насронийлар), бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз — ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қиласлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-бировларимизни Аллоҳдан ўзга худо қилиб олмайлик». Агар улар (яъни аҳли китоблар) ушбу даъватдан юз ўгирсалар, унда сизлар (эй мўминлар): «Гувоҳ бўлинглар, биз мусулмонлар — ягона Аллоҳга итоат қилгувчилармиз», деб айтингиз!» [Оли Имрон 64]»

Форс подшоҳи Кисрого йўлланган номани Абдуллоҳ ибн Ҳузофа етказди. Номада бундай дейилган:

«بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، مِنْ حُمَّدٍ رَسُولِ اللَّهِ إِلَيْ كِسْرَى عَظِيمِ فَارِسَ، سَلَامٌ عَلَى مَنْ اتَّبَعَ الْهُدَى، وَآمَنَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ، وَشَهِدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، وَأَنَّ حُمَّادًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، وَأَدْعُوكَ بِدِعَايَةِ اللَّهِ، فَإِنِّي أَنَا رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْ النَّاسِ كَافَةً، لِأُنذِرَ مَنْ كَانَ حَيَا وَيَحْقِقَ الْقُولُ عَلَى الْكَافِرِينَ، أَسْلِمْ تَسْلِمْ، وَإِنْ أَبَيْتَ فَعَلَيْكَ إِمْمَانُ الْمَجُوسِ»

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Аллоҳнинг Росули Мұҳаммаддан Форс ҳукмдори Кисрого. Ҳидоятга эргашган, Аллоҳ ва Унинг Росулига имон келтирган, Аллоҳдан бошқа ҳеч

**бир илоҳ йўқ, У ягонадир ва шериксиздир, Мұҳаммад үнинг қули ва Росулидир, дея гувоҳлик берганларга салом бўлсин. Сени Аллоҳнинг динига даъват этаман. Мен тирик бўлган кишиларни огоҳлантиришим ва кофирлар устига азоб бўлиши учун Аллоҳнинг бутун инсонларга юборилган элчисиман. Ислом динини қабул эт, саломат қоласан. Бордию қабул этмасанг, мажусийларнинг гуноҳи сенинг бўйинингдадир».**

Табарий ўзининг тарих китобида бундай дейди: «Подшоҳлар номани турлича қабул қилишди. Ираклий, Нажоший ва Муқовқислар номани одоб билан қабул қилиб, лутф ила жавоб қайтаришди. Нажоший ва Муқовқис Росууллоҳ  нинг элчиларини ҳурмат қилиб, Росууллоҳ  га совғалар юборишди. Аммо Кисро нома ўқилгач, уни йиртиб юборди. Ибн Аббос  айтади: «Росууллоҳ  Абдуллоҳ ибн Ҳузофа Саҳмийни нома билан юборар экан, уни Баҳрайн ҳукмдорига етказишни буюрди. Сўнгра Баҳрайн ҳукмдори уни Кисрога етказди. Нома ўқиб берилгач, Кисро уни йиртиб юборди». Ибн Мусайиб айтади: Росууллоҳ  эса, уларга қарши дуо қилиб, Аллоҳдан уларни парчалаб юборишини сўрадилар. (Бухорий ривояти). Сўнгра Росууллоҳ  дуоси ижобат бўлди. Чунки таҳтни Кисронинг Шийравайҳ лақабли, Қабоз исмли ўғли эгаллади. Кисро эса, хорланган ҳолда ўлдирилди. Унинг ўлимидан кейин мамлакати парчаланиб, ҳукмрон оила болалари қўлида ўйинчоқ бўлиб қолди. Шийравайҳ отасидан кейин олти ой яшади, сўнгра тўрт йил ичида ўнта подшоҳ алмашди. Росууллоҳ  дуолари шу тарзда рўёбга чиқди.

Росууллоҳ  ушбу номалар орқали ташқи сиёсатдаги билимдонлигини намоён қилдилар ва ўзидан кейинги халифаларга ўрнак бўлиб, юксак жасорат ва кучни кўрсатдилар. Чунки Росууллоҳ дан бошқаси бўлганида бу ишнинг оқибатидан қўрқсан бўлар эди. Хусусан бу номаларнинг баъзилари Ираклий, Кисро ва Муқовқис каби кучли подшоҳлар ва катта давлатларга юборилган эди. Лекин даъватни етказишга бўлган кучли иштиёқ ва Аллоҳ Таолонинг қўллаб-қувватлаб туришига бўлган ишонч у зотни бу ишни амалга оширишга ундаdi.

Бу номалар Росууллоҳ  даъватдаги донолигини ҳам кўрсатди. Биз буни ушбу номалар ўз ичига олган маънолардан билиб олишимиз мумкин. Зоро, Ираклий ва Муқовқис Исо ни

илоҳликка кўтарадиган даражада бузилган насронийлик динида эди. Шунинг учун Росууллоҳ  бутун одамлар, шу жумладан пайғамбарлар ҳам оламлар Роббиси Аллоҳнинг бандаси эканлигини таъкидладилар ва уларга йўлланган номада Аллоҳ Таолонинг қуидаги оятини зикр қилдилар:

﴿قُلْ يَأَهْلَ الْكِتَبِ تَعَالَوْا إِلَىٰ كَمِةٍ سَوَاءٌ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَا نَعْبُدُ إِلَّا اللَّهُ وَلَا نُشَرِّكُ بِهِ شَيْءًا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا مِّنْ دُونِ اللَّهِ فَإِنْ تَوَلَّوْ فَفَقُولُوا أَشْهَدُوا بِأَنَّا مُسْلِمُونَ﴾

«Айтинг» (эй Мұхаммад): «Эй аҳли китоб (яъни яҳудий ва насронийлар), бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз – ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-бировларимизни Аллоҳдан ўзга худо қилиб олмайлик». Агар улар (яъни аҳли китоблар) ушбу даъватдан юз ўгирсалар, унда сизлар (эй мўминлар): «Гувоҳ бўлинглар, биз мусулмонлар – ягона Аллоҳга итоат қилгувчилармиз», деб айтингиз!» [Оли Имрон 64]»

Форс юртида Кисро ва унинг қавми қуёш ва оловга сиғинувчилардан эди. Шунинг учун Росууллоҳ  ушбу тушунчани ўз номаларида тавҳид ҳақиқатини баён қилиш орқали тузатишини истадилар.

Росууллоҳ нинг ўша даврдаги даъват воситаси сифатида ушбу номалардан фойдаланишлари у зотнинг оқилона ишларидандир. Пайғамбар  Мұхаммад Аллоҳнинг элчиси деб ёзилган узук тақар ва номаларни шу узук билан мухрлар, подшоҳлардан ҳадя қабул қилас, шунингдек, улар билан ҳаром ёки гуноҳ бўлмаган умумий меъёрлар бўйича муомала қилас эдилар. Ҳуқмдорларга қилган мурожаатларида эҳтиром билан мурожаат қилишлари ҳам у зотнинг доноликларидандир. Бундай эҳтиромни Рум ҳуқмдори Ираклийга, шунингдек, Кисро ва бошқа подшоҳларга йўллаган номаларида кўриш мумкин.

Росууллоҳ нинг номаларида ҳеч қандай таҳдид йўқ эди. Аксинча, улар Исломни қабул қилган ёки сулҳ тузилган тақдирда, ҳуқмдорлар ҳокимияти дахлсизлиги кафолатланиши билдирилган. Воқидийнинг ёзишича, Дамашқ ҳуқмдори Мунзир ибн Ҳорисга йўлланган номада бундай дейилади: «Ҳидоятга эргашган ва имон келтирганларга салом бўлсин. Мен сени ҳеч қандай шериги бўлмаган ёлғиз Аллоҳнинг динига имон келтиришга чақираман. Агар сен Аллоҳга имон келтирсанг ҳокимиятинг сақланиб

**қолади».** Баҳрайн ҳукмдори Мунзир ибн Совийга йўлланган номада бундай дейилади: «**Исломга кир, нажот топасан ва мен ҳокимият қўлингда қолишига кафолат бераман**». Уммон подшоҳи Жайфар ва унинг акасига йўлланган номада бундай дейилган эди: «**Агар иккингиз Исломга кирсангиз, сизларни ўз ерингизга волий қиласман**».

Шундан сўнг айрим подшоҳлар имон келтиришди ҳамда ўзи ва қавмини куфр зулматидан халос этишди. Баҳрайн подшоҳи Мунзир ибн Совий, Уммоннинг икки ҳукмдори, Жуландонинг икки ўғли Жайфар ва Абдлар шулар жумласидандир. Аммо улардан баъзилари ўткинчи шон-шуҳратни истаб ёки аъёнлари ва қавмидан қўрқиб куфр зулматида қолишли...

Росулуллоҳ ушбу номалар орқали ер юзидағи подшоҳларга даъватни етказдилар ва икки дунё баҳт-саодатини кафолатлайдиган янги динни танитдилар. Бу Исломнинг оламшумул дин эканига далолат қиласми. Бу диннинг оламшумул эканини Қуръони Карим қўйидаги оятларида таъкидлайди:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِلْعَالَمِينَ﴾

**«(Эй Мұхаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни Аллоҳнинг раҳмати-жаннатига етаклагувчи) қилиб юбордик»** [Анбиё 107]

Мусулмонларнинг халифалари даъватни ёйиш ва одамларнинг Аллоҳнинг динига киришига имконият яратиш учун фатҳларни давом эттиридилар. Абу Бакр Сиддиқ нинг Ҳалифалик даврида Исломий давлат арконларини мустаҳкамлаш имкони бўлмади. Чунки қўшни давлатлар давлат ҳудудига ташвиш туғдираётган ва жосусларни юбораётган эди. Шунингдек, одамларни Исломий давлат сultonига қарши чиқишга ундаётган эди. Шунинг учун ушбу душманларга қарши қилинадиган уруш давлат ҳудудларини таъминлашда қўл келар эди. Яъни Исломни ақида, дин ва ҳаёт манҳажи сифатида бутун ер юзига ёйишни таъминлар эди. Шунда Исломий давлат ерлари кенгаяр, ҳажми катталашар, шавкати кучаяр ва бошқа давлатлар қўрқадиган ҳайбатли кучга айланар эди. Халифа Абу Бакр Сиддиқ бошқа юртларни фатҳ қилиш учун қўшинни тайёрлади. У ҳар бир қўшинга ўз амирини танлади. Қўйидаги шахслар ўша амирларнинг етакчиларидан эди:

1 – Холид ибн Валид , Абу Бакр уни Ироқقا юборди.

2 – Абу Убайда Омир ибн Жарроҳ , уни Шомга юборди.

3 – Амр ибн Ос, уни Абу Убайга мадад бериши учун юборди.

4 – Масаний ибн Ҳориса Шайбоний, у Холид ибн Валид билан бирга бўлди.

5 – Адий ибн Хотим Тоий, у ҳам Холид ибн Валид билан бирга бўлди.

6 – Зирор ибн Азвар, у ҳам Холид ибн Валиднинг ёнида бўлди.

7 – Зирор ибн Хаттоб, у ҳам Холид ибн Валид билан бирга бўлди.

Ушбу жасур саркардалар Ироқ ва Шомда бир вақтнинг ўзида Форс ва Рум давлатлари устидан бир қатор ажойиб ғалабаларни қўлга киритдилар. Абу Бакр Сиддиқнинг Амр ибн Ос  қилган васияти етакчиликдаги энг мұхим стратегик васиятлардан бўлди. Абдуллоҳ ибн Амр  айтади: Абу Бакр Сиддиқ  Амр ибн Ос  бундай деб ёзди: «Росулуллоҳ  ҳарбий масалаларда маслаҳатлашар эдилар, сен ҳам шундай қил».

Натижада кўп юртлар фатҳ қилинди ва Исломий давлатга бўйсундирилди. Қуйидаги шаҳарлар фатҳ қилиниб Исломий давлат салтанатининг сиёсий нуфузи остига кирди:

Абула минтақаси, бугун у Басра мұхофазасининг бир бўлаги, Бониция, Баросма, Алёс, Амғиша, Хайра ва унинг Хурнақ ва Садир каби қасрлари ҳамда Анбарнинг айрим минтақалари.

Холид ибн Валид етакчилигидаги жанглар қақшатқич бўлди ва Исломий давлат ўз нуфузини Фурот дарёси ғарбидаги Ироқ минтақаларига ёди. Мусулмонлар бу жангда катта ўлжаларни қўлга киритдилар. Козима жанг, Мазор ва Важла воқеалари ўша пайтдаги Форслар билан бўлган тарихий жанглардан эди.

Форслар ва уларга тобе араб насронийлари хорланган ҳолда ўз қўллари билан жизя тўлашди. Ҳатто мусулмонлар қўлга киритган моллар юз минг динор ва миллион дирҳамга етди. Бундан ташқари, Байтул мол ўлжаларга тўлди. Мусулмонлар кўплаган кишиларни асир олишди ҳамда жангда минглаб форс ва насронийлар ўлдирилди. Уларнинг орасида Форсларнинг етук саркардалари ҳам бор бўлиб, бу жанглар мусулмонлар учун катта нусрат бўлди.

Рум давлатига тобе Шом ерларида эса Балқоъ, Тадаммур, Хаворин ва Бусро қишлоқлари фатҳ қилинди. Мусулмонларнинг қўшини Дамашқ ва Фаластан чегарасигача етиб борди.

Абу Бакр даврида Исломий давлат қўшинлари Шом ерларида Рум давлатига қарши қақшатқич жанглар олиб боришли. Улардан

энг мұхими ва машҳурлари Ажнадайн, Марж Саффар ва Ярмук жанглариdir. Мұсулмонлар бу жангларда катта зафар қозонишиди ҳамда кўп ўлжаларни қўлга киритиб сон саноқсиз румликларни ўлдиришди. Ўлдирилганлар орасида етук саркардалар ҳам бўлди.

Иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб  даврида ҳам фатҳлар давом этди. Унинг даври исломий фатҳларнинг олтин даври бўлди. Унда мусулмонларнинг байроқлари юқори кўтарилди ҳамда Исломий давлат шарқда Афғонистондан Хитойгача, шимолда Каспий денгизигача, Тунис ва унинг ортидан Ғарбда шимолий Африкагача, жанубда эса Нуба юртларигача чўзилди. Ҳижратнинг ўн тўртинчи йилида Дамашқ фатҳ қилинди. Химс ва Баълбакка сулҳ йўли билан фатҳ қилинса, Басра ва Абула жанг орқали фатҳ қилинди.

Ҳижратнинг ўн бешинчи йилида Ярмук ва Қодисия воқеалари бўлди. Унда Иордания жанг орқали ва Табария сулҳ орқали фатҳ қилинди. Ўн олтинчи йилда эса Аҳвоз ва Мадоин фатҳ қилинди. Ўшанда Саъд ибн Абу Ваққос Кисронинг айвонида жума намозини ўқиди. Бу Ироқда ўқилган биринчи жума намози бўлиб, сафар ойида рўй берди. Ўша йили яна Жавлоъ воқеаси содир бўлди ва Кисронинг ўғли Яздажир мағлуб бўлиб, Ройга чекинди. Сўнг Тикрит ва ортидан Байтул Мақдис фатҳ қилинди ва Умар Жобияда ўзининг машҳур хутбасини қилди. Кейин Қансарайн жанг орқали ҳамда Антокия ва Манбаж сулҳ орқали, Суруж жанг орқали ва Қарқасия сулҳ орқали фатҳ қилинди. Ўн еттинчи йилда Умар Масжидун набавийни кенгайтирди. Ўша йили Ҳижозда қаҳатчилик бўлди ва бу йил Рамода йили деб номланди. Умар Аббос  билан бирга одамларга ёмғир сўради. Ўн саккизинчи йилда Жундисобур сулҳ орқали, Ҳалвон, Раҳо, Самисот, Ҳурон, Насибиин ва Жазиранинг бир қисми жанг орқали фатҳ қилинди. Баъзилар у жойларни ва Мосулни сулҳ орқали фатҳ қилинганини айтишган.

Усмон ибн Афон нинг Ҳалифалиги даврида Мағриб ва Нуба юртлари фатҳ қилинди. Ўшанда мусулмон қўшинлар Нубага Мисрнинг жануби орқали киришди. Улар Нубани фатҳ қилиш ва Исломий давлатга қўшиб олиш орқали ўша жойга мустаҳкам ўрнашишди. Сўнг улар Мағриб юртларидаги фатҳларини давом эттириб, у ерда Исломни ёйишиди ва Туниснинг соҳилларигача етиб боришли. У ерда Рим қўшинига йўлиқиб, уларни мағлубиятга учратишли. Натижада, Барқадан Тунисгача бўлган жойлар Усмон  даврида Исломий давлатга бўйсунди.

Умавийлар даврида ҳам исломий фатҳлар давом этди ва Исломий давлат юксак даражада кенгайди. Муовия ҳали ҳолат барқарорлашмасдан олдин қўшинни тайёрлади ва флотни пайдо қилди. Форс ва Рум давлатлари Муовия билан Али  ўртасидаги фитнадан фойдаланишга ҳаракат қилишганидан кейин давлат таянчларини мустаҳкамлаш учун атрофга саркардалар юборилди.

Бу қўшинлар жизя тўлашдан бош тортиш мақсадида бошланган форс қўзғолонини бостиришди.

Сўнгра Шарқقا қараб юриш қилиб, Жайхундан ўтишди ва Бухоро, Самарқанд, Термизни фатҳ қилишди. Ўшанда Римликлар Исломий давлатнинг шимоли ғарбий тарафида кўплаган ҳужумларни уюштиришаётган эди. Муовия ўша тарафларни қўллаб-қувватлаганидан кейин кўп жойларда улар устидан ғалаба қилинди.

Муовиянинг 1700та кемаси бор бўлган флоти Кипр, Родс ва Римликлар қўл остидаги бир неча жойларни фатҳ қилди. Қирқ саккизинчи йилда Рим давлатининг шарқий пойтакти бўлмиш Константинополни фатҳ қилиш учун биринчи уриниш бўлди. Муовия ўғли Язид бошчилигидаги қўшинни юборди ва Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Абу Айюб Ансорий каби сара саҳобаларни унинг қўмондонлиги остига бирлаштируди. Лекин Константинополни фатҳ қилиш имкони бўлмади.

Африканинг шимоли (Тунис, Жазоир, Мағриб) тарафидан исломий фатҳлар яна кенгайди. Муовия эллигинчи йили фатҳларни мустаҳкамлаш учун Уқба ибн Нофеъни ўн минг қўшин билан юборди. Уқба барбарлар орасида Исломни ёйишга ҳаракат қилиб, Қайравон шаҳрини бунёд этди. Язиднинг даврида эса, Уқба Африканинг шимолига бўлган юришини кенгайтириб, Ғарбдан Атлантика океанигача етди. Уқба ўша жойда ўзининг: «Аллоҳга қасамки, агар ушбу океан бўлмаганида, Аллоҳ йўлида жиҳод қилган ҳолда юришимни тўхтатмаган бўлар эдим» деган таъсирили сўзини айтган эди. Умавий Халифаларнинг бешинчиси бўлмиш Абдул Малик ибн Марвоннинг қўшинлари шарқда Мавороуннаҳр юртларига қараб юриш қилди. Ўшанда қўшинга Муҳаллиб ибн Суфра ва Язид ибн Абдулмаликлар етакчилик қилишди. Валид ибн Абдулмалик даврида энг кўзга кўринган фатҳлар Балх, Сафд, Марф, Бухоро, Самарқанд фатҳлари бўлди. Унда қўшинга Қутайба ибн Муслим раҳбарлик қилди.

Мұхаммад ибн Қосим Сақафий Синд (Покистон)ни, Муслима ибн Абдулмалик кичик Осиёдаги кўп жойларни фатҳ қилди. Тивола қасрлари, Амурия қасрлари, Ҳарқала, Сабита, Қомуния ва Тарсус фатҳлари шулар жумласидандир. Сулаймон ибн Абдулмалик даврида Константинопол қамал қилинди.

Европада эса, Мусо ибн Насир Андалусияни фатҳ қилди ва у саккиз аср мусулмонлар қўли остида қолди. Анбаса ибн Саҳим Калбий Франциянинг жанубига юриш қилиб, Сабтамая, Баргония ва Лионни фатҳ қилди, лекин бу муваффақиятлар вақтингча бўлди. Бу ҳаракатлар Абдурраҳмон Ғофиқий раҳбарлик қилган Пуатье жангигача давом этди, сўнг Усмонийлар даври бошланди.

Исломни ёйиш ва унинг байроғини кўтаришда Усмонийлар ўйнаган роль аҳолининг барча қатламларига ижобий таъсир кўрсатди. Зеро, Усмонийлар Росууллоҳ, ﷺ нинг:

«بَلَّغُوا عَنِّي وَلَوْ آتَيْهَا»

**«Мендан бир оят бўлса ҳам етказинглар»,** деган сўзларининг тасдиқи сифатида Ислом ҳукмларини татбиқ қилишди. Усмоний сultonлар ҳақни ғолиб қилиш ва жаҳолатни улоқтириш ҳақида келган оят ва ҳадисларни ҳаётга татбиқ қилишди. Шунинг учун Усмоний Ҳалифалик салибчи ва яҳудийлардан иборат Ислом душманлари нишонига айланди. Улар ушбу давлатга қарши тил бириқтириш ва унга зарба беришда тинмай ҳаракат қилишди.

Усмоний давлатнинг Европадаги фатҳлари ҳақида гапирап эканмиз, Усмонийлар Европага қачон кириб келгани ҳақида гапириш фойдадан холи эмас. Дарҳақиқат, Усмоний давлат Европага ушбу давлат асосчиси Эртуғрул ўғли Усмон биринчи даврида кириб келди. Усмон биринчи отаси вафотидан сўнг раҳбарликни қўлга олиб, қўшни амирликлар билан иттифоқ тузди. Токи ўша пайтда заиф ҳолатда бўлган Византия давлати ҳисобига ўз ерларини кенгайтириш осон бўлсин. Бу нарса унга Онадўлининг ғарбий минтақаларига кенгайишига ёрдам берди. У Дарданелл бўғозидан ўтиб, Европанинг жануби шарқига қараб юрди. Сўнгра Сўгут шаҳри жанубида жойлашган Қорачаҳисор қалъасини фатҳ қилди. Ушбу шаҳарни ўзига қароргоҳ қилиб, у ердан Қора денгиз ва Мармарага юриш қилди. Шу йили Усмон биринчи вафот этиб, унинг ўғли Ўрхан Мармара денгизи яқинида жойлашган Бурса шаҳрини фатҳ қилди.

Усмоний давлат барпо бўлганига ярим асрдан кўпроқ вақт ўтгач, 1353 йили яъни Ўрханнинг сultonлиги даврида тариҳда биринчи бўлиб Шарқий Европага юриш қилди. Бу Исломий давлатнинг Болқондаги биринчи қароргоҳи бўлди. Шу пайтдан бошлаб, Европада кетма-кет фатҳларни амалга оширди. Усмоний давлат ҳеч қанча вақт ўтмай Болқоннинг катта қисмини фатҳ қилди. Натижада унинг шавкати ортиб, қудрати кенгая бошлади. Ҳатто Европалик саркардалар қўрқиб, қочишиди ва баъзида Усмоний давлат билан дўст эканликларини эълон қилишса, баъзида сулҳ тузишга ҳаракат қилишди. Улар яна Усмонийлар хатарига қарши курашиш учун Европа ғарбидаги давлатлардан ёрдам сўрашди. Лекин буларнинг барчаси атрофидаги мамлакатларни йўқ қилиб буюк империяга айланса бошлаган, Константинополни фатҳ қилиш билан Шарқий Европадаги ғалабаларига тож кийдирган қудратли усмоний кучга қарши туришда фойда бермади. Константинополни фатҳ қилишга қаратилган кўплаб уринишлар муваффақиятсизликка учраган бўлса-да, бу шаҳар 1453 йилда усмонийлар қўлига ўtdи. Константинопол Мұҳаммад Фотих лақабли Мұҳаммад ибн Мурод иккинчи томонидан фатҳ қилинди. Бу воқеа Усмоний давлат барпо бўлганидан 154 йил вақт ўтиб содир бўлди ва ўн бир аср давом этган Византия империяси қулади.

Мұҳаммад Фотих Константинополдан кейин ҳам Европадаги фатҳларини тўхтатмади. Аксинча у Европани фатҳ қилиш учун жанг қилишда давом этди. Натижада Усмоний давлат Сербия, Греция жанубидаги Мореани, Босния, Валахия ва Албания юртларини бўйсундирди. Шунингдек, Қарман юртлари ва Трабзон Рим империясини тугатганидан кейин, Венецияни мағлуб этиб Антилияни бирлаштириди. Мұҳаммад Фотих Италияни фатҳ қилишни кўзлаб турган пайт, яъни 1481 йилда вафот этди. Ўша пайтда Усмонийлар урушларни тўхтатиб, Шарқ томонга эътиборини қаратишди. Улар 1520 йил Султон Сулаймон Қонуний ҳукуматга келгунича Шарқ масалалари билан шуғулланишди. Сулаймон Қонуний даврида эса яна аждодларининг Европани фатҳ қилиш борасидаги интилишларини рўёбга чиқаришга киришишди. Натижада, 1521 йили Белградни фатҳ қилишди ва келгуси йили Родос оролини эгаллашди. Сўнгра Венгриядаги ички вазиятдан фойдаланиб, унинг жанубий худудларини эгаллаб олишишди. Усмонийлар 1526 йили Венгрия қўшини билан тўқнашиб, ғалаба

қозонди ва мамлакатнинг барчасини эгаллашди. Сўнгра Усмонийлар қўшини Австрияга юриш қилиб, уни мағлубиятга учратиши. Усмонийлар Австрия қироли Ферденантни Венагача қувиб бориб, уни бир қанча вақт қамал қилишди, лекин уни фатҳ қилиш имконияти бўлмади. Келгуси йили яна уни қамал қилишди, лекин фатҳ қилиш имконияти бўлмагач, Ферденант билан сулҳ тузиши. Сафавийлар билан алоқалар таранглашгач, Шарқ томонга эътибор қаратиши. Усмонийлар Сулаймон Қонуний даврида Испания ва Венеция мамлакатлари устидан кўп ғалабаларга эришиши. Бу давр Усмоний давлатнинг Европани фатҳ қилиш бўйича олтин даври бўлди. Шундан сўнг фатҳлар тўхтади. Чунки Усмоний давлат заифлашаётган эди. Натижада у Европада ўзи эгаллаб турган жойларни ушлаб қололмади ва охири 1923 йили қулади.

Мусулмон қўшинлар Пайғамбаримиз ﷺ давридан рошид халифаларгача ва Усмоний давлат қулагунича Исломни ҳидоят рисоласи сифатида оламга олиб чиқиши. Шунинг учун ўтроғу кўчманчининг ўйига Ислом кириши ва одамлар тўп-тўп бўлиб Исломга кириши учун уни ёйишга ҳаракат қилишди.

Уқба ибн Нофеъ «Мана шу океан ортида ер ва одамлар борлигини билганимда, Аллоҳ йўлида унга шўнғир эдим» деган эди. Ҳа, улар ўз пайғамбаридан ибрат олар эканлар, уларнинг қайғуси ва одамларга Исломни етказиш иштиёқи шундай бўлган эди. Улар амалга оширган урушлар бугун кофир гарб давлатлари қилаётганидек бойликларни талон-торож қилиш йўлидаги мустамлакачилик урушлари бўлмади. Аксинча, бу одамларнинг барчасига етказишни хоҳлашган ҳидоят рисоласи ва одамларни куфр зулматида Ислом нурига олиб чиқиши учун бўлган яхшилик рисоласи бўлган эди. Лекин Усмоний Халифалиги қулатилгач, мана шу яхшилик тўхтаб қолди. Шунингдек, даъват ва жиҳод билан Исломни ёйиш тўхтади. Бу энди Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Рошид Халифалик давлатини барпо этиш орқалигина рўёбга чиқади. Чунки буни Аллоҳ бизга ваъда қилган ва Росууллоҳ ﷺ у ҳақда башорат берганлар. Бўйнимиздаги масъулият улкандир. Чунки дунё аҳолисининг учдан икки қисми Ислом ақидасига эътиқод қилмайди. Аксинча, улар очиқ залолат ва куфрдадир. Шунинг учун Аллоҳдан бизга Ислом динини барча одамларга етказишида ёрдам беришини сўраймиз. Шунда исломий қўшинлар

одамларни дунё ва охират яхшилигига чақириш учун ҳаракатга келади. Албатта Аллоҳ бу ишга қодирдир.

﴿رَبَّنَا افْتَحْ بَيْنَنَا وَبَيْنَ قَوْمِنَا بِالْحُقْقِ وَأَنْتَ خَيْرُ الْفَاتِحِينَ﴾

«Парвардигоро, биз билан қавмимиз ўртасида ҳақ ҳукм қилгайсан. Ўзинг ҳукм қилгувчиларнинг яхшироғидирсан»

[Аъроф 89] □

## **ИСЛОМ ОЛАМИДА СЕПАРАТИСТИК ЭТНИК НИЗОЛАРНИ ҚЎЗҒАШДА МУСТАМЛАКАЧИЛИКНИНГ РОЛИ (2) (БАРБАР АМАЗИФ МОДЕЛИ)**

**Устоз Бассом Фарҳот**

### **Барбарлар тили ҳақидаги афсона**

Мустамлакачи Амазиф (араб-барбар) миллатчилигини қўллаб-қувватлаш учун уни аксессуарлар билан безашга ҳамда унинг сақоғий ва тарихий илдизи борлиги билан оқлашга ҳаракат қилди. Шунинг учун у барбарларни мусулмон араблар вужудидан алоҳида ажралган ва улардан ўзгача бир бутун вужуд сифатида кўрсатиш учун араб тилига муқобил ўлароқ барбар тили мавжудлигини даъво қилди... Биз барбар тилининг тарихий мавжудлигини инкор қиласақда, лекин биз бугунги кунда уни тўлиқ ифодали тил воситаси даражасига кўтарилишини рад этамиз. Чунки у (сўз бойлиги, ифодаси, қоида ва услуби жиҳатидан) йўқолиб бораётган ва қарама-қарши тилга сингиб кетаётган номукаммал ибтидоий шевадир. Бу шева замонавий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб ололмайди. Шунингдек, бу шева ифодалаш даражаси ўта паст ва қабилавий жамиятнинг баъзи оддий фаолиятларида гавдаланган инсоний муроҷотларга хос шевадир. Ҳатто у бошқа тилларга нисбатан кенг тарқалган араб тилисиз ўз вазифасини бажара олмайди. Унинг майдони маҳаллий ички ва тор майдон бўлиб, қишлоқдан нарига ўтмайди. Чунки у араб тилига таққосласак иккинчи даражали шевадир. Бу шевада сўзлашадиганлар ичida араб тилини билмайдиган ва унда равон гаплаша олмайдиган кишилар йўқ. Чунки Мағриб юртларида бир-бирини тушуниш воситаси, ўзлик унвони ва Ислом тили бўлган араб тилисиз яшаш, мумомала қилиш, бир-бири билан боғланиш ва ибодат қилиш мумкин эмас.

Ушбу соф французча тақсимлаш лойиҳаси мустамлакачини араб тилини изоляция қилиш учун барбар шевасини тактик қадам сифатида тиқиширишга ундади. Токи, иккисининг ўрнига француз тилини киргизиш осон бўлсин... Аммо ушбу нотўғри хulosанинг афсоналиги жиҳатига келсак, у барбар тили матн, расм, лафз ва ёзувда бирламчи ва оригиналдир деган даъвода ўз ифодасини топади... Француз тарихий мактаби Барбар диалектикасини тирик тиллар мақомига кўтарганидан кейин, бу нотўғри хulosani мустамлакачилик ғояси маҳсули бўлган икки фараз билан қувватлашга ҳаракат қилди. Биринчиси, барбар лаҗжасини барча

барбарларни бирлаштирувчи ягона тил сифатида ифодалаш. Бу ёлғон даъво бўлиб, Африка шимолидаги тил воқесига аниқ тўғри келмайди. Чунки биз барбарларнинг лексика, талаффуз, маъно ва услуб жиҳатдан уч турли лаҳжасини биламиз. Биринчиси Саҳрои Кабирда яшайдиган Тавориқ, Ламтуна ва Занота қабилалари сўзлашадиган занотий шева, иккинчиси Санҷожа, Завовата қабилалари ҳамда Жазоир тоғлари ва Урисияда яшовчи Шовия қабилалари сўзлашадиган санҷожа лаҳжаси, учинчиси Масмуда ва Гаммора қабилалари ҳамда Марокаш қишлоқлари ва тоғларида яшовчи ҳавора қабилалари сўзлашадиган лаҳжаси... Ушбу асосий лаҳжалар орасидаги асосий қарама-қаршиликлардан ташқари ҳар бир лаҳжанинг ичида ҳам ички лаҳжалар мавжуд. Мустамлакачилик мактаби вакили бўлган тарихшунос Руни Паси бу лаҳжаларни 1200та деб ҳисоблаган. У ўзининг Барбар номли китобида ушбу лаҳжалар ўртасида катта фарқлар мавжуд бўлгани учун улар бир-бирини тушуна олмайдилар деб эътироф этган...

Шундай экан, бундай номутаносиблик уммонида қайси барбар тили ҳақида сўзлашимиз мумкин? Масалан, Марокашда ахборот тарқатишда фойдаланиладиган учта расмий лаҳжа мавжуд. Ливияда (нафуса, табув ва тавориқ) каби бир-биридан фарқ қиласидиган учта лаҳжа бор. Жазоирда эса, расман қабул қилинган қабила лаҳжаси билан радио ва телевидениеда ўз улушини талаб қилаётган шовия лаҳжаси ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Шунингдек, Малининг шимолидаги Азвод минтақасида ҳозир айтиб ўтган лаҳжаларнинг барчасидан ўзгача лаҳжа борлигини кўрамиз... Ушбу маълумотларни қўллаб-қувватлайдиган яна бир нарса шуки, ҳар бир асосий лаҳжа эгаларининг ўзига хос хусусияти бўлиб, бошқалардан ўзгача ирқий гуруҳларга хосдирлар... Аммо барбар тилининг аҳамияти бўрттириб кўрсатилган иккинчи фаразга келсак, у ушбу лаҳжалар минтақанинг асл тили бўлиб, унга барбарларнинг ўzlари асос соглан деган тушунчада гавдаланади. Аслида француз тарихий мактаби барбар ва семит тиллари оиласи ўртасидаги ҳар қандай қариндошлик алоқаларини бузиш учун мана шундай даъво қилишга мажбур бўлди...

Мустамлакачи дастлаб, одатдагидек барбар лаҳжасини Ҳинд Европа тилларига боғлашга ва Мағриб минтақасини Францияга қўшиб олишга ҳамда ўз мустамлакасини қонунийлаштиришга ҳаракат қилди. Лекин барбар лаҳжаси бошқа тилларга солиштирилгач, семит тиллари билан алоқаси борлиги кўриниб

қолди. Бу барбар тиллари бўйича машҳур немис олими Рослини барбар тиллари аслида семит тиллари оиласига киради ва уни ўша тиллардан ажратиб бўлмайди деб таъкидлашга мажбур қилди. Олимнинг ушбу сўзларини Генз Штимма ва англиялик тилшунос олим Уилям Нюманлар қўллаб-қувватлашди... Барбарларни ирқий ва сақофий жиҳатдан арабларга ва Ислом дунёсига боғлаган бундай хуросалар Ғарбнинг мустамлакачилик интилишларини қондирмас эди. Шунинг учун француз тарихий мактаби уни четлаб ўтишга ҳаракат қилди ва барбариzmнинг мустақил келиб чиқаши ҳақида яхудий Марсал Коен айтган назарияни олға сурди. Бундан мақсад, барбариzmни семитликдан, қолаверса, араб тилидан ажратиш эди. Марсал Коен барбариzm семит тиллари келиб чиқсан асосдан келиб чиқсан ва у анча олдиндан бери мавжуд, деб даъво қилди. Коен бу билан илмий ҳақиқатдан қочди ва ҳар икки тил ўртасида ўхшашлик борлигини оқламоқчи бўлди. Бу илмий жиҳатдан исботланмаган ва ботиллиги аниқ бўлган тўқима бўхтон бўлиб, Ғарбнинг сепаратистик мақсадларига хизмат қиласди... Барбар ва семит тиллари ўртасидаги ўхшашликлар кўп бўлиб, Шарқ тиллари хилма-хил бўлгани каби хилма-хилдир... Барбар тилидаги хилма-хиллик аслида Мағрибга тарихнинг тури босқичларида кўчиб келган одамлар билан келган Шарқ тилларида хилма-хилликнинг бир қисмидир.

### **Барбар имлоси афсонаси**

Барбар имлоси номли афсона Тарихий фактларни ўзи ҳоҳлаганча талқин этишни давом эттириб, мустамлакачилик тарих мактаби барбар имлосига доир афсонани ўйлаб топди. Мустамлакачиликнинг тарих мактаби уни тарих қабристонидан топиб, унда бирдамлик, асллик ва ўхшашлик бор деб даъво қиласди ва шу фикрни олға сурди. Бундан мақсад, амазиғлар ўзлигини қўзғаш ва барбарларни табиий исломий арабий мұҳитидан ажратиш бўлди... Франция дастлаб араб тилига барҳам бериш, унинг ўрнига босқичма-босқич барбар тилини олиб келиш ва охирида ҳар иккисининг ўрнига француз тилини тиклашни мақсад қиласди. Барбар лаҗжаси оғзаки бўлиб, ўз имлосига эга бўлмагани учун, дастлаб уни лотин алифбосига солди. Сўнг уни 1913 йилдан бошлаб Париждаги барбар академиясида шу шаклда расман ўргатди. Кейинроқ, барбар тили алифбосини яратиш учун тарих қайта титкиланди. Ушбу тадқиқот ва қазиш ишларининг натижалари қўйидагича бўлди:

**Биринчи:** Франция тарих мактаби барбар имлоси, деб ҳисоблаган нарса аслида бир-биридан бошқа ва ўзгача икки имлодир. Яъни шимолдаги лубия ва жанубдаги тавориқларнинг тифноқ имлосидир. Тарих мактаби шу иккисидан барбар имлосини яратди.

**Иккинчи:** Ушбу икки имло тўла бўлмаган нуқсонли имлодир. Масалан тифноқ имлоси француз армияси зобити томонидан Жазоир саҳроси жанубидаги Тасили ғорларидан топилган ўнтадан ортиқроқ ҳарфлардан ташкил топган. Қолган ҳарфлар ноаниқлигича қолган. Шунинг учун бу имло билан барбар лаҳжасини ёзиб бўлмайди ва у алифбо даражасида эмас.

**Учинчи:** Ушбу икки имло бугунги барбар тилига умуман алоқаси бўлмаган ахфурия алифбоси туркумига киради. Милоднинг иккинчи асридаёқ бу икки имлодан воз кечилган. Шунинг учун бугунги барбарлар, уларнинг саводлиги-ю саводсизи уни на билади на тушунади ва на рамзларини ажратади олади.

**Тўртинчи:** Бу икки имло ўз даврида эътибордан узоқ ҳамда қайд қилишга ярамайдиган ва ҳазоратни ифодала олмайдиган имло бўлган. Чунки олдинги барбарлар уларни қўллашни ёмон кўришган. Шунингдек, шу икки имло билан ёзилган узоқ матнни топа олмаймиз. Аксинча, улар сағана ва қабр тошларига ёзишда қўлланилган...

Хулоса шуки, французлашган бўлгинчи ҳаракат вакиллари ривожлантираётган амазиғ лаҳжаси француз тарихий мактаби пайдо қилган қабилавий лаҳжадир. Тарих мактаби Туареглар орасида топилган Тифнақ диалектларининг сўзларидан фойдаланди, кейин унга ўзи ўйлаб топган ҳарфлар гуруҳини қўшиб, уни 26 тага етказди. Сўнгра лотин алифбосидан пайдо бўлган ва бузилган тасвирга айланиши учун чапдан ўнгга қараб ёзиладиган ва Франция алифбоси услубида тузди. Кейин уни бошқа барбар лаҳжалари билан аралаштириб юборди. Ҳолбуки, бу лаҳжаларнинг аксарияти бирор кун ҳам ушбу имлода ёзилган эмас... Француз тарихий мактаби ўзининг тўқималарига илмий характер беришдек одатига кўра, барбар имлосини қадимий Европа имлосига боғлашга ҳаракат қилди. Шунингдек, Тифнак ёзувини юонон, испан, рус ва этроск ёзувлари билан таққослади... Натижа эса, мустамлакачилар орзуларини пучга, даъволарини ёлғонга чиқарди. Чунки улар ўртасида бирорта ҳам ўхшашлик топилмади ҳамда Европа ва Франциянинг даъволари рад этилди...

Аслида, исмнинг ўзи ҳам буни очиқ тасдиқлайди, чунки Тифнак сўзи барбарчада тифниқий дейилади, ёки муаннаслик аломати бўлган շ ҳарфи бу лаҳжа одатига кўра муаннас исмдан олдин келади...

Шарқий семит тил гуруҳларининг умумий характерига, уларнинг хусусиятлариiga, ҳарфларнинг йўналишига, геометрик кўриниши ва тасвирланишига чуқурроқ кирсак, барбар ёзуви финиқий, арамей, абарий, самудий, сафавий, мисрий, сурёний, хайрий, куший, набатий, калдоний, лихёний, ҳабаший ёзуви услубидаги левант ёзувининг намунаси эканини топамиз... Уларнинг ўртасидаги ўхшашлик аниқ бўлиб, бу уларнинг барчасини жамлайдиган чуқур сақофий ва ҳазорий алоқа борлигидан дарак беради. Бу эса, французлашган гуруҳлар ва ашаддий мустамлакачилар ёқтиргасада, уларнинг битта ҳазорат, яъни араб шарқ левант насабидан эканига далолат қиласди.

### **Тарихий кураш афсонаси**

Барбар амазиғ низоларида ирқ ва сақофатдан кейин қўлланилган учинчи нарса тарихдир. Унда француз тарих мактаби ўзининг фаразли тадқиқот ва тўқималари учун даъво қилган фаразий илмий исботнинг ишончлилигини исботлашга эътибор қаратди... Шубҳа йўқки, бир ҳалқни араб ва мусулмонлардан урфодат, тил, сақофат ва эътиқод борасида бошқа эканини даъво қилиб, географияга чанг солиш ҳеч қандай қонунийликни келтириб чиқармайди ва ҳақиқатга айланмайди. Бу фақатгина тарихий ҳодисалардан воз кечишга мажбурлашдир. Зоро, тарихий, археологик, антропологик ва лингвистик тадқиқотлар мустамлакачининг фаразлари заиф эканига ҳамда барбарлар урфодат, ҳазорат ва сақофат борасида қадимий араб, Шарқ семит мұхитида чиниққанига шубҳа қолдирмайди. Бу эса, француз тарихий мактаби вакили Ронни Бассини ўзининг Барбар номли китоби, 151-саҳифасида (Мен барбар ҳазоратини тирилтириш имконсиз деб ўйлайман. Чунки унга барбарларнинг ўзи ҳам эътибор бермаган. Ўн тўққизинч асрдан бошлаб бир неча ҳалқларда уйғониш рўй берди, лекин барбарларда бу нарса юз бермади. Ҳатто уларнинг ўzlари гоҳида бундан уяладилар), деб тан олишга мажбур қилди...

Амазиғ сепаратистларининг юзига туширилган бу тарсаки мустамлакачилар тарихшуносларини тарихий ҳодисаларнинг шарҳи ҳақидаги очиқ тарихий далиллар айтиётган нарсага тажовуз

қилиш ва салибчи мустамлакачи юришларини давом эттиришидан тўхтатмади... Мустамлакачилик тарихий мактаби мана шу асос бўйича юриб, тахмин қилинган араб-барбар курашини тўхтамасдан давом этган қилиб исботлашга ҳамда унга араб ва Исломга қарши диний ва миллий характер беришга интилди... У минтақа тарихини бузиб, хунук қилиб кўрсатди, фактларни бузди, ижобий тарафларини ўчириб, салбий жиҳатларини катталаштириди ва ўзининг гина ва адоватга тўла микроскопи остига қўйди. Минтақанинг арзимас эътиrozини эса, барбарларнинг ўзлигини, миллий интилишларини ва Исломни рад этишларини ифодаловчи қонли исён ва қўзғолон деб шарҳлади... Сўнгра барбарларнинг араб исломий босқинига қарши қўзғолони ва қаршилиги деган бўхтонларни тўқий бошлади. Француз тарихий мактаби ишониб бўлмас бу қўзғолон даъволарини ва мустамлакача уйдирмаларини Кусайла ва Коҳина исёnlарига туширди. Ҳолбуки, Кусайла исёни Уқба ибн Нофеънинг унга нисбатан қилган муносабатига қарши реакция бўлса, Коҳина исёни бақо ғаризасининг бир кўриниши бўлган эди. Шунинг учун ҳар иккиси ҳам миллий ақидавий нафратни келтириб чиқармади... Аммо француз тарихий мактаби ўз даъволари ва уйдирмаларини исботлаш учун суянаётган муҳим ҳодиса Умавийлар даврида Мағрибда аланга олган хаворижлик қўзғолонлариdir. Бу мактаб уни барбарларнинг мафкуравий миллатчилик интилишларини ўзида мужассам этган ҳамда уларнинг араб мусулмонлар кишанидан озод бўлиш ва мустақиллик интилишларини ўзида мужассам этган инқилоб, деб атади. Шунингдек, барбарларни сақофат, ақида, ўзлик ва мансублиги жиҳатидан нишонга олган бўлгинчилик лойиҳасини ўша қўзғолонлар асосида бунёд этди.

### **Қўзғолонми ёки қаршилик...?**

Гарчи мустамлакачилик мактаби тарихий далилларни ўз адаштирувларини тасдиқлаш учун ишлатган бўлса-да, лекин уларни танлаб, пинҳоний йўл билан муомала қилди. Дарҳақиқат, бу нарса саккизинчи асрда Африкада содир бўлган хаворижлик қўзғолонидан бошланди. Мустамлакачилик мактаби унинг ҳақиқатларини сохталаштириди, бузиб кўрсатди, салбий томонларини катталаштириди ҳамда ундан Ислом дини ва араб ирқига қарши қўзғолон ясади. Сўнгра буни барбарларнинг марказий Исломий давлат билан бўлган муносабатларининг тарихий ҳаракатига айлантириди... Биз барбар хаворижлари

Умавийлар давлатига итоат қилишдан бош тортган тарихий ҳодисани инкор қилмаймиз. Лекин биз мустамлакачилик мактабининг ўша ҳодисага нисбатан берган талқинини ва унинг ҳажмини катталаштириб юборганини инкор қиласиз. Чунки у бу ҳодисага араб ва мусулмонларга қарши бўлгинчиллик руҳига эга бўлган миллий диний тус берди... Ушбу воқеаларга қайтар эканмиз, Франция қўзғолон деб номлаган нарсаларни аслида улар Умавий волий ва омилларининг зулмига қарши кўтарилиш бўлганини кўрамиз. Шундай экан, барбарлар исённи хоҳлашмаган ва унга шошилишмаган. Балки улар марказий салтанатга рози бўлиб, итоат қилишган. Имом Табарий ўзининг тарих китобида бундай деган: «Уларнинг юрти энг итоаткор ва тингловчи юрт, халқи эса энг чиройли бўйсунгандан ва итоат қилган халқ бўлган». Абу Муҳожир Динор, Ҳассон ибн Нўймон ва Исмоил ибн Убайдуллоҳлар барбарларни Исломга мойил қилишда юмшоқлик сиёсатини қўллаган волийлардан бўлишган. Рошид халифалардан бўлган Умар ибн Абдулазиз ҳам улар билан шундай муюмала қилган. Аммо барбарлар булардан бошқа волийлардан фақат қаттиққўллик ва мاشаққатни кўришган. Чунки улар барбарларни хўрлашган. Уларга зўравонлик қилишган, бойликларини тортиб олишган, ўзларини қўл қилишган, уларни ўлжа деб ҳисоблашган ҳамда жангда олдинги сафга қўйиб, ўлжалардан маҳрум қилишган. Ҳатто уларга жизя солиб, ўзлари мусулмон бўлишига қарамай аёлларини чўри қилишган.

Барбарлар буларнинг барчасига қарамай, қўзғолонга чақираётгандар ортидан ютуришмади, аксинча вақт пойлашди. Сўнгра халифа билан учрашиш ҳамда волий ва омилларнинг зулмидан шикоят қилиш учун Дамашқа элчи юбориши. Лекин марказдагилар ишни пайсалга солиб, элчиларнинг халифага йўлиқишига йўл беришмади. Шунда улар зулм марказдан бўлаётганини тасдиқлаб золим ҳокимларга итоат қилишдан бош тортишди... Лекин уларнинг марказий ҳокимиятга қарши чиқиши вақтинчалик ва бир маконга чекланган вазият эди. У сабаб ва қийинчилклар ўз ниҳоясига етгач, сўниши аниқ эди. Мана масалан, улар Қайравонга ҳужум қилиб, унинг золим умавий волийсини ўлдиришгач, марказий салтанатдан мустақил бўлишганини эълон қилишмади. Аксинча, унинг ўрнига ўзининг чиройли хулқи билан танилган собиқ умавий волийни тиклашди. Сўнгра қилган ишларини оқлаб ва марказий салтанатга бўлган

муҳаббат ва итоатларини янгилаб мактуб юборишид... Улар волий ва омилларнинг зулмига қарши чиқишиди, уларнинг бу иши марказий ҳукуматдан ажралиш қўзғолони бўлмади.

### **Муртадлик ва ҳалқпарварлик афсонаси**

Мустамлакачилик тарих мактаби барбарларнинг қаршилик ҳаракати ҳажмини катталаштириш ва уни барбарларнинг Исломий давлат билан бўлган алоқасидаги асос ва фундаментта айлантириш билан кифояланишмади. Аксинча, унга ақидавий тус беришиди ва уни барбарларнинг Исломга бўлган муртадлиги деб ҳисоблашди. Бу ҳодисаларга назар солсак, уларда Исломдан чиқиш рағбати ҳамда унинг шариати ва ҳукмларидан озод бўлиш истаги бўлмаганини кўрамиз. Аксинча, улар Ислом номи билан ва исломий ақидадан келиб чиқиб қилинган қаршилик эди... Барбарлар зулмга қарши эканликларини ифодалаш учун ўзларини хавориж мазҳаби оғушига отишган эди. Чунки бу хавориж мазҳаби вакиллари ҳаққа бўйсуниш ва золим ҳокимларга қарши курашиш сифати билан ажралиб турарди. Яна бу мазҳаб ўта соғлом, юксак даражада идеал, дидли, динда чуқур ва кичкина гуноҳни қилган кишини ҳам коғир санайдиган мазҳаб эди... Барбарлар гуноҳ ва маъсиятдан узоқ бўлиб, замондошлари уларни (Кундузи рўздор ва тунда намоз ва ибодат билан машғул эдилар. Беллари эса, қуръон жузларидан буқчайган эди...), деб таърифлашган. Абдуллоҳ ибн Аббос  улар билан баҳс қилиш учун келганида (Уларнинг пешоналари кўп сажда қилганидан яра бўлиб кетганини кўрган эди)...

Барбарларнинг қаршилиги исломий фикрларга асосланган эди. Дарҳақиқат, уларнинг қаршиликлари ва золим ҳокимларга қарши реакциясига хаворижлар фикрлари ҳукмрон эди. Буни тасдиқлайдиган нарса шуки, улар хаворижий фикрларни қабул қилган бўлиб, ўзларининг барбарлиги ва ўтпарамастлиги тўғрисида айтишмаган. Аксинча, улар Шарқ хаворижларига ўхшар ва уларга тақлид қилишар эди. Улар Азрақлар ва Наҳравонликларга тақлид қилиб сочини қирдириб юришар ва хаворижлик фикрларини кўтаришар эди. Яна улар Машриқдаги Ибозий биродарлари билан яқин алоқада бўлиб, улар билан маслаҳатлашишар, ҳукм сўрашар ҳамда фиқҳий ва сиёсий масалаларда улардан фатво сўрашар эди. Шунингдек, улар билан дўст эдилар... Уларнинг қаршилиги исломий фикрлар асосида ва динни чиройли татбиқ қилиш ниятида бўлган эди. Шунинг учун бу қаршилик уларни Исломдан

ажратмади, аксинча улар билан араб мусулмонлари ўртасидаги сақоғий ва ақидавий алоқани чуқурлашириди... Барбарларнинг Исломга маҳкам ёпишиши европаликларни ҳайрон қолдирди. Доктор Жорж Марси буни шундай таърифлаган эди: (Бир асрдан озроқ вақт ичидан барбарлар Исломни шундай ғайрат билан қабул қилишдик, улар шаҳидликка интилишадиган бўлиб қолишид... Фатҳ қилинган юртларнинг аксариятида масиҳий гуруҳлар яшаётган бир пайтда Аврелий Августин ватанини Ислом эгаллаган эди)... Муртадлик ҳақидаги үйдирмадан яна бир ишониб бўлмайдиган үйдирма келиб чиқади. Мустамлакачилик тарих мактаби хаворижлик қаршиликларини барбарларнинг арабларга қарши миллий, сепаратистик ва халқпарварлик курашлари қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди...

Аслида эса, бу қаршиликлар барбарларнинг миллий туйғуларидан холи эди. Шунингдек, у бир-бири билан уришаётган икки гуруҳ ўртасидаги ирқий сабабларга кўра бўлмаётган эди. Аксинча, у айтиб ўтганимиздек, умавий волий ва омилларнинг зулмига қарши реакция бўлган эди... Барбарларнинг исломий тарихида форслик мажусийларда бўлгани каби арабларга қарши душманчилик ва уларни ёмон кўриш руҳидаги халқпарвар интилишлар бўлмаган. Форслик мажусийлар эса, форс эканликлари билан мақтаниб арабларни пастга уришган эди. Улар (Қароқчи араблар, Аҳмоқ қурайшилклар, Қароқчи Робиа, Қароқчи Қурайш...) каби арабларни қароқчиликда айблаб, обрўсини пастга уриб китоблар ёзишди. Шунингдек, улар арабларнинг (саҳоват, олийжаноблик, балоғат, хитоб, шеър ва чавандозлик) каби фазилатларини пастга уриб, камситишли... Араблар ўзлари билан барбарлар ўртасидаги хулқ-атвор, урф-одат ҳамда қабилавий, кўчманчи, чўпон турмуш тарзидаги ўхшашликлар туфайли уларга алоҳида меҳр ва ҳис-туйғу билан муюмала қилишди. Мусо ибн Насир уларни шундай таърифлаган эди: «Эй мўминлар амири улар мардлик, жангарилик, чавандозлик, жасурлик ва саҳоватликда арабларга ўхшаган халқ экан...». Араблар уларни пастга уришмади ва улар билан ярашишдан қочишимади. Ҳатто Андалусияда Умавийлар давлатини қайта тиклаган, Қурайш лочини Абдурроҳманнинг онаси Саллома Нафза қабиласидан бўлган барбар жория эди... Жарид юрти, Водий Суф ва Водий Мизоб юртида араб ва барбарлар аралашиб яшашгани учун аксар араб

фасилалари барбарлашиб кетган әди, бу эса европаликларни ҳайрон қолдирған...

Үз үрнида барбарлар ҳам араблар билан мана шу ҳисни бўлишишди. Чунки уларнинг машҳурлари ва катта раҳбарлари барбарлиги билан фахрланиш үрнига ўзларига араб насабидан излашар ва ҳақиқий ёки сохта бўлсин, буни эълон қилишар әди. Улар арабларга мансублиги ва оли байтга яқинлиги билан фахрланишар әди... Мағриб юртларида пайдо бўлган (Бану Абдулвод, Бану Зайён, Бану Марян, Бану Ҳаммод, Муробитлар, Муваҳҳидлар ва Бану Ҳафс) каби барбар давлатчалари барбарлик ирқи асосида пайдо бўлмади ва ўзларининг сиёсий лойиҳаларида ҳам ундан йироқ бўлишди... Эътиборни тортадиган ва даҳшатга соладиган яна бир нарса шуки, барбарлар ўзлари асос солган давлатлари ҳамда ўзлари мансуб бўлган шия ва хаворижлик гуруҳларида ҳам араб ирқи атрофида бирлашишди ва уни барбарликдан устун қўйишди. Шунингдек, уни масъулият чўқисига кўтаришди ҳамда ўзлари ва авлодлари унга муҳаббат билан ёндашишди. Бу нарса минтақага ташқаридан келган бирортаси билан рўй бермаган әди... Аксинча айрим барбар қабилалари катта қаршиликлар пайтида араблар ва марказий салтанатга қўшилишди. (Малила, Ҳавора ва Нуфуса) каби ўз миллатидаги қабилаларга қарши жанг қилишди.. Шундай экан, араб ва мусулмонларга қарши қайси ақидавий ва миллий қўзғолон ҳақида гапирамиз...?

### **Америка лойиҳаси**

Ислом фотих араблар қўли билан бошқа ҳазоратлар рўёбга чиқара олмаган нарса, яъни Африка шимолини ақида, сақофат ва тил жиҳатидан бирлаштируди... Бундай бирлашиш, ҳамкорлик, уйғунлик ва жипслик Франциянинг кеккайиши ва такаббурлигига ёқмас ҳамда унинг мұстамлакачи тамаларига жавоб бермас әди. Шунинг учун унинг қўшинлари минтақага қадам қўйиши билан парчалаш, бўлиш, ажратиш дастагини излай бошлади ва фитна қўзғашга ҳаракат қилди... Шунингдек, барбарликнинг ёввойи илдизларини ковлади, ифлос низоларни қўзғади ҳамда (тил, ёзув, тақвим, либос, мусиқа ва байроқ) каби амазиғларга хос аксессуарлар билан таъминлади. Бундан ташқари, сассиқ фикрларни тарқатди. Унинг ушбу ҳаракатлари араб исломий тенденцияга қарши амазиғ франкофоник оқимни пайдо қилди. Бу эса, минтақадаги барқарорликни бузиш учун тайинланган салибчи

интилишдаги ва французлашган қабилаларда авж олди... Бутун жаҳон амазиғлар кенгаси раиси 2019 йили Парижда бўлиб ўтган дунё амазиғларининг тўққизинчи конференциясида Африка шимолидаги (Жазоир қабилалари, мағрибликларнинг Вассус қишлоғи ва Мали шимолидаги Азвод минтақаларига ўзини ўзи бошқариш ҳуқуки берилишини талаб қилди. Шунингдек, чегараларни бекор қилиш ва минтақа давлатларини ўз ичига оладиган конфедерация таъсис этишга чақирди. Айтидан амазиғ ҳазорати учун битта сиёсий вужудда географик майдон ҳозирлашга қаратилган режа борга ўхшайди... Французларнинг бу лойиҳаси утопик бўлиб, у минтақага салибчилик нафратини сочади, шунинг учун у рўёбга чиқиши маҳолдир. Лекин шу кунларда Ливия томонидан барбар амазиғ низоларига янада хавфли ва янада реал бошқа низолар келиб қўшилмоқда. Огоҳ бўлингки, бу «Янги Яқин Шарқ» номли Америка лойиҳасидир... У Умматни парчалаш ва минтақани бир-бирига туташ картон давлатчаларга бўлиш учун қабилавий ва ирқий низоларни қўзғашга қаратилган. Бу борада Америка муваффақиятли тажрибаларга эга... Мағриб минтақасидаги (араб-барбар, моликий-ибозий, оқ танли-негр, мусулмон-насроний, баҳоий, аҳмадий, сўфий ва каркарий) каби ирқий ва этник тузилиш бу лойиҳани сиёсий имкониятга айлантириши мумкин. Лойиҳанинг Мағриб версияси Африка шимоли устидаги Америка Европа халқаро можаросининг бир қисми бўлиб, уни рўёбга чиқариш ва ҳаёт сабаблари билан таъминлаш кутилмоқда... Бу хатарли лойиҳа Мағриб минтақасини жанг майдонига айлантириши мумкин. Фақат барча миллат ва ирқларни Ислом дошқозонида эритишга қодир бўлган буюк Халифалик лойиҳаси Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Рошид Халифалик давлатида унга барҳам беради. Шундай экан, келинглар, Халифалик давлатини барпо этиш учун фаолият қиласайлик. □

**ЯНГИ ЎРТА ШАРҚ ҒАРБНИНГ «БЎЛИБ ТАШЛАШ» ЛОЙИҲАСИ  
БИЛАН ИСЛОМНИНГ «БИРЛАШТИРИШ» ЛОЙИҲАСИ ЎРТАСИДА**  
**Наср Фаёз Абу Иброҳим**  
**Қилқилия – Муборак Фаластин замини**

Бундан юз йил олдин Халифалик қулатилди. Халифалик қулатилиши билан бир вақтда Усмоний давлатдан қолган ерлар Сайкс-Пико шартномаси асосида бўлиб ташланди. Бундан мақсад, Халифаликнинг қайта барпо бўлишига йўл қўймаслик, мусулмонларнинг ягона давлатда бирлашишларини олдини олиш, шунингдек, уларнинг бойликларини талон-торож қилиш ва уларни мустамлакачилар чангали остида қолдириш имконига эга бўлиш эди. Лекин коғир Ғарб мусулмонларнинг Халифалик ғоясини қайта жонлантира олганларини кўрди. Бу ғоя кенгайиб кўплаб мусулмон юртларни қамраб олди. Мусулмонлар Ислом ҳукмлари ва фикрларини яхшироқ тушуна бошладилар ва ҳақиқий дushman мустамлакачи коғир эканини билдилар. Мусулмонларнинг Ғарб ҳукмронлигидан озод бўлиши, Ислом юртларидан мустамлакачининг қувиб чиқарилиши ва Халифалик давлатининг қайта барпо бўлиши Ғарб учун қўрқинчли тушга айланди. Бу эса, Ғарб муфаккирларини Халифалик қайта барпо бўлишига тўсиқ бўладиган ва мусулмонлар бирлиги рўёбга чиқишини имконсиз ишга айлантирадиган янги воситаларни излашга унади. Бунинг натижасида, айрим маккор коғирлар зеҳнида бўлинган давлатларни янада парчалаб кучсизлантириш... уларни кучли давлатга айланиши мумкин бўлмаган давлатчаларга айлантириш... битта давлат ичида ички урушларни келтириб чиқариш... бир давлат билан бошқа давлат ўртасида мазҳабпастлик, миллатчилик ва ирқчилик низоларини қўзғаш ғояси пайдо бўлди. Шундай қилиб, уларнинг минтаقا харитасини янгидан белгилаш ғояси асосида юртлар қонга ботирилди. Ушбу ғаразли мақсадларни рўёбга чиқариш учун ҳамон минтаقا халқларининг қони тўқилмоқда. Коғир Ғарб минтақани қайта бўлиш ва давлатларни заифлаштириш режасини ишлаб чиқди.

Тадқиқот марказлари бир қатор режаларни илгари сурди ва газеталарда бу режаларга алоқадор мақолалар ёзилди. Биз улардан айримларини қисқача келтирамиз ва ушбу режалардан иккитасини батафсил ёритамиз. Улар кичик Буш даврида Америка мудофаа вазири маслаҳатчиси бўлган Бернард Люис ва Американинг собиқ ҳарбий разведка штаби бошлиғи ўринбосари

Ральф Питерсларнинг режалари бўлиб, улар ўта хатарли бўлгани учун батафсил тўхталамиз. Чунки бугунги воқелик ва юз бераётган қирғинлар ҳамда мазҳабпаратлик, миллатчилик ва ирқчилик асосида низоларнинг қўзғалиши ушбу режалар мазмун-моҳиятини, айниқса, ушбу икки режани амалга ошириш бўйича берилган тавсиялар ва амалий чораларни акс эттироқда.

**(Одед Йинон режаси: 1982 йилда Ливан бунёд этилганидек Ислом оламини қайта бунёд этиш):**

Бу режа ушбу соҳада илгари сурилган режалардан биринчисидир. Уни бош вазир Ариэл Шароннинг маслаҳатчиси Одед Йинон (Исроил стратегияси) номи билан тақдим этган эди. Бу режа бутун Ислом оламини худди Ливан каби тоифачилик асосида қайта бунёд этишга қаратилган. Одед Йинонга кўра, бунинг фойдаларидан бири яҳудий вужудининг қонунийлигини таъминлашдир. Агар режа муваффақиятли бўлса (Исроил)нинг мавжудлиги «маънавий» жиҳатдан оқланади.

Бу режа Американинг ўша пайтдаги йўналишига мос эди. Буни президент Картернинг маслаҳатчиси Бзежинский Эрон Ироқ уруши авжига чиққан пайтда шундай ифодалади: «1980 йилдан бошлаб Қўшма Штатларни қийнаб келаётган муаммо, Эрон ва Ироқ ўртасида содир бўлган биринчи Кўрфаз урушига ўхшаш иккинчи Кўрфаз урушини қандай келтириб чиқариш мумкинлигидир. Чунки Америка «Сайкс-Пико» чегараларини қайта белгилашда фақат шу урушдан фойдалана олади».

**Бернард Люис режаси ва унинг Ислом оламини бўлиш бўйича тузган машҳур ҳариталари:**

Бернард Люиснинг хатарли режа ва ҳариталари 1992 йилда нашр қилинди. Бу режа конгресс томонидан маъқулланиб, АҚШ сиёсатининг стратегик ишларига киритилганидан кейин эътибор қозонди. Режа эълон қилинганидан ўн йил ўтгач, Бернард Люиснинг ушбу мустамлакачилик қарашлари кичик Жорж Буш маъмуриятида ўз орзусига эришди. Чунки кичик Буш Ироқка бостириб киришидан олдин ундан маслаҳатчи сифатида фойдаланди. Шундай қилиб, у кичик Буш маъмуриятида Ўрта Шарқ ишлари бўйича мудофаа вазирининг маслаҳатчисига айланди.

Бу режа ниҳоятда хатарли бўлиб, «янги Сайкс-Пико»нинг кенг қамровли режаларидан биридир. Шунингдек, бу режа муфассал ҳариталар билан кучайтирилган ва Америка стратегиясида унга

Янги Ўрта Шарқ Ғарбнинг «бўлиб ташлаш» лойиҳаси билан Исломнинг «бирлаштириш» лойиҳаси ўртасида таянилган. Шунинг учун биз бу режа ва унинг асосчиси Бернард Люис ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамиз:

Бернард Люис асли британиялик яҳудий динидаги шарқшунос бўлиб, Америка фуқаролигига эга. Wall Street Journal газетасида у ҳақида тўлиқ маълумот берган мақолада шундай келади: «90 ёшли Бернард Люис Ўрта Шарқ масалалари бўйича кўзга кўринган тарихчидир. У Ўрта Шарқ масалалари ва террорга қарши курашда Буш маъмуриятини идеологик заҳира билан тўлдириди. Ҳатто у ҳақли равишда Американинг минтақадаги аралашуви ва гегемонлик сиёсати назариётчиси ҳисобланади».

Люис 2005 йил 20 майдагазетага берган интервьюсида бундай деган эди:

«Араб ва мусулмонлар бузук ва бузғунчи ҳамда тартибсиз одамлар, уларнинг маданиятли бўлиши мумкин эмас. Агар улар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ҳазоратларни вайрон қиласиган ва жамиятларни ҳароб қиласиган террор тўлқинлари билан оламга фожеа олиб келадилар. Шунинг учун улар билан муомала қилишдаги энг тўғри ечим уларни босиб олиб, мустамлака қилишдир. Уларнинг диний сақофати ва ижтимоий қўлланмаларини вайрон қилиш лозим. Америка бу ролни ўйнар экан, Британия ва Франциянинг минтақани мустамлака қилишдаги тажрибасидан фойдаланиши керак. Токи, Америка ушбу икки давлат йўлиқкан хатарлардан узоқ бўлсин. Араб ва Ислом юртлари қабилачилик ва тоифачиликка асосланган бирликларга бўлиб юборилиши лозим. Уларнинг кўнглига қараш ёки ҳис-туйғулари ва реакцияларидан таъсирланишнинг ҳожати йўқ. Бу борада Американинг шиори шундай бўлиши керак: ё уларни ўз салтанатимиз остига туширамиз, ёки уларни ҳазоратимизни вайрон қилишларига ташлаб қўямиз. Уларни қайта босиб олар эканмиз, вазифамиз минтақа аҳолисини демократик ҳаётга чиниқтириш бўлиш керак. Янги мустамлакачилик даврида минтақа халқлари бузук исломий эътиқодларидан воз кечишлари учун уларнинг исломий етакчилигига шафқат қилмай босим ўтказиш керак. Шунинг учун бу халқлар Америка ва Европага ҳужум қилиб, у ердаги ҳазоратни вайрон қилишидан олдин, уларнинг ёқасидан олиб, қамал қилиш лозим».

**Бернард Люиснинг исломий оламни парчалаш лойиҳаси тафсилотлари:**

Бернард Люиснинг лойиҳаси минтақани этник, тоифачилик ва лингвистик (тил) асосида бўлишга асосланади. Масалан Миср тўртта давлатга, Судан ҳам тўртта давлатга бўлиниши керак. Африканинг шимолий давлатлари эса барбарлар давлати ва Полисарио давлатларига бўлиниши керак.

Бернард Люисга кўра, Араб ярим оролининг давлатлари тугатилганидан кейин улар уч давлатга: Шиаликка асосланган Ахса давлатига ҳамда суннийликка асосланган Нажд ва Ҳижоз давлатларига бўлиниши керак. Шунингдек, Ироқ учга, Сурия тўртга, Ливан саккизга, Эрон, Афғонистон ва Покистон ўнлаб заиф вужудларга бўлиниши лозим. Иордания эса, фаластиналарга альтернатива ватан бўладиган бўлди.

Бернарднинг режасидаги диққатга сазовор нарса шундаки, у тоифачилик ва ирқчилик асосидаги низоларни қўзғашга қаратилган мужмал хариталарга чекланиб қолмайди. Балки у минтақада тўққизта уруш, Европада (Болқонда) ўнта уруш келтириб чиқарилишини ва бу урушларнинг Ўрта ер денгизигача кенгайишини кўзда тутади. Унга кўра, минтақа шу тарзда парчаланганидан ва Эрон Ироқдаги «шиа» давлатчаси устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатганидан кейин навбатдаги катта уруш, яъни Араб-Эрон уруши келиб чиқади.

### **Ральф Питерснинг «Катта Яқин Шарқ» номли хариталари 2006 йил:**

«Катта Яқин Шарқ» термини сиёсий майдонда биринчи бўлиб 2006 йил июнда АҚШ собиқ бош котибаси Кондализа Райс тилида янгради. АҚШ маъмурияти бу янги атама билан «Яқин Шарқ»да мураккаб жарроҳлик операциясига (ижодий хаосга) ўхшатиш мумкин бўлган кенг қамровли ўзгаришларни амалга оширишни, шунингдек, Америка мақсадларини рўёбга чиқариш учун «Яқин Шарқ» харитасини қайта чизишини назарда тутган эди. Чунки Америка шу орқали Яқин Шарқ минтақаси ва ресурслари, хусусан нефть узра ҳукмрон бўлади. Шу йилнинг июнь ойида Америка ҳарбий разведка бош штаби собиқ раиси ўринбосари, Америка ҳарбий стратегияси эксперти Ральф Питерс ўзининг «Қонли ҳудудлар: Яқин Шарқ қандай қилиб яхшироқ кўриниши мумкин?» номли мақоласини ёзди. Америкада чиқадиган ҳарбий журналнинг тўққизинчи сонида нашр этилган бу мақола минтақанинг ирқий ва мазҳабий асосда қисмларга ажратилган

Янги йўрта Шарқ ғарбнинг «бўлиб ташлаш» лойиҳаси билан Исломнинг «бирлаштириш» лойиҳаси ўртасида янги харитасини ўз ичига олади. «Янги Яқин Шарқ» харитасининг умумий кўриниши шу қоида асосида қўйидагича бўлади:

– Аввалги сиёсий анъаналар ва тақиқларни четлаб ўтиб, Ироқнинг шимолий, Туркияning жануби шарқий минтақаларини, шунингдек, Сурғия ва Эроннинг бир қисмини Курдларга бўлиб бериш орқали Курдистон давлатини барпо этиш.

– Ироқнинг қолган бўлаклари икки давлатга, яъни шиа ва сунний давлатга бўлинади. Шиалар давлатига Эроннинг ғарби ва Саудиянинг шарқидаги минтақалар қўшиб берилади. Бу эса ўз навбатида Қизил дengiz билан чегарадош, шунингдек, Макка ва Мадинадаги муқаддас жойларни ўз ичига олган ҳудудларни Саудиядан узиб қўяди. Бу ҳудудларда Ватиканга ўхшаган теократик давлат барпо этилади.

– Буларга қўшимча, Саудиянинг шимолий ғарбий минтақаларининг бир қисми Иорданияга қўшиб берилади. Буларнинг барчасини «Исроил»ни 1967 йилги чегараларга қайтариш ва Ральф Питерснинг лойиҳасига мувофиқ, «Исроил»нинг хавфсизлик хавотирларини ҳисобга олган ҳолда, янги ҳудудий чегараларни жорий қилиш орқали амалга ошириш учун ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

... Питерснинг «Янги Яқин Шарқ» харитаси Америка мудофаа вазирлиги нуқтаи назарини англатмайди деган даъволар айтилганига қарамай, у Римда жойлашган НАТО зобитлари олий университетида стратегик режалаштириш программаси тарзида дарсликка киритилди. Албатта бу иш Ральф Питерс мудофаа вазирлигидаги разведка ишлари штаби бошлиғи ўринбосари вазифасидан бўшатилгандан кейин ишлаётган Америка ҳарбий академияси ижозати билан амалга оширилди. Дарҳақиқат, НАТО ҳарбий университетида тақдим этилган Питерс харитаси Туркияning нафратини қўзғади. Туркия зобитлари дарс мобайнида ўз юртларининг ҳудудлари ўзгарганини кўриб даҳшатга тушиши. Бу эса, Туркия армияси бош штабининг собиқ раиси Яшар Бей Кантни Америкалик ҳамкасбига қўнғироқ қилиб, ушбу «бузилган» харитани намойиш этилишига норозилик билдиришга мажбур қилди. (Яқин Шарқ газетаси).

Американинг «Яқин Шарқ»ни қайта бўлиш лойиҳасини тарғиб қилиш бўйича ташлаган қадамлари шу ерда тўхтаб қолмади. Чунки Америка сенати 2007 йил сентябр ойида мажбурий бўлмаган қарор қабул қилди. Президент Обаманинг ўринбосари Жо Байден

Америка маъмуриятидан Ироқни учга, яъни Сунний, Шиа ва курд давлатларига бўлинишини талаб қилар экан, ўша қарорни ишга солди. Питерснинг таъкидлашича, «Яқин Шарқ»ни қайта бўлишда уруш ва қон тўклишидан қочиб бўлмайди, чунки адолат шуни тақозо этади.

Ральф Питерснинг айтишича, қайта бўлиш собиқ харита асосида эмас, балки демографик (дин, миллат, мазҳаб) асосида тайёрланган. Давлат чегараларини қайта белгилаш одамларнинг хоҳишига мос бўлиши лозим. Лекин бу айни пайтда имконсиз бўлиши мумкин. Вақт торлиги туфайли Америка маъмурияти ва унинг иттифоқчилари амалга ошириши лозим бўлган ғояга етиш учун қон тўкмасликнинг иложи йўқ. (Исройл) ўз қўшнилари билан тинч-тотув яشاши мумкин эмас деган фараз бор бўлгани учун уни араб қўшниларидан ажратиш шарт. Шунинг учун ўзаро тинч-тотув яшаши мумкин бўлмаган гуруҳларни алоҳида сиёсий вужудга бирлаштириш мумкин.

#### **Атлантика харитаси 2008 йил:**

(Қонли ҳудудлар) мақоласи нашр қилинганидан бир йил ўтиб, Америкадаги сионизм лоббисининг энг таниқли арбобларидан бири, Америка сиёsat коридорларидаги Ральф Питерснинг қаноти Жефри Голдберг «Яқин Шарқ»нинг янги харитасини чизиб, бир неча мақола ёзди. Бу мақолалар таниқли (Атлантика) журналида чоп этилди. Бу нарса Америка сенатининг Ироқни бўлиш режасини қабул қилиши билан уйғунликда содир бўлди. Бу эса, уюшган кампания эканига ишонч пайдо қиласди. (... Бу сафар харита Сомалини қисмларга бўлар экан, Африкага чуқур кириб борди. Голдбергка кўра, Ливандаги шиаларга мустақиллик берилиши, Иордания шимоли ва Сурия жанубида друзлар давлати тикланиши, Судан жанубида янги Судан давлати тикланиши (тўрт йилдан кейин тикланди) ва мустақил Синай давлати пайдо бўлиши лозим.

#### **Нью-Йорк Таймс газетаси харитаси 2013 йил:**

Америкада чиқадиган Нью-Йорк Таймс газетаси Яқин Шарқдаги беш давлат ўн тўртга бўлингани акс этган янги харитани чоп этиди. Унга кўра, Сурия учга, Саудия бешга, Ливия иккига (яъни Триполи ва Тобрукقا, жануби ғарбда Фазан давлати қўшилиши билан учта бўлиши ҳам мумкин) ва Яман иккига бўлинади.

#### **Шаҳар-давлат хариталари:**

Стратегик тадқиқот марказлари ва халқаро матбуот минбарлари орқали минтақани қисмларга бўлиш диссертациялари тақдим этилди. Нью-Йорк Таймс чоп этган мақолага кўра, (2014-2016) йиллар оралиғида давлат-шаҳар фикри таклиф қилинди. Унда келгуси йилларда «Яқин Шарқ»даги шаҳарларга мустақиллик бериш айтилди. Улар Қуддус, Ҳижоз, Дубай, Бағдод, Мисурата ва Друзлар тоғи шаҳарлари бўлиб, ўзига хос характерга эга давлатчалар шаклида мустақил бўлишга номзод шаҳарлардир.

### **Турли режалар ва таклиф қилинган хариталарнинг муҳокамаси:**

Минтақани кузатган ва тақдим этилган хариталарга назар ташлаган киши уларни баъзи нарсаларда муштарак эканини ва баъзиларида бир-биридан фарқ қилишини кўради. Лекин фактлар нима амалга оширилгани ва нима амалга оширилмаганини кўрсатмоқда. Шунингдек, қонли чегаралар режаси остида ҳамда исломий оламни ирқчилик, қабилачилик, мазҳабпаратлик ва тоифачилик асосидаги давлатларга қайта парчалашга қаратилган режалари остида минтақада тўкилган қонлар Америка ва Ғарбнинг Яқин Шарқдаги ҳақиқий стратегиясини фош қилмоқда. Бундан ташқари бу режалар давлатларни мустамлака қарамоғида қолиши учун уларни заифлаштириш ва бўлишга муқаддима сифатида урушларни ҳамда қабилачилик, мазҳабпаратлик, ирқчилик ва тоифачилик жанжалларини келтириб чиқарди.

Нашр қилинган барча хариталарга назар солган киши уларда башорат ва тафсилотлар турли бўлишига қарамай, минтақа давлатларини парчалашга келишилганини кўради. Лекин яҳудий вужуди борасида эса уни сақлаб қолиш ҳамда унинг хавфсизлиги ва барқарорлигини рўёбга чиқаришга келишилган.

### **Давлатларни тинкасини қуритиб, заифлаштириш – уларни бўлишнинг муқаддимасидир:**

Давлатларни бўлиш ва хариталарни қайта чизиш борасидаги янги режаларни амалга ошириш учун урушлар авж олдирилади ҳамда барча минтақаларда ирқчилик, мазҳабпаратлик ва тоифачилик низолари қўзғалади. Шунингдек, уларни бўлиш ва мустамлака қарамоғида қолдиришдан олдин уларнинг тинкаси қуритиб заифлаштирилади. Бу ишни осонлаштириш учун бу режалар ҳақиқат қоидаси услубига ва шу давлатларни ҳақиқий бўлинишга олиб борадиган моделларни пайдо қилиш услубига суннилади.

### **Биринчи модел:**

#### **Муваффақиятсиз давлат (failed states) ёки мўрт давлат (fragile states)**

Бу икки термин Сурдия, Яман, Ливия ва Ироқ каби давлатларга таҳдид солмоқда. Бўлиб ташлашнинг бу тури ажralиб чиқиш вақти чўзилиб кетган пайтда рўй бериб, муваққат нарса доимийга айланмоқда... Маълумки, бундан географик бўлиниш келиб чиқмоқда. Географик бўлиниш эса, урушлардан келиб чиқади, урушлар ирқчиллик, мазҳабпаратлик ва қабилачилик низоларидан келиб чиқади... Алал оқибат, янги-янги иқтисод ва ўзлик пайдо бўлиб, бу бирлашиш олдида тўсиққа айланади. Натижада давлат структураси бўлиниб кетади. Лекин у давлат асосларига эга бўлмаган шаклан давлат бўлиб қолади.

### **Иккинчи модел: Федератив давлат**

Бу марказий давлат ҳаробалари устига қурилган давлат моделидир. Ироқ модели бунга ёрқин далил бўлиб, уни қандай қилиб учта давлатга тақсимланаётганини кўриб турибмиз. Бу модельни мусулмон юртлардаги Судан ва бошқа давлатларда қўллаш мумкин.

### **Учинчи модел: Ярим давлатлар**

Бунда давлатлар асосий таянчларини йўқотади ҳамда яшаш ва тирик қолишга кучи етмайди. Натижада, бошқага суянадиган бўлиб қолади, ўз хоҳиши ва иродасини йўқотади. Бундай давлатлар ўзини ўзи бошқара олмайди ва иродасини бошқасига қарам қилиб қўядиган халқаро ёрдамларга суянади. Шунда мустамлакачи давлатлар ва уларнинг халқаро ташкилотлари унинг ички ишларига аралашиши ва жанжаллар қўзғashi осон бўлиб қолади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин учинчи дунё давлатларининг пайдо бўлишини ўрганган сиёсатшунослик профессори Роберт Жексон бундай дейди: (Ярим давлатлар ўз чегаралари устидан назорат қиласи, лекин бу давлатларнинг операцион салоҳияти етишмайди. Улар халқаро жамиятлардан келадиган ёрдамларга суянади. Бунга Мисрнинг ҳозирги аҳволини мисол қилиш мумкин.

### **Бўлиш режаларига қарши кураш**

Бугун Умматни қийнаётган ҳолатдан чиқиш, парчаланиш ва бўлиниш ҳолатларига чек қўйиш, шунингдек, Умматни бирлаштириб, уни бўлинишдан узоқлаштириш, исломий юртлардаги халқларни Ислом ва унинг салтанати остига жамлаш,

Янги йўрта Шарқ Ғарбнинг «бўлиб ташлаш» лойиҳаси билан Исломнинг «бирлаштириш» лойиҳаси ўртасида инглиз ва французлардан иборат мустамлакачилар қалами билан чизилган сохта чегараларни йўқ қилиш, мустамлакадан озод бўлиш ҳамда Умматнинг ўз иродаси ва салтанатига эга бўлиши учун қўйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

1 – Уммат ўзининг устида тузилаётган режалар ва уларнинг ҳажмидан огоҳ бўлиши ҳамда кофир мустамлакачи душманларига фурсатни бой бермаслиги керак.

2 – Уммат Ғарбнинг ҳоким ва сиёсатчилардан иборат маҳаллий вакиллари, партиялари ва сотиб олган шахслари орқали ўз режаларини амалга ошираётганини билиши ва уларга алданмаслиги, аксинча уларга қаршилик қилиши лозим.

3 – Мустамлакачи кофир Ислом ва мусулмонларга қарши урушида қўллаган ҳамда эгасининг кўзини кўр қиласидиган ва душманларининг ўқдонидаги ўқقا айлантириб қўядиган миллатпарастлик, ватанпарварлик, қабилачилик ва мазҳабпарастлик каби вайрон қилувчи фикрларни улоқтириб юбориши лозим.

4 – Умматда унинг ақидаси юклаётган биродарлик маъноси мустаҳкам ўрнашиши керак.

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْرَوْةً فَأَصْلِحُوهُ بَيْنَ أَهْوَيْكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْجَمُونَ﴾

*«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир. Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Аллоҳдан қўрқинглар – шояд У зот томонидан бўладиган раҳматга эришсангизлар»* [Хужурот 10]

Чунки шу нарса мусулмонларни ирқлари ва исломий мазҳаблари қандай бўлишидан қатъий назар битта Умматга ва душманларига қарши битта қўлга айлантиради.

5 – Исломдаги зиммийлик тушунчаси зеҳнларда мустаҳкам ўрнашиши лозим. Шунингдек, мусулмон юртларида яшаётган турли тоифаларга уларнинг жони, моли ва номуси ҳимоя қилинганини тушунтиromoқ лозим. Уларнинг барча мусулмонлар билан бирга исломий фуқароликка мансуб эканликларини, инсоф ва адолат билан бошқарилишларини ҳамда тинчлик ва хавфсизликдан фойдаланишлари мумкинлигини очиқ баён қилмоқ керак. Бундан ташқари, Ғарб ўз режалари орқали мусулмонларни нишонга олганидек уларни ҳам нишонга олаётганини билиши ва Ғарб уларга хатар туғдираётгани учун унга қарши курашишлари керак.

6 – Уммат яна англаши лозимки, агар у динига қайтса, бўлиниш омилларидан кўра бирлашиш омиллари кўпроқ. Чунки Умматнинг дини ва ақидаси, сақофий ва ташрий мероси, тарихи ва душмани биттадир. Ўн уч асрга яқин вақт ичида уларни битта давлат бирлаштирган. Шунинг учун унинг бирлиги эмас, аксинча, бўлиниб кетиши ажабланарлидир.

7 – Уммат билиши лозимки, Ислом қисқа вақт ичида қавми, дини, тили, сақофати, қонуни, одати ва анъаналари турлича бўлган халқларни битта қозонда тоблади. Сўнгра уларни дини, тили, сақофати ва қонуни битта Умматга айлантириди. Шунинг учун бўгун Уммат ҳозиргина айтиб ўтган бирлашиш омилларига эга экан, бирлашиши кўз очиб юмгандан ҳам тез бўлади.

### Хотима

Америка етакчилигидаги Ғарбнинг мусулмон юртлар устидан ҳукмронлик ва мустамлака қилиш, Халифалик барпо бўлишини олдини олиш ва мусулмон юртларни битта давлатда бирлаштираслик учун ишлаб чиқаётган режа ва хариталари жуда кўпdir. Шунинг учун Уммат ичидаги онгли гурух бу ифлос режаларни фош қилиши, унга қарши курашиши ва унга барҳам бериш учун Умматнинг энергиясини сафарбар қилиши лозим.

Бошқа жиҳатдан кофирининг ҳийласи қанча юксак бўлмасин Аллоҳнинг ҳийласи олдида ҳеч нарса эмаслигига ишониш лозим.

﴿رَقَدْ مَكْرُوْا مَكْرُهُمْ وَعِنْدَ اللّٰهِ مَكْرُهُمْ إِلَّٰوْ مِنْهُ أَجِبَالٌ﴾

**«Дарҳақиқат, улар ўзларининг макр-ҳийлаларини қилдилар.** (Лекин) агар уларнинг макрлари сабабли тоғлар емирилиб кетадиган бўлса-да, уларнинг (бу) макр-ҳийлалари Аллоҳ ҳузурида (маълумдир)» [Иброҳим 46]

﴿وَإِذْ يَمْكُرُ بِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِيُثْبُوكَ أَوْ يَقْتُلُوكَ أَوْ يُخْرُجُوكَ وَيَمْكُرُونَ وَيَمْكُرُ اللّٰهُ وَاللّٰهُ خَيْرُ الْمَكِّرِينَ﴾

«(Эй Мухаммад), кофиirlар сизни ҳибс қилиш ё ўлдириш, ёки (Маккадан) чиқариб юбориш учун сизга макр қилган пайтларини эсланг! Улар макр қилурлар, Аллоҳ ҳам «макр» қилур. Аллоҳ «маккор»роқдир» [Анфол 30]

Шунингдек кофири пайдо қилишга ҳаракат қилаётган тўсиқ, қийинчилик ва қонли чегаралар Уммат ва унинг ичидаги онгли гурухни Халифаликни барпо этиш орқали Исломни ҳаётга қайтаришидан ва мусулмон юртларни битта давлатда

бирлашишидан тўса олмаслигига ишониши лозим. Бундан ташқари, қанча тўсиқ ва қийинчилликлар бўлмасин, қанча қон тўкилмасин, Аллоҳга таваккал қилиб, кўзланган мақсад сари ўзгариш ғилдирагини олдинга ҳаракатлантираётгандарни заифлаштира олмаслигига ишониши лозим.

﴿الَّذِينَ أُخْرِجُوا مِن دِيَرِهِم بِغَيْرِ حَقٍ إِلَّا أَن يَقُولُوا رَبُّنَا اللَّهُ وَلَوْلَا دَفَعَ اللَّهُ النَّاسَ بَعْضَهُم بِبَعْضٍ لَهُدِّمَتْ صَوَامِعٍ وَبَيْعَ وَصَلَوَاتٍ وَمَسَاجِدُ يُذْكُرُ فِيهَا أُسْمُ اللَّهِ كَثِيرًا وَلَيَنْصُرَنَ اللَّهُ مَن يَنْصُرُهُ وَإِنَّ اللَّهَ لَقَوْيٌ عَرِيزٌ﴾

«Улар ўз диёрларидан фақатгина «Бизнинг Парвардигоримиз (ягона) Аллоҳдир», деганлари учун қувилган зотлардир. Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан дафъ қилиб турмас экан, шубҳасиз Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларнинг) узлатгоҳлари, (насронийларнинг) бутхоналари, (яҳудийларнинг) ибодатхоналари ва (мусулмонларнинг) масжидлари вайрон қилинган бўлур эди. Албатта Аллоҳ Ўзига (яъни динига) ёрдам берадиган зотларни ғолиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир» [Ҳаж 40]

Аллоҳ нусрат бериб, Уммат етакчиси қайта ҳаракатга келгач, Умматнинг бўлиниши, ажрашиши ва парчаланиши ҳамда жанжал, уруш ва қутбланишлар ўз ниҳоясига етади. Шунда Уммат тоғларни қўпориб юборадиган бўлиб қайта тирилади ҳамда Ислом бошқарувини ва Халифаликни барпо этиш учун жамланади. У ўз юртлари ва халқларини битта давлатда, Ла илаҳа иллаллоҳ байроғи остида бирлаштиради. Сўнгра ўша байроқни кўтарган ҳолда Аллоҳнинг душманларига қарши жанг қилиб, юртлар ва одамларни озод қиласиди. Аллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзини тасдиқлаган ҳолда фатҳларни қайта бошлайди.

﴿وَإِن يُرِيدُوا أَن يَخْدَعُوكَ فَإِنْ حَسِبْكَ اللَّهُ هُوَ الَّذِي أَيَّدَكَ بِنَصْرِهِ وَبِالْمُؤْمِنِينَ ﴿١٧﴾  
بَيْنَ قُلُوبِهِمْ لَوْ أَنْفَقْتَ مَا فِي الْأَرْضِ جَيِّعاً مَا أَلْفَتَ بَيْنَ قُلُوبِهِمْ وَلَكِنَّ اللَّهُ أَلَّفَ بَيْنَهُمْ  
إِنَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿١٨﴾ يَتَأْيِّدُهَا الَّذِي حَسِبْكَ اللَّهُ وَمَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Агар улар сизни алдамоқчи бўлсалар, бас, албатта сизга Аллоҳнинг ўзи кифоядир. У сизни Ўз ёрдами ва мўминлар билан қувватлантирган ва уларнинг (мўминларнинг) дилларини бирлаштирган зотдир. Агар (сиз) ердаги бор нарсани сарфлассангиз ҳам, уларнинг дилларини бирлаштира олмаган

**бўлур эдингиз. Лекин Аллоҳ уларни бирлаштириди. Албатта, У қудратли, ҳикматлидир. Эй пайғамбар, сизга ва сизга эргашган мўминларга Аллоҳнинг йзи кифоядир» [Анфол 62-64]**

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ وَإِلَهَهَى وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظَهِّرَهُ وَعَلَى الْأَدِيَنَ كُلِّهِ وَكَفَى بِاللَّهِ شَهِيدًا﴾

«У (Аллоҳ) йзи пайғамбари (Муҳаммад алаиҳис-салом)ни ҳидоят ва Ҳақ дин (Ислом) билан, у (дин)ни барча (дин)ларга ғолиб-устун қилиш учун юборган зотдир. Аллоҳнинг йзи (ушбу ваъдасининг рўёбга чиқишига) етарли гувоҳдир» [Фатҳ 28]

Иккинчи рошид Халифалик Умматни битта давлатда қайта жамлайди. Шунда Уммат ўша давлатни ҳимоя қилиш учун энг бебаҳо нарсаларини фидо қилади. Чунки бу давлат Исломни татбиқ қилади, фуқаролар орасида адолат билан ҳукм юритади. Уммат унинг ҳукмронлиги остида адолат, рўшнолик ва тинчликни топади. Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«تَكُونُ النُّبُوَّةُ فِيْكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَى مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصِمًا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا حَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَى مِنْهَاجِ السُّمُوَّةِ. ثُمَّ سَكَّتَ».»

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ йзи хоҳлаганданда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ йзи хоҳлаганданда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ йзи хоҳлаганданда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар сукутга чўмдилар». Аҳмад ривояти. Албоний уни саҳиҳ тўпламга киригтан ва Арнаутий ҳасан деган.

Охирида айтамизки, Умматдаги ўзгартириш амалиёти тинмай давом этиб, юксалиб бормоқда. Бу эса, биз зўравон бошқарув босқичининг охирида ва бадбўй сиёсий низомнинг қулаши даврида яшаётганимизни кўрсатмоқда. Биз яна айтамизки, Уммат

Янги йўрта Шарқ Ғарбнинг «бўлиб ташлаш» лойиҳаси билан Исломнинг «бирлаштириш» лойиҳаси ўртасида кўлида ҳазорий лойиҳа бор, Уммат уни қўллаш учун собит қадам ва мустаҳкам мақсад билан юрмоқда. Барчамиз Умматнинг бу тўлғоғи узоққа чўзилмаслигини Аллоҳдан сўраймиз. Шунингдек, нусрат, яъни Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик орқали азоб-уқубатлар кетишини Аллоҳдан сўраймиз. □

## **СИЁСИЙ САДОҚАТНИ КАСБ ҚИЛИШДАГИ МУСТАМЛАКА УСЛУБЛАРИ**

**Ҳамд Тобиб – Байтул Мақдис**

**Барча түрдаги мустамлакачилик капиталистик мабданинг ҳақиқиي қиёфаси ҳамда уни оламга ёйишнинг энг ёмон тариқатидир. У халқларнинг бойлик ва ресурслари устидан ҳукмронлик қилиш қуролидир. Мустамлакачиликнинг чиркин қиёфаси ва ёмонлиги одамларга очилиб қолгудек бўлса, у ҳар доим турли ва янги услублар ортига яширинишга ҳаракат қиласи...**

Мустамлакачиликнинг халқлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишда ва заиф давлатларнинг сиёсий садоқатини касб қилишда қўллайдиган услублари ҳақида гапиришдан олдин қўйидагиларни айтамиз: Одамларнинг муҳаббати ва сиёсий садоқатини касб қилишдаги тўғри ва мустаҳкам йўл фикрий қаноат ва муҳаббат ҳамда софлик ва поклик асосига қурилади. Бу йўл мажбурлаш, алдаш, чап бериш, айланниб ўтиш, сиёсий ҳийла ва режаларни тузиш ҳамда турли жойларда халқаро тузоқларни қўйишга асосланмаслиги лозим... Бундай йўл ер юзидағи фақат битта мабдада, яъни манфаат ва моддий қийматга эмас, балки еру осмонни яратган Зотга боғланган ёрқин фикрга асосланган мабдада мавжуддир. Бу мабда Ислом мабдаси бўлиб, у одамларни тузоғига илинтириш ва уларнинг сиёсий садоқатини қозониш учун эмас, балки, уларни баҳтли қилиш, улардан зулмни қўтариш, шунингдек, ёвуз инсонлар ва мабдалардан уларни озод қилиш учун режа тузади ва услубларни танлайди...

Мустамлакачи давлатларнинг сиёсий садоқатга эришиш ҳамда сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан тобеликни пайдо қилиш учун қўллайдиган услублари барча замонларда ўзгариб, янгиланиб туради... Улар давлатларни иложсиз аҳволга солиш учун маккор режалар тузади. Бунда уларнинг иқтисодий эҳтиёжидан фойдаланади ва баъзида заиф халқларни сунъий таҳдид ва молиявий қизиқтиришлар билан алдаса, баъзан нажоткор ва қутқарувчи сифатида пайдо бўлиб, малайларига уларни тузоқقا илинтиришни маслаҳат беради.

**Бошқа халқларнинг сиёсий садоқатини касб қилиш ва уларни қарамага айлантиришда қўлланадиган энг кўзга кўринган услублар қўйидагилардир:**

1 – Сунъий урушлар құзғаш ёки санкциялар жорий қилиш ҳамда озиқ-овқат ва молиявий ёрдамга муҳтож бўладиган даражада қашшоқлаштириш орқали халқларни қийин ахволга солиб қўйгандан кейин ўзини халқнинг халоскори қилиб кўрсатиш... Бу янги иш эмас, балки у қутқариш ҳаракатларида намоён бўладиган эски услугadir. Бу услуг Шом, Яман ва Фаластиндаги қочоқларга ёрдам бериш масаласида ҳам қўлланган. Ҳолбуки, бу урушлар, оғир шароит ва одамларнинг ўз уйини ташлаб кетишга мажбур бўлиши ўзини қутқарувчи ва халоскор қилиб кўрсатаётган мұстамлакачи томонидан амалга оширилган ишлар натижасидир... Мұстамлакачи мана шу босқичдан кейин, ўзи тақдим қилаётган инсонпарварлик ёрдамлари эвазига ва инсон ҳуқуқлари ҳамда бошқа ёлғон номлар остида сиёсий садоқат ва қарамликни юклайди...

2 – Эзилган халқлар олдида ўзини демократия посбони деб даъво қилиш ва ҳокимларнинг диктатурасидан қутқарувчи халоскор қилиб кўрсатиш... Бу ҳолат қўзғолонлар даврида, ундан олдин Ироқ, Шом, Миср, Тунис ва бошқа юртларда кўринди... Катта Жорж Буш 1990 йил Ироққа келиб, хитоб қилар экан, бундай деган эди: «Биз Ироққа унинг халқини ҳокимининг диктатурасидан озод қилиш ва одамларни оммавий қирғин қуролларидан қутқариш учун келдик...». 2003 йил кичик Жорж Буш худди шу сўзларни тақорлар экан, бундай деди: «Агар Ироқ оммавий қирғин қуролларидан бош тортмаса Қўшма Штатлар ҳарбий аралашувга тайёр». У қўшимча қилар экан, Қўшма Штатлар Ироққа уруш қилишни эмас, балки Ироқ халқини диктатурадан озод қилишни хоҳлашини айтди...

Американинг Ироқдаги тажовузкор ҳаракатлари мамлакатдаги эски инглизпаст сиёсий элитани йўқ қилиш ва уларнинг ўрнига ўз малайларини жойлаштиришнинг дебочаси эди. Бу ишлар Америка даъво қилаётганидек, Ироқ халқини зулм ва диктатурадан озод қилиш учун бўлмаган. Биринчи Ироқ урушидан кейин ўнлаб йиллар давом этган санкциялар ва 2003 йилдан кейинги босқинчилек даври Американинг эски сиёсий элита ўрнига янгисини қўйиш орқали Ироқ бойликларини талон-торож қилиш ва сиёсий садоқатни касб қилиш учун келганини исботлади. Шунингдек, на демократия на эркинлик ва на инсон ҳуқуқлари учун келганини исботлади... Ҳатто улар даъво қилганидек оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш учун ҳам келмаганини

исботлади. Чунки қирғин қуроллари йүқлигини кейинроқ тафтиш кенгаши аниқлади. Натижә эса, Америка аскарлари бу уруш, қамал ва босқын даврида раҳм ва шафқатсиз қотилліктер қилишди. Уларнинг ортидан ҳаробазорлик ва вайронагарчиллик қолди. Бу қамал оқибатида миллиондан ортиқ одам, аксарияти гүдаклар ўлди!!.. ЮНИСЕФ ташкилоти ҳисоботига кўра, 1990 йилги қамалдан бери 5 миллион гүдак етимга айланган. Британияда чиқадиган Лансет журналининг 2006 йилги ҳисоботига кўра, 2003 йилдаги урушда 800000 киши ўлган.

3 – Матбуот орқали терроризм ва экстремистик гуруҳларга қарши курашни даъво қилиш услуби. Бу эски янги услугуб бўлиб, мустамлакачи давлатлар олдинроқ уни сиёсий Исломга қарши урушда қўллашган. Сўнгра уни Исломий давлат фикрига зарба бериш, унинг суратини хунук қилиб кўрсатиш ва унинг йўлида фаолият қилаётган жамоаларга қарши курашда қўллади. Мустамлакачи ўзининг маккор ғоясини амалга ошириш учун Ироқ ва Шом Ислом давлати каби террор ва қотилликка асосланган, Исломдаги давлат тушунчаси, унинг устунлари ва асосларидаги шаръий ҳукмларни хунук кўрсатишга ҳаракат қиласидиган жамоаларни пайдо қилди. Шунингдек, асиirlарни жамоий тарзда қатл қилиб улар билан бўладиган муомалани хунук қилиб кўрсатадиган жамоаларни пайдо қилди. Яна бу жамоалар Исломга мутлақо алоқаси бўлмаган ишларни баъзан бевосита ўзлари амалга оширган бўлса, баъзан мустамлакачи ва унинг малайлари бу ишларни амалга ошириб ушбу жамоаларга ёпиштириди...

4 – Жаҳон Банки ёки Халқаро Валюта Фонди каби халқаро ташкилотлар орқали молиявий қарзлар бериш... Дунё сиёсатини кузатган киши биладики, мустамлакачи давлатлар, айниқса, Америка давлатларнинг эҳтиёжларидан фойдаланиб, ўз сиёсатини амалга оширади. Натижада, бу давлатлар мустамлакачининг режалари гаровига айланадилар. Бунга Американинг Мисрга ҳар йили бир миллиард долларга яқин қарз берадигани мисол бўла олади. Бу қарзларнинг катта қисми ҳарбий соҳага берилади. Яна бир мисол: 1989 йилда Американинг Иорданияга қаттиқ шартларни қўйиши миллий валютанинг ярмидан кўпига қулашига олиб келди. Натижада, Иордания динори 1,4 долларга тўғри келадиган бўлиб қолди. Америка шундан кейин Иорданияга иқтисодий шартлар қўйди. Яна бир мисол: Сўнгги ўн йил ичida Тунис динори Халқаро Валюта Фондининг сиёсатлари, динорни

конвертация қилиш шартлари ва қарзлар әвазига бўладиган бошқа шартлари сабабли 40 %га тушиб кетди. Бундан бир неча кун олдин Американинг парламентда демократия татбиқ қилинмаётгани ва конституцияга амал қилинмаётганини баҳона қилиб, Тунисга халқаро муассасалар орқали бериладиган ёрдамни тўхтатиб қўйиши динорнинг қадрсизланишини кучайтириди. Буларнинг барчаси сиёсий аралашув ва малайлар пайдо қилиш мақсадида амалга оширилди...

5 – Маҳаллий малайлар орқали ҳийла қилиш ва тузоқ қўйиш. Америка бу үслубни яхудийларнинг ғазога қарши иқтисодий қамали ва тинимсиз урушлари даврида Ҳамас ҳаракатига қарши қўллади. Ундан мақсад Ҳамасни таслим бўлиш режасига кўндириш бўлган эди. Бу нарса Миср, Эрон ва Туркия давлатлари яхудийларнинг жинояткорона ҳужумлари қаршисида Ҳамас ҳаракатига ёрдам тақдим этиш орқали халоскорлик ва воситачилик ролини ўйнашганда намоён бўлди... Шунингдек, мустамлакачиларнинг режаларини бажаришда, кофир давлатларга қарам бўлиб, улар айтиётган таслим бўлиш ечимиға рози бўлишда кўринди. Америка бу үслубни олдинроқ Фаластин Озодлик Ташкилотига нисбатан ишлатди. Ўшанда яъни 1982 йили Озодлик ташкилоти Байрутдан чиққанда унга қўллаб-қувватловчи давлатлар бошпана берган эди. Бу үслуб оламдаги бошқа минтақаларда худди шу йўл билан қўлланилди.

6 – Халқаро муассасалар, уларнинг халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик ўрнатишдаги үслублари ёки мустамлакага хизмат қилувчи халқаро таҳдид ва қўрқитувлари. Бу муассасаларнинг энг машҳури Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир. Зеро, у халқаро низоларни ечишда халоскор ва ўртамчи бўлиб кўринса-да, аслида, сиёсий садоқатни касб қилиш ва давлатларни ўз қучоғига киришига мажбуrlаш ишида Америка етакчилигидаги кофир давлатларга хизмат қиласи. Бунга ушбу мустамлакачи муассасанинг Фаластин масаласи, Ливан масаласи ва оламдаги бошқа масалаларда ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери қилган ишларини мисол қиласа бўлади.

7 – Сиёсий элита ва интеллектуал малайларни пайдо қилиш, мустамлака сиёсатлари, программалари ва сиёсий режаларига ривож бериш, одамлар қалбига қўрқув солиш, Ғарб ва унинг илмий ва саноат борасидаги тараққиётига этиш имконсиз деган фикрни ёйиш ҳамда Ғарб ва унинг мусулмон юртлардаги режа ва

сиёсатлари бўйича юрмасликнинг иложиси йўқ, деган фикрларни ёйиш. Бу иш исломий оламнинг барчасида очиқ ойдиндир. Чунки мустамлакачилик сиёсати илгари сурилаётган юртларда ғарб баъзан қўрқитиш ва баъзан алдаб-авраш орқали сиёсий элитанинг садоқатини касб қилишга ҳаракат қиласди...

Булар кофир ғарб етакчилари мусулмон юртларида минтақани жиловлаш, сиёсий жиҳатдан ўзига қарам қилиш ва малайларни жалб қилиш сиёсатларида қўллаётган энг кўзга кўринган услублардир. Ҳақиқат шуки, халқларнинг мутлақ кўпчилиги, айниқса, мусулмон юртлар ҳарбий босқинчилик давридан кейин бундай қабиҳ услубларга алданмайдиган бўлиб қолди. Ғарбнинг ғоялари, фақат манфаатга асосланган моддий ишлари очиқ кўриниб қолганидан кейин, халқлар мустамлакачини, ҳатто унинг сақофатидан таъсирланган малай ҳукмдорларни ёмон кўрадиган бўлиб қолди. Мустамлакачига қарши биринчи қўзғолон ҳодисалари одамлар кофир мустамлакачини ёмон кўришларини исботлади. 2010 йилда мустамлакачининг малайларига қарши содир бўлган халқ қўзғолонлари халқда умумий онг мавжудлигини ҳамда мустамлакачи ва унинг мусулмон юртлардаги малайларини ёмон кўришини исботлади... ғарб ҳозир ҳам демократия, инсон ҳуқуқлари ва терроризмга қарши кураш каби адаштирувчи ғоялар билан баъзи мусулмонларга ёпишиб олишда давом этмоқда... Бу ғарб тушиб қолган охирги чуқур бўлиб, у ўша жойдан түриб ўраб олиш ва сиёсий малайликни касб қилиш услубларини қўлламоқда. Лекин унинг мусулмон юртлардаги ишлари секин-аста фош бўлиб бормоқда...

**Хотима сифатида айтамизки,** Ёлғиз Исломгина фикрий қаноат, ҳужжат ва далилга асосланади. Ислом айланиб ўтиш, чап бериш ва ҳийла қилиш услубларини қўлламайди. Яна у заиф халқларни тузоққа тушириш учун макр-ҳийла ва сиёсий айёрликни ишлатмайди... Чунки Ислом ақлга асосланган ва фитратга мосдир. У халқларни алдов йўли билан эмас, балки ҳақиқий шаклда зулмдан озод қилишга ҳаракат қиласди. У яна халқнинг бойлик ва ресурсларидан тاما қилмайди, аксинча, ўз салтанати остидаги халқлар фаровон яшashi учун уларга бойлик беради... Ҳимсда Абу Убайда ибн Жарроҳ билан бўлган ҳодиса бу дин раҳмат ва ҳидоят дини экани ҳамда у одамларни одамларга ибодат қилишдан ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга олиб чиқиш учун ҳаракат қилишига далилдир... Тарихчилар эслашича, Ҳимс аҳолиси мусулмонлар

уларнинг юртларини ташлаб чиқиб кетишаётганига хафа бўлиб, Уммат қиёмат кунигача ёдда сақлаши лозим бўлган сўзларини айтишади. Ўшанда уларнинг роҳиб ва епископлари Абу Убайдага бундай дейишган эди: «Бизни ташлаб кетишингизни хоҳламаймиз. Биз билан бирга қолинг. Аллоҳга қасамки, руммиклар бизнинг динимизда бўлсалар-да, сизлар улардан кўра яхшироқсиз. Чунки улар бойликларимизни тортиб олишди ва ўзимизни савалашди. Сизлар эса, бойликни бизга қайтардингиз»!!

Албатта Ислом сиёсати ва үслублари ақидасига зид эмас. Бу сиёсат одамларнинг бойлик ва ресурсларига тاما қилмади. Бу эса, фақат шу дингина инсониятни бошқариш, унинг инсонийлиги ва ҳурматини ўргатиш, қадрини кўтариш ҳамда уни ҳақиқат ва тўғри йўлга етаклашга қодир эканига далилдир...

Биз Аллоҳдан Ислом Умматини Аллоҳнинг динини татбиқ қилиши ҳамда одамларни қутқариш учун динни яхшилик ва ҳидоят рисолати сифатида кўтариши орқали сийлашини сўраймиз. □

## Жидда пляжларидағи ўйин-кулги кечалари

Саудияликлар ҳафта сүнгидаги дам олиш кунини мамлакатнинг энг очиқ шахри ҳисобланган Жидданинг Қизил денгиз соҳилидаги пляжда, эркак-аёл аралашган ҳолда ўтказишлари мумкин. Энди улар қум устида, мусиқа садолари остида зиёратчиларга «қизиқарли» вақт ато этадиган тунги кечада рақсга туша оладилар. Бу кечаларда аёллар бикинида юриши, чилим чекиши ва қўлга ўргатилган ҳайвонларини ўзлари билан бирга олиб юриши мумкин... Бу – шаҳзода Мұхаммад ибн Салмоннинг 2017 йили валиаҳд шаҳзода бўлганидан бери эришган ютуқларидан биридир. Ўтган йил август ойида мамлакат ғарбидаги Жидда шаҳридан 125 км. узоқликда жойлашган, қирол Абдуллоҳ номидаги иқтисодий шаҳарда очилган «Тоза пляж» ўнлаб йиллар давомида бундай бузуқликни қабул қилмаган мамлакатдаги янги ва ноёб тажриба ҳисобланади. Бундан ташқари, пляж нозирлари зиёратчи эркак аёллардан ўрталарида никоҳ бор ёки йўқлигини суриштирмайди. Лекин нозирлар зиёратчиларнинг «шахсиятини» сир сақлаш мақсадида уларнинг телефонларини олиб, пластик идишларга солиб қўйишиади. Пляжга кириш чиптаси 300 риёл (80 доллар) туради.

**Ал-Ваъй:** Қирол Салмон ва унинг ўғлининг Ислом ва мусулмонларга ҳийла қилиш, шунингдек, Аллоҳнинг душманлари бўлган Ғарб ва яҳудий ҳукмдорларини қўллаб-қувватлашда ўйнаб келган яширин роли охирлаб қолди. Бунинг сабаби эса битта, у ҳам бўлса, сиёсий Исломнинг қайта юксала бошлаганидир. Сиёсий Ислом майдонга келганида, унга қарши урушда Ғарбнинг қўлидаги заҳарли ҳанжар вазифасини ўтаб келган Саудия ва Кўрфаз ҳукмдорлари, шу жумладан, бутун минтақадаги ҳукмдорлар қочгани жой топа олишмайди.

## Мұхаммад ибн Зойид Яқин Шарқдаги энг хавотирли шахсdir

Испаниянинг «Публика» журнали ўз ҳисоботларининг бирида «Абу Даби шаҳзодаси Мұхаммад ибн Зойид Яқин Шарқдаги энг хавотирли шахс, чунки у минтақадаги барча можароларга бевосита аралашади», деб билдириди. Лекин журнал энди ўз ҳисоботини қайта кўриб чиқмоқда ва Вашингтондан яна майин шамол келишига умид қилмоқда. Журналда келишича, Ибн Зойиднинг фитналари ҳарбий аралашув орқали Ливиядан Тунисгача, Ямандан

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Миср, Қатар ва Туркиягача бўлган сиёсий муҳитни заҳарлаган. У буни Ливияда ёлланма жангчиларни пул ва қурол билан таъминлаш, Тунисда барқарорликни издан чиқариш, Қатарда бошқа давлатга қарши тузоқ қўйиш, Туркияда инқилоб ўюштириш каби ишлар орқали амалга оширган. Газетада айтилишича, Мисрда Ихвонул Муслимин жамоасини йўқ қилиш учун Миср президентига тақдим этилган ёрдам Тунисда бўлгани каби бошқа мустабид ҳокимларга берилган ёрдамнинг ўзидир. Матбуотда айтилишича, «Унинг аралашуви ва (Исройл) билан тил бириктируви сабабли араб дунёсидан сиёсий Ислом ғойиб бўлди».</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Сиёсий Исломга душманлик борасида Ибн Зойидга етадигани йўқ. У мусулмонларни таъқиб қилиш ва энг ишончли иттифоқчиси бўлмиш яхудийлар билан ҳамкорлик қилишда шайтоннинг арзандасига ўхшайди.</p>		
<p><b>UNRWA агентлиги «фаластиналарнинг қайтиши»га алоқадор терминларни йўқ қилиб, Қуръон оятларини тақиқламоқда</b></p>		
<p>Фаластин қочқинларига ёрдам бериш ва иш билан таъминлаш бўйича фаолият олиб борувчи (UNRWA) агентлиги фаластиналарнинг қайтиши ва қочқинларга алоқадор терминларни ишлатишдан қайтариб, «жиход» ёки «мунофиқлар» ҳақида сўз борган Қуръон оятларини тақиқламоқда. UNRWA ўқитувчилари томонидан тайёрланган онлайн ўқув материалларида фойдаланиш тақиқланган ушбу терминлар 1948 йилдан бери ишғол қилинган Қуддус, Яффа, Ҳайфа ва Акка каби Фаластин шаҳарларининг номини ҳам ўз ичига олади. Ушбу тақиқ UNRWA содик бўлган «бетарафлик» тамойилларига риоя қилиш билан оқланади. Агентлик вакилининг айтилишича, БМТнинг бир қисми бўлган (UNRWA) БМТ тамойиллари ва қонунларига риоя қилиши лозим. Худди шу нуқтаи назардан UNRWA баъзи Қуръон оятларини ишлатишига чекловлар қўйди ва уларнинг тилга олинишини бетарафликни бузиш деб ҳисоблади. Айтилишича, бу сионистлар ҳамда агентлик ишини назорат қилиб борувчи халқаро институтларнинг босими натижасида юзага келган. UNRWA бетарафлик баҳонаси остида бир қатор ходимларини бетарафликни бузганликда айблаб, халқаро кузатув ташкилоти</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм килемайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
томонидан топширилган ҳисобот муносабати билан тергов якунлангунига қадар вақтинча фаолиятдан тўхтатиб қўйди.		
<b>Ал-Ваъй:</b> UNRWA томондан эшитаётган ва ўқиётган нарсаларимиз ажабланарли иш эмас, чунки у Ғарб томонидан ташкил этилган. Шунинг учун уни бу ишларни босим туфайли амалга оширияпти дейилмайди. Аксинча, у ишларини ўз хоҳиши билан қиласди ва бетарафликни даъво қиласди.		
<b>Газета: Ҳамидатийнинг укаси бошчилигидаги ҳарбий делегация (Исройл)га яширинча ташриф буюрган</b>		
<p>Суданда чиқадиган газета Ҳамидатийнинг укаси ва суверен кенгаш вице президенти Абдураҳмон Ҳамадон Доқлу Ҳамидатий бошчилигидаги делегация (Исройл)га яширинча ташриф буюрган. Делегация таркибида Ҳамидатийдан ташқари мудофаа саноати мудири Мирғани Идрис Сулаймон ҳам бўлган. Газета ташриф ҳақида бошқа тафсилотларни ёзмаган. Хартумдаги ҳукумат эса газетада ёзилганларни на тасдиқлаган ва на инкор қиласди. Судан ахборот воситаларида айтилишича, Судан жорий йил октябр ойида Вашингтонда яхудий вужуди билан муносабатларни нормаллаштириш бўйича расмий шартномани имзолайди. Шу нуқтаи назардан «Вилла» номли иброний тилда фаолият юритадиган веб сайтынинг хабар беришича, Судандаги ҳукумат доиралари босқинчи (Исройл) разведкасининг Ҳамидатий билан учрашгани ва икки тараф ўртасидаги алоқалардан «ғазабланган». (Исройл) веб сайтынинг ишора қилишича самолётларни кузатиш шуни кўрсатмоқдаки, Моссаднинг собиқ бошлиғи Ёssi Коэн фойдаланган самолёт Судан ҳудудига бир неча марта тушган ва бортида Ҳамидатий одамлари билан учрашиш учун келган юқори лавозимли амалдорлар бўлган. Бу эса Бурҳонни Бенямин Нетаняху бош вазир бўлиб турган даврда бу борада бир неча марта шикоят қилишга ундаган.</p>		
<b>Ал-Ваъй:</b> Сўнг пайтларда Ҳамидатий билан Бурҳон ўртасида ҳокимият учун кураш доирасида тез-тез можаролар бўлаётгани кузатилипти. Ҳамидатийга ўз мавқеини мана шундай учрашувлар орқали мустаҳкамлаган, деган айлов қўйилган. Зоро, ҳукуматдагилар на Аллоҳнинг ва на халқнинг ғазабидан қўрқиб, яхудийлар Америка розилиги калитидир деган фикрни Суданда тарқатишмоқда.		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Нидерландия муниципалитетлари масжидларда «яширин текширув» ўтказди</b>		
<p>Нидерландиянинг «НРС Ханделсблад» газетаси 2021 йил 16 октябр сонида камида ўнта муниципалитетда масжидлар, уларнинг имомлари, исломий жамиятлар директорлари ва жамиятдаги нуфузли мусулмон арбоблари ҳақида «яширин текширув» ўтказилганини маълум қилди. Газетанинг ёзишича, мусулмон диаспоралари қалин яшайдиган йирик шаҳарлarda бўлиб ўтган ушбу яширин текширув Нидерландия хавфсизлик ва терроризмга қарши кураш агентлиги томонидан молиялаштирилган. Газетада айтилишича, текширувдан мақсад «Нидерландияда фаол бўлган масжидлар имомлари, мусулмон муассасалари ва ўюшмаларининг келиб чиқиши ва уларнинг экстремистик террористик ташкилотларга алоқаларини ўрганишдир».</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Мусулмон юртларда сиёсий Ислом тарқалиши ва унинг турли давлатларга таъсиридан бутун Европа хавотирда. Айниқса, у ўзини мусулмон фуқаролари билан интеграция сиёсатида муваффақият қозона олмаган деб ҳисоблайди... У яна ўз жамиятлари қариб бораётгани ва ҳар қандай бўлажак исломий ўзгаришга бардош бера олмаслигини билади.</p>		
<p><b>Пайғамбар ﷺ карикатуралари мұаллифи Швециядаги даҳшатли йўл транспорт ҳодисасида ҳалок бўлди</b></p>		
<p>2021 йил 3 октябр куни Пайғамбар Мұхаммад ﷺ ни масхаралаб чизган расмлари билан машҳур бўлган Швециялик карикатура рассоми Ларс Вилкс йўл транспорт ҳодисасида ҳалок бўлди. 75 ёшли мусаввирнинг машинаси юк машинаси билан тўқнашиб кетиши оқибатида ўзи билан бирга бўлган икки полициячи ҳам ҳалок бўлди. Швеция полицияси маълумотига кўра ҳар икки автомобиль ҳам ёниб кетган.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> ичиқоралик билан эмас, балки, Ислом бағрикенглиги билан айтамизки, Агар у мусулмон бўлиб ўлганида ўзи масхара қилган Росууллоҳ ﷺни рози қилган бўлар эди.</p>		
<p><b>Бангладешда Исломофоб тасвиirlарга қарши норозилик намойишлари давом этмоқда</b></p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм килемайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Мамлакат шарқида жойлашган Камилла вилоятидаги ҳинд ибодатхонасидаги ҳайкалнинг оёғи остида Қуръон тургани акс этган сурат Бангладешдаги норозиликларга сабаб бўлган. Бу сурат ижтимоий тармоқларда тарқалганидан кейин бу воқеа мусулмон кўпчилигини «ҳақорат қилиш» деб ҳисобланган. Норозиликлар полиция тўқнашуви билан туғаган. Пойтахт Даккадаги марказий масжид ташқарисидаги катта кўчада ўн минг атрофида одам йиғилган. Намойишчилар «Ислом душманлари қуласин» ва «Жиноятчиларни осинг» каби қичқириқлар билан чиқишган ва ҳукуматдан Қуръонни оёқости қилаётгандарни ушлаб, тасвирга жавобгар бўлган кишиларни ўлдиришни талаб қилишган. Бу воқеалар ҳиндулар аҳолининг 9 %ини ташкил қиласидиган ва барча аҳолиси таҳминан 160 миллион бўлган Бангладешда юз бермоқда. Айни пайтда мамлакатда расмий дин Ислом дини бўлиб, мусулмонлар сони умумий фуқаролар сонининг 89,7 %ини ташкил қиласиди.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Ҳинdiston Исломга қарши глобал ҳужумга қўшилди. Бу ҳужум Ҳинdiston ичida бўладими ёки ташқарисидами фарқсиз, бу Исломнинг ҳаётга қайтишини олдини олиш ва уни заифлаштиришга қаратилган глобал режанинг бир қисмидир. Биз айтамизки, бу каби агрессиялар мусулмонларни ўз динларини янада маҳкамроқ тутадиган қиласиди ва Исломнинг ҳаётдаги ролини кучайтиради.</p>		
<p><b>Америкалик ёзувчи: Қўшма Штатлар фуқаролар уруши хавфи билан юзлашмоқда</b></p>		
<p>Америкалик ёзувчи Роберт Каган Вашингтон постдаги мақоласида Қўшма Штатлардаги оммавий зўравонликлар бошланиши, федерал ҳокимиятнинг қулаши ва мамлакат демократ ва республикачилар ўртасидаги рақиб анклавларга бўлинishiдан огоҳлантириди. Муаллиф бундай дейди: Ушбу инқиrozning огоҳлантирувчи белгилари сиёsat, эпидемия, иқтисодиёт ва глобал инқиrozлар билан боғлиқ муаммолар билан яширилиш мумкин. Аммо улар аллақачон мавжуд эканлигига шубҳа йўқ. Муаллифга кўра, Дональд Трамп 2024 йилда яна республикачилар томонидан президентликка номзод сифатида кўрсатилади. «Бу одам сўров натижаларида катта устунликка эга. У сайлов кампаниясига улкан маблағ ажратади. Айни пайтда бу соҳада</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>демократларнинг имконияти анча күчсизdir» – дейди у. У Трамп ва үнинг республикачи шериклари кейинги президентлик сайловларида ҳар қандай йўл билан ғалаба қозонишга фаол тайёргарлик кўраётганини таъкидлайди. 2020 йилдаги сўнгги президентлик даврида рақиби Жо Байденга қилган үнинг фирибгарлик айловлари келажақдаги ҳар қандай натижаларда биринчиликни талашиб учун асос бўлади. Шунингдек, бу үнинг фойдасига бўлмаслиги ҳам мумкин. Баъзи республикачи номзодлар 2022 йилги сайлов натижалари бўйича ҳийланайрангларини таъкидлашича, Трамп ва үнинг тарафдорлари сайлов масъулларини маҳаллий ва давлат даражасида назорат қилишни таъминлаш учун бутун мамлакат бўйлаб ташкил этилган кампания ўтказишмоқда. 2020 йилдаги сайловларда айнан шу нарса етишмаган эди. Муаллифга кўра, бу тартибсизликларга саҳна яратиши ҳам мумкин.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Ҳозирда Американинг тугашга яқинлашаётганидан ва ичидан парчаланаётганидан дарак берувчи аломатлар талайгина... Агар реал муаммолар бўлмаганида эди, бу каби хавотирлар ҳам бўлмас эди. Реал муаммолар эса вулқон куллари остида яширинган бўлиб, портлаш арафасида турибди.</p>		
<p><b>Мали Францияга Кидалда террорчиларни тайёрлаяпти деган жиддий айб қўймоқда</b></p>		
<p>Малининг ўтиш даври ҳукумати раиси Шегул Маига Парижни минтақадаги мавжудлигини оқлаш учун Малининг шимолий қисми, Жазоир билан чегарадош Кидал вилоятида «террорчи гуруҳларни тайёрлаш»да айблаганидан кейин Мали ва Франция ўртасидаги муносабатлар совуқлашди. Бош вазир Россиянинг «Новости» ахборот агентлигига берган интервюсида бундай деган: «Мали ҳукумати французлар назорати остидаги Кидал анклавига етиб бора олмайди. Чунки у ерда Француз зобитлари томонидан ўқитилган қуролли гуруҳлар мавжуд ва бизда бунга далиллар бор». У Мали шимолидаги француз мавжудлиги «Ноқонуний бўлиб Мали ҳукумати ва Париж ўртасидаги ҳамкорлик шартномасига кирмайди», деб ҳисоблаган. Бу баёнотлар Бамако ва Париж ўртасидаги инқирозни янада чўқурлаштиради. Бу</p>		

Малининг ташқи ишлар вазирлиги биринчи марта Франциянинг Малидаги элчисини чақиришидан бир неча кун ўтиб юз бермоқда. Ўшанда Мали ташқи ишлар вазирлиги Франциянинг мамлакатдаги элчисини Франция президенти Эммануэл Макроннинг Мали ҳақида айтган «номақбул сўзлари» учун чақирган эди. Ушбу ўзгаришлар айниқса Мали Россиянинг «Вагнер» хусусий ҳарбий компанияси билан келишув имзолаганидан кейин Парижни ўз қўшинларини Малидан олиб чиқиб кетишини тезлаштириши мүмкин.

**Ал-Ваъй:** Макрон ҳар бир йўналишда ўзини ўққа тутмоқда. Чунки у мустамлакачилик мезонида нотўғри баёнотлар бермоқда. Масалан, у Жазоир халқини улар одам эмас дегани ёки Малига қарши ушбу хабарда келган сўзларни айтгани каби. Яна Франция-Африка саммитини ўтказиб, катта ёшдаги ҳокимлар ўрнига ёш ҳокимларни қўйиш ҳақидаги гаплари ҳамда Африкада амалга ошираётган мустамлакачилиги борасида узр сўрашдан бош тортиши каби. Бу мустамлакачи Франциянинг кўр-кўронада мақтанчоқлигидир. Агар Аллоҳ бирортасига ғазабланса, уни Аллоҳнинг ғазабидан ҳеч нарса қутқаролмайди. □

## ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА

﴿فُلْ يَتَأْيِهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا الَّذِي لَهُ وَمُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يُحْyِي وَيُمِيتُ فَئَامِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ الَّتِي أَلَّمْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَكَلِمَتِهِ وَاتَّبِعُوهُ لَعَلَّكُمْ تَهْدُونَ﴾

«Айтинг (эй Мұхаммад): «Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ (юборган) элчиман. У шундай зотки, самовот ва ер Унинг мулкидир. Ҳеч қандай илоҳ йүқ, фақат Унинг йызи бордир. Ҳаёт ва ўлим берадиган ҳам Унинг йызидир. Бас, Аллоҳга ва Унинг элчисига – Аллоҳ ва Унинг сўзларига ишонадиган уммий пайғамбарга иймон келтирингиз ва унга эргашингиз. Шояд ҳидоят топурсиз»» [Аъроф 158]

Иbn Қасир ўз тафсирида шундай ёзади: «Аллоҳ Таоло йуз пайғамбари ﷺ (әйнайеңін атасы), деб айтинг демоқда. Бу қизилу қора танли инсонларга ва арабу ажамга қаратилган хитобдир. Әйнی یعنی رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا (Албатта мен барчангизга юборилган Аллоҳнинг элчисиман) дегани эса, Пайғамбар ﷺ нинг буюк ва юксак даражасига урғу беради. Чунки у зот пайғамбарларнинг охиргиси бўлиб, инсонларнинг барчасига юборилган. Яна бошқа оятларда Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿فُلْ اللَّهُ شَهِيدٌ بِيْنِي وَبَيْنَكُمْ وَأُوحِيَ إِلَيَّ هَذَا الْقُرْءَانُ لِأُنذِرَكُمْ بِهِ وَمَنْ بَلَغَ﴾

«Айтинг: «Аллоҳ. У мен билан сизларнинг ўртамиизда гувоҳдир. Сизларни ва Қуръон-етиб борган кишиларни (охират азобидан) огоҳлантиришим учун менга – мана шу Қуръон ваҳий қилинди»

[Анъом 19]

﴿وَمَنْ يَكْفُرْ بِهِ مِنَ الْأَخْرَابِ فَالثَّارُ مَوْعِدُهُ﴾

«Барча гуруҳлар орасидан ким у Қуръонга коғир бўлса, унга ваъда қилинган жой дўзахдир» [Худ 17]

﴿وَقُلْ لِلَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ وَالْأُمَمِيْنَ إِنَّمَا أَسْلَمُتُمْ فَإِنَّمَا أَسْلَمُوا فَقَدِ اهْتَدَوْا وَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّمَا عَلَيْكَ الْبَلَan﴾

**«Аҳли китоблар ва (китоб берилмаган) омий-бутпарастлардан: «Исломга кирдингизми?», деб сўранг! Агар Исломга кирсалар, муҳаққақ тўғри йўлни топибдилар. Энди агар юз ўгирсалар, у ҳолда Сизнинг зиммангиздаги нарса фақатгина етказишдир»** [Оли Имрон 20]

Бу ҳақда оятлар жуда кўп бўлганидек, ҳадислар ҳам сонсаноқсизdir. Муҳаммад ﷺ бутун инсонларга юборилган Аллоҳнинг элчиси эканлиги Ислом динидаги маълум ва машҳур ишларданdir.

Имом Бухорий (роҳимаҳуллоҳ) ушбу оят тафсирида бундай дейди: ... Абу Идрис Хулоний айтади: Мен Абу Дардонинг бундай деб айтганини эшийтдим: Абу Бакр билан Умар тортишиб қолишиди ва Абу Бакр Умарни ғазаблантирди. Умар ундан ғазабланиб жўнаб кетди. Шунда Абу Бакр унинг ортидан кечиришини сўраб эргашди. Лекин Умар уни кечирмасдан уйининг эшигини беркитиб олди. Шунда Абу Бакр Росууллоҳ ﷺ олдиларига борди, биз эса ўша ерда эдик. Шунда Росууллоҳ ﷺ «Дўстингизга нима бўлди, нега у бунчалик ғазабда? – дедилар. Умар эса қилган ишидан пушаймон бўлиб, Росууллоҳ ﷺ салом бериб, ёнига келиб ўтириди. Сўнг Росууллоҳга бўлган ишнинг хабарини айтиб берди. Шунда Росууллоҳ ﷺ ҳам ғазабландилар. Абу Бакр эса Эй Аллоҳнинг росули мен Умардан кўра золимроқман деди. Шунда Росууллоҳ ﷺ: «Сизлар мен билан дўстимни холи қолдирасизларми? Чунки мен: Эй одамлар мен сизларнинг барчангизга Аллоҳнинг росулиман деганимда, сизлар мени ёлғончига чиқардингиз, лекин Абу Бакр: Тўғри айтингиз деган эди». Бухорий ривояти.

Имом Аҳмад айтади: Абдуссомад Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бундай дейдилар:

«أُعْطِيْتُ حَمَّاسًا لَمْ يُعْطَهُنَّ نَبِيًّا قَبْلِيْ - وَلَا أَقُولُ فَحْرًا: بُعْثِتُ إِلَى النَّاسِ كَافَةً، الْأَحْمَرُ وَالْأَسْوَدُ، وَنَصَرُتُ بِالرُّغْبِ مَسِيرَةَ شَهْرٍ، وَأَحْلَتُ لِي الْعَنَائِمُ وَمُ تَحَلَّ لِأَحَدٍ قَبْلِيْ، وَجَعَلْتُ لِي الْأَرْضُ مَسْجِدًا وَطَهُورًا، وَأُعْطِيْتُ الشَّفَاعَةَ فَأَخْرَجْتُ لِأُمَّتِيْ، فَهُوَ لِمَنْ لَا يُشْرُكُ بِاللَّهِ شَيْئًا»

«Менга олдинги пайғамбарларга берилмаган беш нарса берилди. Лекин мен буни фахрланиб айтмаяпман: Мен қизилу қора танли одамларнинг барчасига элчи қилиб юборилдим, бир ойлик масофадан туриб қўрқув соладиган бўлдим, олдин бирортасига ҳалол қилинмаган ўлжалар ҳалол қилинди, менга ер юзи масжид ва пок қилиб берилди, менга шафоат қилиш

**Берилди, мен уни Умматим үчүн қиёмат күнига қолдирдим. У Аллоҳға ҳеч кимни шерик қилмаган киши учундир».**

Имом Аҳмад айтади: Қутайба ибн Сайд Умар ибн Шуайбдан, у эса отасидан, у бобосидан ривоят қилишича, Росулуллох ﷺ Табук ғазоти йилида тунда намоз ўқиётгандарыда атрофида саҳобалардан бир нечтаси қўриқчилик қиласарди. Шунда у зот намоз ўқиб бўлгач, уларга бундай дедилар:

«لَقَدْ أَعْطَيْتُ اللَّهُمَّ حَمْسًا مَا أَعْطِيَهُنَّ أَحَدٌ قَبْلِي، أَمَّا أَنَا فَأَرْسَلْتُ إِلَى النَّاسِ كُلَّهُمْ عَامَةً، وَكَانَ مَنْ قَبْلِي إِنَّمَا يُرْسَلُ إِلَى قَوْمٍ. وَنُصِرْتُ عَلَى الْعُدُوِّ بِالرُّغْبَ، وَلَوْ كَانَ بَيْنِهِمْ مَسِيرَةُ شَهْرٍ لَمْلَئِ مِنِي رُعْبًا. وَأَحْلَّتُ لِي الْغَنَائِمَ كُلَّهَا وَكَانَ مَنْ قَبْلِي يُعَظِّمُونَ كُلَّهَا، كَانُوا يُخْرِفُونَهَا. وَجَعَلْتُ لِي الْأَرْضَ مَسْجِدًا وَطَهُورًا، أَتَيْنَمَا أَذْرَكْتُنِي الصَّلَاةُ تَسَّخَّتْ وَصَائِيْتُ، وَكَانَ مَنْ قَبْلِي يُعَظِّمُونَ ذَلِكَ، إِنَّمَا كَانُوا يُصَلُّونَ فِي بَيْعِهِمْ وَكَنَائِسِهِمْ. وَالْحَامِسَةُ هِيَ مَا هِيَ، قِيلَ لِي: سَلْ، فَإِنَّ كُلَّ نَبَّيٍّ قَدْ سَأَلَ. فَأَخْرَجْتُ مَسَالَتِي إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ، فَهِيَ لَكُمْ وَلَمْنَ شَهَدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ»

«Менга бу кеча мендан олдин бирортасига берилмаган беш нарса берилди. Мен инсонларнинг барчасига әлчи қилиб юборилдим, мендан олдингилар эса, фақат ўз қавмига юборилар эди. Менга душманга қўрқув солиш берилди, агар мен билан уларнинг орасида бир ойлик масофа бўлса ҳам, улар мендан қўрқишиади. Менга ўлжаларни ейиш ҳалол қилинди, мендан олдингилар уни ейишни гуноҳ ҳисоблаб ёқиб юборишар эди. Менга ер юзи масjid ва пок қилиб берилди. Зоро, қаерда бўлсам ҳам намоз вақти кирса, таҳорат қилиб намоз ўқиивераман. Мендан олдингилар буни гуноҳ ҳисоблаб, ўзларининг ибодатхоналари ва черковларида ўқишар эди. Бешинчиси эса менга сўра, чунки барча пайғамбарлар сўраган дейилди. Лекин мен сўрашимни қиёматга қолдирдим. У ҳам бўлса сизлар ва ла илаҳа иллаллоҳ деб гувоҳлик берган киши учундир».

Имом Аҳмад яна айтади: Мұхаммад ибн Жаъфар Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилган ҳадисда Росулуллох ﷺ бундай дейдилар:

«مَنْ سَمِعَ بِي مِنْ أُمَّيَّ، أَوْ يَهُودِي، أَوْ نَصَارَى، فَلَمْ يُؤْمِنْ بِي لَمْ يَكُنْ جُنَاحٌ

«Умматимдан ёки яҳудийлардан ёки насронийлардан бирортаси мени эшилсаю, лекин имон келтирмаса, жаннатга кирмайди». Бу ҳадис Имом Муслимда Абу Мусодан шундай лафз билган:

«وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَا يَسْمَعُ بِي رَجُلٌ مِنْ هَذِهِ الْأُمَّةِ، يَهُودِيٌّ وَلَا نَصْرَانِيٌّ، ثُمَّ لَا يُؤْمِنُ بِي إِلَّا دَخَلَ النَّارَ»

«Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, бу Умматдан ёки яҳудийлардан ёки насронийлардан кимки мени эшитсаю, имон келтирмаса, жаннатга кирмайди». Оятдаги

﴿الَّذِي لَهُ وَمُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ﴾

**«Осмонлар ва ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган зот»** [Буруж 9] иборасининг маъноси Аллоҳнинг сифати бўлиб, у ҳақда Ресулуллоҳ ﷺ бундай деганлар: Мени юборган Зот барча нарсаларнинг Холиқи, Роббиси ва Моликидир. Мулк, тирилтириш ва ўлдириш ўша Зотнинг қўлида, ҳокимлик ҳам Уникидир.

﴿فَعَامَّثُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ الَّتِي أَلْأَمَّتِ﴾

(*Бас, Аллоҳга ва Унинг элчисига – уммий пайғамбарга имон келтирингиз*), дегани эса Аллоҳ Таоло Мұхаммад уларга юборилган элчиидир деб, у кишига эргашиб ва имон келтиришга уларни буюряпти.

﴿الَّتِي أَلْأَمَّيَ﴾

(*Уммий пайғамбарга*), деганда сизларга қадимги китобларда ваъда қилган ва хабарини берган киши демоқда. Чунки Пайғамбар ﷺ уларнинг китобларида сифатланган эдилар. Шунинг учун

﴿الَّتِي أَلْأَمَّيَ الَّذِي يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَكَلَّمَتَهُ﴾

(*Аллоҳ ва Унинг сўзларига ишонадиган уммий пайғамбарга*), демоқда. Бошқача айтганда, сўзи амалини тасдиқладиган ва Роббиси томонидан юборилган нарсага имон келтирадиган пайғамбар демоқда.

﴿وَاتَّبِعُوهُ﴾

(*Эргашингиз*), деганидан мурод унинг йўлига юринг ва изидан боринг маъносидадир. □

﴿لَعَلَّكُمْ تَهَدُونَ﴾

(*Шояд ҳидоят топурсиз*) дегани кошки тўғри йўлга юрсангиз маъносидадир. □

## АЛЛОҲНИНГ ЭЛЧИСИ МУҲАММАД МУСУЛМОНЛАР ВА БАРЧА ИНСОНЛАР УЧУН ОЛИЙ НАМУНАДИР

Дарҳақиқат, Расуулллоҳ омонат, тавозелик, ахлоқ, саховат ва адолатда намуна бўлган эдилар... Нечук бундай бўлмасин, ахир Аллоҳ Таоло барча одамларга рисолат бўлган охирги рисолатини у зотга ишониб топширган эди-ку. Пайғамбар ﷺ бу рисолатнинг ҳаққини энг яхши адо этган киши бўлдилар. Пайғамбарлик юборилишидан олдин Қурайш у кишини Содиқул амин деб исмлаб, ўрталаридағи хусуматларида у кишини ҳакам қиласа ва омонатларини ишониб топширилар эди. У зот на бирортасига хиёнат қилдилар ва на катта хато қилдилар. Ҳатто Ҳадича онамизга уйланишларининг сабаби ҳам тижоратда тўғри сўзлик ва буюк омонатдорлик билан сифатланганлари бўлди. У зотнинг саховатпешалиги шунчалик даражада эдикни, сўралишдан олдин беришга шошилардилар. Шунинг учун у зот айтар эдилар: «**Агар мана шу Ҳұд төғидек олтиним бўлса, унинг менинг ҳузуримда уч кеча қолиши мени хушнуд этмайди. Фақат қарзимга тўламоғим учун етарлисими қолдириб, қолганини Аллоҳ Таолонинг бандалари учун (у зот ўнг ва чап ҳамда орқа томонларига ишора қилиб) ундаи ва бундай ҳамда мана бундай қилиб сарф этинглар, деган бўлар эдим.**» Расуулллоҳ ﷺнинг барча хислатларига назар ташлаган киши бирор камчилик топа олмайди. Шунинг учун у зот Аллоҳ Таолонинг

﴿وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ حُلْقٍ عَظِيمٍ﴾

**«Албатта сиз улуғ Ҳулқ устидаидирсиз»**

[Қалам 4]

деб сифатлаган сифатга ҳақлидирлар. Аллоҳнинг ўзи гувоҳликка кифоядир.

Агар ғайримусулмонлар бу ҳадислар ҳақида фикрлашганда эди, ўринларидан турмасдан имон келтирган бўлар эдилар.

Икки саҳиҳ тўпламда Бухорий лафзи билан Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бундай дейди:

«إِنَّ مَثْلِي وَمَثْلَ الْأَنْبِيَاءِ مِنْ قَبْلِي كَمَثْلِ رَجُلٍ بَنَى بَيْتًا فَأَحْسَنَهُ وَأَجْمَلَهُ، إِلَّا مَوْضِعُ لَبِنَةٍ مِنْ رَأْوِيَةٍ، فَجَعَلَ النَّاسَ يَطْفُؤُونَ بِهِ وَيَعْجُوْنَ لَهُ، وَيَقُولُونَ: هَلَا وَضَعَتْ هَذِهِ الْبَيْنَةُ. قَالَ: فَأَنَا الْبَيْنَةُ، وَأَنَا حَاتِمُ النَّبِيِّينَ»

«Менинг ва мендан аввалги пайғамбарларнинг мисоли худди бир уйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан бир ғиштнинг ўрнини қолдириб қўйган кишига ўхшайди. Одамлар уни айланиб кўриб, қойил қолишади ва мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганда эди, дейишади. Мен ўша ғиштман. Мен набийларнинг хотимиман». Имом Нававий Набий ﷺнинг фазилатлари ҳақида бундай дейди: «Албатта Аллоҳ Таоло у зот орқали элчилар юборишга якун ясади ва дин қонунларини тўла қилди». Имом Аҳмаднинг Муснадида Абдуллоҳ ибн Масъуддан шундай келтирилади: Аллоҳ Таоло инсонларнинг қалбларига қараб, уларнинг ичида Мұхаммад ﷺнинг қалби энг яхши қалб эканини топди ва у зотни танлаб олиб, рисолати билан юборди.

Бухорий ўзининг саҳиҳ тўпламида Ато ибн Ясордан шундай ривоят қиласи: Ясор айтади: Мен Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осга йўлиқиб: Росууллоҳ ﷺнинг Тавротдаги сифатлари ҳақида айтиб беринг, дедим. Шунда у майли, Аллоҳга қасамки у киши Қуръондаги баъзи сифатлар билан тавротда ҳам сифатланган. Яъни унда айтиладики: Эй Пайғамбар, Мен сени гувоҳ, хушхабар берувчи, огоҳлантирувчи, уммийларга қўриқчи қилиб юбордим. Сен Менинг қулим ва элчимсан, мен сени Мутаваккил деб исмладим. У одобсиз, қўпол ва бозорларда шовқин-сурон кўтарадиган эмас. У ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтармайди, лекин афв этади ва кечиради. Аллоҳ уни қинғир йўлдаги миллат «ла илаха иллаллоҳ», демагунча ҳамда кўр кўзларни, кар қулоқларни ва қулфланган қалбларни очмагунича жонини олмайди».

Имом Мұслим ўзининг саҳиҳ тўпламида Абу Ҳурайранинг бундай деганини ривоят қилган: Росууллоҳ ға Эй Аллоҳнинг росули мушрикларга қарши дуо қилинг дейишганида, у зот:

«إِنِّي لَمْ أُبَعِثْ لَعَانًا وَإِنَّمَا بَعَثْتُ رَحْمَةً»

«Мен лаънатлаш учун эмас, балки раҳмат бўлиш учун юборилдим», дедилар. Доримиий ўз сунанида ривоят қилган. Ибн Ҳиббон Мустадракда Абу Солиҳдан шундай келтиради: Росууллоҳ ғ одамларга бундай деб нидо қиласар эдилар:

«يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّمَا رَحْمَةُ مُهَدَّدَةً»

«Эй инсонлар албатта мен ҳадя қилинган раҳматман». Имом Аҳмад ўз муснадида Абу Умомадан Росууллоҳ ғнинг бундай деганини ривоят қилган:

«إِنَّ اللَّهَ بَعَثَنِي رَحْمَةً لِلْعَالَمِينَ وَهُدًى لِلْعَالَمِينَ»

«Албатта Аллоҳ Таоло мени оламларга раҳмат ва ҳидоят қилиб юборди».

Ибн Можжа ўзининг сунанида Абу Сайддан Росууллоҳ ғнинг бундай деганини ривоят қилган:

«أَنَا سَيِّدٌ وَلِدٌ آدَمَ وَلَا فَخْرٌ، وَأَنَا أَوَّلُ مَنْ تَسْقَى الْأَرْضُ عَنْهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا فَخْرٌ، وَأَنَا

أَوَّلُ شَافِعٍ وَأَوَّلُ مُشَفَّعٍ وَلَا فَخْرٌ، وَلَوَاءُ الْحَمْدِ بِيَدِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا فَخْرٌ»

«Мен одам болалари ичидан саййидиман, қиёмат куни биринчи тириладиган мен, биринчи шафоат қилгувчи ва шафоати биринчи қабул бўладигани ҳам мен, қиёмат куни ҳамд байроғи менинг қўлимда бўлади, лекин мен буларнинг бирортаси билан фахрланмайман».

Имом Мұслим саҳиҳ тўпламида Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан шундай ривоят қиласади: Пайғамбар ғ Иброҳим ва Исламлар ҳақидаги

«رَبِّ إِنَّهُنَّ أَضَلُّنَّ كَثِيرًا مِنْ الظَّالِمِينَ فَمَنْ شَيَعَنِي فِيَّنَهُ وَمِنِّي»

«Парвардигорим, у бутлар кўпдан-кўп одамларни йўлдан оздирдилар. Бас, ким менга эргашса, ана ўша мендандир (яни менинг динимдадир)»

[Иброҳим Заде]

﴿إِن تَعْدِّهُمْ فَإِنَّهُمْ عِبَادُكَ وَإِن تَغْفِرْ لَهُمْ فَإِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ﴾

«Агар уларни азобласанг, улар Сенинг ожиз бандаларинг.

Агар уларни мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг қудрат, ҳикмат эгасидирсан»

[Моида 118]

оятларни ўқиб,

«اللَّهُمَّ أَمْتَيْ، أَمْتَيْ»

«Аллоҳим! Умматим, Умматим», деб йиғладилар. Шунда Аллоҳ Таоло: Эй Жаброил, гарчи Роббинг (ҳамма нарсани) билса ҳам, Мұхаммадга бориб нимага йиғлатаётганини сүрачи, деди. Жаброил Пайғамбар ﷺ олдиларига келиб, бу ҳақида сүради. Пайғамбар ﷺ – гарчи Аллоҳ бу ҳақда яхши билса ҳам – йиғлашининг сабабини айтдилар. Шунда Аллоҳ Таоло айтди: Эй Жаброил, Мұхаммадга бориб, айт: Биз сени Умматинг учун Аллоҳдан сўраган нарсангни бериб рози қиласиз ва Умматинг борасида сени хафа қилиб қўймаймиз». Бу ҳадис икки саҳиҳда келган бўлиб, лафзи Муслимники. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«لَكُلَّ بَيِّ دَعْوَةٌ مُسْتَجَابَةٌ، فَتَنْعَجِلْ كُلُّ بَيِّ دَعْوَتَهُ، وَإِنِّي احْتَبْتُ دَعْوَيْ شَفَاعَةً لِأُمَّيْ  
يَوْمَ الْقِيَامَةِ، فَهُوَ نَائِلٌ إِنْ شَاءَ اللَّهُ مِنْ مَاتَ مِنْ أُمَّيْ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا»

«Ҳар бир Пайғамбарнинг дуоси мустажобдир ва барча Пайғамбарлар шу дунёда сўрашди. Аммо мен қиёматда Умматимни шафоат қилишни сўрадим. Шунинг учун Умматимдан кимки Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмай вафот этса, шафоатимга етажакдир».

Бухорий ўзининг саҳиҳ тўпламида Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«أُغْطِيْتُ حَمْسًا لَمْ يُعْظَمُهُنَّ أَحَدٌ قَبْلِيْ: نُصْرَتُ بِالرُّغْبِ مَسِيرَةَ شَهْرٍ، وَجَعْلْتُ لِي الْأَرْضُ  
مَسْجِدًا وَطَهُورًا، فَأَيْمَا رَجُلٌ مِنْ أُمَّيْ أَدْرَكَهُ الصَّلَاةُ فَلَيُصَلِّ، وَأَحْلَتُ لِي الْمَغَانِمُ وَمَمْ تَحْلَّ

لَأَحَدٍ قَبْلِي، وَأُعْطِيَتُ الشَّفَاعَةَ، وَكَانَ النَّبِيُّ يُبَعِّثُ إِلَى قَوْمِهِ خَاصَّةً وَيُعْثِثُ إِلَى النَّاسِ عَامَّةً»

«Менга мендан олдингиларга берилмаган бешта нарса берилди. Менга бир ойлик масофадан туриб қўрқитиш берилди. Ер юзи масжид ва пок қилинди, Умматимдан кимки намоз вақтини топса, ўша ерда намоз ўқисин. Менга шафоат қилиш берилди. Барча Пайғамбарлар ўз қавмига хос қилиб юборилар эди, мен эса барча инсонларга юборилдим».

Имом Аҳмад Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Ресулуллоҳ, ﷺ бундай дейдилар:

«مَا مِنَ الْأَنْبِيَاءِ نَبِيٌّ إِلَّا قُدِّ أَعْطِيَ مِنَ الْآيَاتِ مَا مِثْلُهُ آمِنٌ عَلَيْهِ الْبَشَرُ، وَإِنَّمَا كَانَ اللَّذِي أُوتِيشَهُ وَحْيًا أَوْ حَادِهَ اللَّهُ إِلَيْهِ، فَأَرْجُو أَنْ أَكُونَ أَكْثَرَهُمْ تَابِعًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Ҳар бир Пайғамбарга одамлар ишониши учун мўъжизалар берган. Лекин менга берилган мўъжиза бу Аллоҳ юборган ваҳий (Қуръон)дир. Шундай экан, қиёматгача уларнинг кўпчилиги менга эргашишини умид қиласман».

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Анас ибн Молик айтади: Бир киши келиб: эй Мұхаммад, эй саййидимиз, эй саййидимизнинг ўғли, эй яхшимиз ва яхшимизнинг ўғли деган эди, шунда Ресулуллоҳ, ﷺ:

«أَئُلُّهَا النَّاسُ، عَلَيْكُمْ يِتَقْوَاهُمْ وَلَا يَسْتَهْوِنُكُمُ الشَّيْطَانُ، أَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ، عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ. وَاللَّهُ مَا أَحِبُّ أَنْ تَرْفَعُونِي فَوْقَ مَنْزِلَتِي الَّتِي أَنْزَلَنِي اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ»

«Эй одамлар, тақво қилинг, шайтон сизларни алдаб қўймасин. Мен Абдуллоҳнинг ўғли Мұхаммадман, мен Аллоҳнинг қули ва элчисиман. Шундай экан, Аллоҳ мени юборган мартабадан мени юксалтириб юборишиңгизни ёқтирамайман».

Имом Бухорий ўзининг саҳих тўпламида Анас, ؓ нинг бундай деганини ривоят қилган: Ресулуллоҳ, ؓ нинг Азбоъ деган түяси бўлиб, у ҳеч қачон ортда қолмас эди. Бир аъробий ўзининг уловида ундан ўзиг бетди. Шунда бу ҳол

одамларга оғир ботиб: Азбоъ ортда қолдими? – дейишиди.

Росууллоҳ ﷺ эса:

«إِنْ حَفَّا عَلَى الَّهِ أَنْ لَا يُرْفَعَ شَيْئًا مِنَ الدُّنْيَا إِلَّا وَضَعْهُ»

«Бир нарсанинг (мартабаси ва қадрини) дунёда кўттармаслик, (кўтарилса) уни тушириш Аллоҳнинг ҳаққидир», дедилар.

Ибн Можжа сунанда Абу Масъуднинг бундай деганини ривоят қилган: Бир киши Росууллоҳ ﷺнинг олдиларига келган эди, Росууллоҳ ﷺ у билан гаплашдилар, шунда у қўрқиб кетди. Росууллоҳ ﷺ эса бундай дедилар:

«هَوْنَ عَلَيْكَ، فَإِنَّمَا لَسْتُ بِكِ، إِنَّمَا أَنَا ابْنُ امْرَأَةً تَأْكُلُ الْقَدِيدَ»

«Тинчлан, мен подшоҳ эмасман, балки қуритилган гӯштни ейдиган оддий аёлнинг ўғлиман».

Имом Аҳмад Мұснадда Оиша رضдан ривоят қиласи: Оиша онамиздан Росууллоҳ ﷺ уйда нималар билан машғул бўлар эдилар деб сўрашганида, кийимини тикар ва пояфзалини таъмирлар, шунингдек, барча эркаклар ўз уйларида қиласидиган ишлар билан машғул бўлар эдилар, деди.

Имом Аҳмад сунанда, Абу Довуд эса саҳиҳ тўпламда Абу Умоманинг бундай деганини ривоят қилган: Бир куни Росууллоҳ ﷺ ҳассага таянган ҳолда чиққан эдилар, биз ўрнимиздан турдик. Шунда у зот:

«لَا تَقُومُوا كَمَا يَقُومُ الْأَعْجَمُ، يُعَظِّمُ بَعْضُهُمْ بَعْضًا»

«Форслар бир бирини улуғлаш учун тургани каби турманглар», дедилар. Термизий, Аҳмад ва Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«مَنْ أَحَبَّ أَنْ يَمْثُلَ لَهُ الرِّجَالُ قِيَامًا فَلَيَتَبَوَّأْ مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ»

«Кимки одамлар туриб уни улуғлашларини яхши қўрса, дўзахдан ўзига жой ҳозирласин». Ибн Ҳиббон ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бундай дейдилар:

«إِنَّمَا أَنَا عَبْدٌ أَكُلُّ كَمَا يَأْكُلُ الْعَبْدُ وَأَجْلِسُ كَمَا يَجْلِسُ الْعَبْدُ»

**«Мен ҳам бир бандаман, одамлар каби овқатланаман ва улар ўтирганидек ўтираман».**

Ибн Ҳиббон Оиша онамизни бундай деганини ривоят қилган: Росулуллоҳ ﷺ (үйида) етти ёки тўққиз динорни кўриб, оғриғи янада зиёдалашди. Сўнг: «Эй Оиша олтинларни нима қилдинг», деб сўрадилар. Оиша онамиз эса улар менда деган эди, Росулуллоҳ ﷺ: «Уларни садақа қилиб юбор», дедилар. Оиша онамиз айтади: Мен у билан банд бўлдим. Сўнгра у зот яна: «Эй Оиша олтинларни нима қилдинг» деган эдилар, мен улар менда деб жавоб бердим. Шунда у зот: «Уларни олиб кел, деди. Мен уларни олиб келгач, у киши олтинларни кафтига қўйиб: «Мұҳаммад үйида шу олтинлар бўлган ҳолда Роббисига йўлиқадими?», дедилар.

Имом Бухорий саҳиҳ тўпламида Анас ибн Моликнинг бундай деганини ривоят қилган: Мен Росулуллоҳ ﷺ билан бирга кетаётган эдим, у зотнинг эгнида Нажрондан келтирилган қўпол ҳошияли тўн бор эди. Бир аъробий у зотга етиб олиб, тўнидан қаттиқ тортди. Шунда мен Пайғамбар ﷺнинг елкаси сиртига қарасам, силкишнинг қаттиқлигидан тўннинг Ҳошияси унга таъсир қилиби. Сўнгра ҳалиги аъробий: Эй Мұҳаммад ўзингдаги Аллоҳнинг молидан менга ҳам бер, деди. Росулуллоҳ ﷺ эса унга қараб кулдиларда, унга совға беришларини буюрдилар.

Имом Бухорий саҳиҳ тўпламида Абу Ҳурайранинг бундай деганини ривоят қилган: Бир киши Росулуллоҳ ﷺ олдилариға келиб, қарзини қўполлик билан талаб қилди. Шунда саҳобалар уни таъзирини беришмоқчи бўлишган эди, Росулуллоҳ ﷺ: «Уни ўз ҳолига қўйинг, чунки ҳақ эгасининг талаб қилиш ҳуқуқи бор», дедилар. Росулуллоҳ ундан битта түя қарздор эдилар. Шунинг учун: «Унга ўша ёшдаги бир түя беринглар», дедилар. Шунда саҳобалар: Эй Аллоҳнинг элчиси ундан ёши каттароғи бор экан дейишган эди, Росулуллоҳ ﷺ:

«أَعْطُوهُ، فَإِنَّ مِنْ حَيْرُكُمْ أَحْسَنَكُمْ قَضَاءً»

«Бераверинглар, чунки сизларнинг яхшингиз қарзини чиройли тўлаганидир», деди.

Имом Бухорий саҳиҳ тўпламда Оиша онамиздан шундай ривоят қиласди: Росууллоҳ ﷺ икки ишдан бирини танлаш ихтиёри берилса, модомики гуноҳмас экан, улардан енгилини танлар эдилар. Агар гуноҳ бўлса, ундан узоқ бўлар эдилар. Росууллоҳ ﷺ ўзи учун ўч олган эмас, фақат мункар иш бўлса, Аллоҳ учун ўч олганлар».

Имом Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бундай дейдилар:

أَرْصَدُهُ لِدِيْنِ

«لَوْ كَانَ لِي مِثْلُ أَخْدِ ذَهَبًا، مَا يَسْرُنِي أَنْ لَا يَمْرُّ عَلَيَّ ثَلَاثٌ وَعِنْدِي مِنْهُ شَيْءٌ، إِلَّا شَيْءٌ  
«Агар менга Уҳуд тоғичалик тилла берилса, менда уч кун ҳам туришини хоҳламайман. Қарзимни тўлаш учун сақлаганим бундан мустасно».

Имом Бухорий Ибн Аббосни бундай деганини ривоят қилган: Росууллоҳ ﷺ одамлар ичида энг саховатпеша инсон эдилар. Рамазонда у зотнинг сахийлиги янада ортар эди.

Имом Муслим Абу Қатода Ансорийнинг бундай деганини ривоят қилган: Росууллоҳ ﷺдан душанба кунги рўза ҳақида сўрашганда:

ذَاكَ يَوْمُ وُلْدُتُ فِيهِ، وَيَوْمُ بُعْثَتُ، أَوْ أَنْزَلَ عَلَيَّ فِيهِ

«Бу мен туғилган, мен қайта тириладиган ва менга ваҳий нозил бўлган кун», деб жавоб бердилар. □

## **САЪД ИБН АБУ ВАҚҚОС ВА УНИНГ КИСРОГА ЙУБОРГАН ЭЛЧИЛАРИ**

Бу мавзу «Росулуллоҳ ва уч халифанинг ҳарбий юришларидағи ишларга таяниш» номли китобдан олинган. Бу мавзуда аввалги мусулмонларнинг подшоҳларга юзма-юз келиб, уларга ё Исломни қабул қилиш ёки жизя тўлаб Ислом ҳукмига бўйсуниш ёки уришишни таклиф этишлари ғалаба сари ташланган муҳим қадам бўлгани ҳақида сўз боради. Зеро, бундай таклиф подшоҳлар қалбига қўрқув солиб, уларнинг қарор қабул қилишига таъсир этар ва уларни жангдан олдин мағлубиятни тан олишга мажбур қилар эди. Улар айтган ушбу ҳақ сўз қаршисида на Кисро, на Қайсар ва на бошқаси тура олди. Энди бундай ҳолат Халифалик давлатидагина такрорланиши мумкин. Ғарб шуни билгани учун уни тўхтатишга ҳаракат қилмоқда. Мусулмонлар буни англаб етишлари ва уни қайта жонлантиришга ҳаракат қилишлари лозим.

Саъд ибн Абу Ваққос Муғирага, Биср ибн Абу Раҳмга, Арфажа ибн Ҳарсамага, Ҳузайфа ибн Мұхсинга, Робеъ ибн Омирга, Қорфата ибн Абу Зоҳир Тамимий Воилийга, Мазъур ибн Адий Ажлийга, Музориб ибн Язидга, Саид ибн Муррага (бу иккиси Бану Ажлдан эди) элчи юбориб, уларга: Мен сизларни анавиларга юбормоқчиман, нима дейсизлар деди. Шунда улар буюрганингга эргашамиз қайтарганингдан қайтамиз. Агар сен буюрмаган бирор ишга дуч келиб қолсак, афзалроғи ва одамларга фойдалисини танлаб, уларга ўшанисини айтамиз дейишди. Шунда Саъд: Бу яхши тадбир, бориб тайёрланинг, деди. Шунда Робеъ ибн Омир: Ажамларнинг ўзларига хос кўз-қарашлари ва анъаналари бор. Агар биз уларга ҳаммамиз бир бўлиб борсак, биз уларга катта аҳамият бераётгандек таассурот ўйғотамиз. Шунинг учун уларга фақат битта одам юборилиши керак, деди. Шундай қилиб, у бошқаларни ҳам ўз фикрига мойил қилди. Сўнг: мени юборинг, деди ва Саъд уни юборди.

Сўнгра Робеъ ибн Омир Форсларнинг Қодисиядаги армияси қўмондони Рустам билан музокара қилиш учун жўнаб кетди. Шунда улар қуролингни ташла дейишган эди, у эса мен сизларнинг буйруғингиз билан қуролимни ташлаш учун келмадим. Сизлар мени чақирган экансиз, хоҳлаган тарзда кираман, бўлмаса қайтаман деди. Шунда улар Рустамга хабарни етказишган эди, у ёлғиз ўзи кирсин деди. Шундай қилиб Робеъ унинг олдига кирди, найзаси гилам ва ёстиқларга санчилиб борди. Рустам унга: Нега келдингиз деган эди, у: Аллоҳ бизни ўзи хоҳлаган бандаларини

бандаларга ибодат қилишдан Аллоҳ Таолога ибодат қилишга, дунё торлигидан охират кенглигига, динлар зулмидан Ислом адолатига чиқариш учун юборди. Аллоҳ яна бизни ўз халқига уларни у зотнинг динига даъват қилиш учун юборди. Ким қабул қиласа, биз ҳам ундан қабул қиласиз ва ортга қайтасиз, уни ва ерини тарк этасиз, ерини ўзи бошқараверади. Ким бош тортса, Аллоҳнинг ваъдасига эришмагунча уришаверасиз деди. Шунда Рустам: Аллоҳнинг ваъдаси нима деган эди, у: бош тортганларга қарши урушда вафот этганларга жаннат ва тирик қолганларга ғалаба деди. Рустам: Айтганларингизни тушундик, биз ўйланиб олишимиз учун бу ишни кечиктириб, кутиб турасизларми, деди. Робеъ эса: Майли, сизларга бир кун кифоя қиладими ёки икки кунми? – деди. Шунда Рустам: Йўқ, балки биз ичимиздаги фикрли кишилар ва етакчиларимизга мактуб ёзамиш, деди. Шунда Робеъ: Аллоҳнинг элчиси биз ва етакчиларимизга ўргатган иш шуки, биз душманларимиз биздан олдин бошлашларига имкон бермаслигимиз ва ишни уч кундан ортиқ вақтга чўзмаслигимиз зарур. Шунинг учун уч кун муҳлат берасиз, яхшилаб ўйла ва уч ишдан бирини танла. Исломни қабул қил, шунда сени ва ерингни тарк этасиз. Ёки жизяни танла, биз уни қабул қилиб, уришишдан тийиламиз. Агар бизнинг ёрдамимизга муҳтоҷ бўлмасанг уни оламиз. Агар муҳтоҷ бўлсанг уни сенга қолдирамиз. Ёки тўртинчи куни уришамиз. Лекин тўртинчи кунгача жангни бошлаб юборсангиз, биз ҳам бошлаймиз. Мен сен кўриб турган барча олдида мана шу иш устида кафилман. Рустам: Сен уларнинг саййидимисан деган эди, Робеъ: йўқ, лекин мусулмонлар ўзаро битта жасад кабидир, биттаси ваъда берса, қолганлар уни адо этади. Сўнгра Рустам Форс аҳли раҳбарлари билан ёлғиз қолиб: Нима дейсизлар? Бу кишининг сўзларидан кўра буюкроқ ва ғолиброқ сўзни эшитганимисиз? – деди. Шунда улар: Унга мойил бўлишингдан Аллоҳ сақласин, мана шу кўпракни деб динингни тарк этасанми, қара унинг кийимларига. Рустам эса: Ҳолингизгавой бўлсин. Сизлар унинг кийимига эмас. Балки айтаётган сўзлари фикрлари ва сиёсатига қаранг. Чунки араблар кийим-кечак ва озиқ-овқатни эъзозламайдилар. Улар кийинишида сизларга ўхшамаса-да, лекин аслзодалигини сақлашади. Сизлар ўзларингда кўрган нарсани улардан топа олмайсиз, деди.

Эртаси бўлгач, улар бизга бояги кишини юборинглар дейишди. Шунда Саъд ибн Абу Ваққос Ҳузайфа ибн Мухсинни юборди.

Ҳузайфа зоҳидларнинг арзимас кийимида келди. У ёстиқни тепалаган эди, улар туш дейиши. Шунда мен бу ерга муҳтоҷлигимдан келмадим, подшоҳингизга айтинг, у муҳтоҷми ёки менимми? Агар у мени мухтоҷликдан келди деса, ёлғон гапирган бўлади ва мен сизларни тарк этиб ортимга қайтаман. Агар менинг келишимга у муҳтоҷ бўлса, мен ўзим хоҳлагандек келаман, деди. Шунда Рустам: уни ўз ҳолига қўйинглар, деди. Ҳузайфа отига минган ҳолда келиб, унинг устида турди, Рустам эса тахтида ўтирган ҳолда унга туш деди. Ҳузайфа бош тортгач, Рустам: нима учун кечаги дўстимиз келмай сен келдинг, деди. Шунда у: амиримиз қийинчилик ва фаровонлик пайтида орамизда адолат қилишни яхши кўради, бугун менинг навбатим деди. Рустам нимага келдингизлар деган эди, у: Аллоҳ бизни ўз дини билан сийлади, бизга аломат-ҳужжатларини кўрсатди. Биз уларни олдин инкор қилган бўлсак, энди англадик. Аллоҳ бизга одамларни уч ишдан бирини қабул қилишларига даъват қилишни буюрди. Улардан қайси бирини танлашса қабул қиласиз. Исломни қабул қилсангиз сиздан қайтамиз. Жизяни қабул қилсангиз агар муҳтоҷ бўлсангиз ўзингизга қайтарамиз ёки уришамиз. Рустам: бирор кунга ваъдалашамизми? – деган эди, ҳа кечадан бошлаб уч кун деди. Рустам уни бундан бошқасига кўндира олмагач, уни ортига қайтарди. Сўнгра дўстларига қараб бундай деди: Ҳолингизгавой бўлсин, сизлар мен кўрган нарсани кўрмаяпсизлар. Кеча биринчиси келиб, ўз еримизда бизнинг устимиздан ғалаба қилди. У биз улуғлайдиган нарсаларни пастга урди, отини тилла безакларимизга боғлади, кейин бизнинг олдимиздан иззат-икром билан кетди. Бугун бошқаси келиб, биз билан ҳисоблашмасдан олдимизда хотиржам турибди.

Кейинги кун Рустам: Бизга бошқасини юборинг, деб элчи юборган эди, унга Муғира ибн Шўъбани юбориши. Муғира Форс ерига ўтадиган кўприкка келганида, уни тўхтатишиб, Рустамдан рухсат беришини сўрашди. Рустам рухсат бергач, Муғира кирди, қавм эса кечагидек безакли кийимларда, бепарволикларини кучайтириш учун ҳеч нарсани ўзgartiriшмаган эди. Бошларида тоҷ, устларида тилла билан безалган кийимлар ва хўжайнининг олдига бориш учун солинган гиламлар бор эди. Муғира Рустамнинг тахтига келиб ўтирди. Шунда мулозимлар унга сакраб, уни тахтдан тушириши. Шунда Муғира бундай деди: «Бизга сизлар ҳақингизда ширин хаёллар етиб борар эди. Лекин

сизлардан кўра аҳмоқроқ қавм йўқ экан. Чунки биз араблар бир-биrimizni қул қилмаймиз, бу ишни дўстига уруш қилган кишиларгина қиласди. Мен бу ерга чақирганингиз учун келдим. Менга элчи юборган экансиз, ўзим хоҳлаган жойда ўтиришдан мени қайтармаслигинги керак. Мен сизлар билан фақат у ўтирган жойда туриб гаплашаман. Мен бугун сизларнинг мағлуб бўлганингизни билдим. Подшоҳ бу сийратда ва бу ақлда бўлмаслиги керак». Буни эшитган оддий одамлар: Аллоҳга қасамки, араб тўғри айтди, дейишди. Пешволари эса: у орамиздаги заифларни ўзига тортадиган гапларни айтди, бу умматнинг ишини жиддий қабул қилмаган салафларимизни Аллоҳ ҳалок қилисин, дейишди. Рустам мулозимларнинг унга қилган мұомаласини ҳазилга олиб бундай деди: Мулозимлар баъзида подшоҳ рози бўлмаган ишни қилишлари мумкин. Подшоҳ эса уларни ранжитиб қўймаслик учун, бунга парво қилмайди. Сен хоҳлаган нарсани, яъни садоқат ва ҳақни қабул қилишни ҳамма истайди. Уларнинг қилган иши сенга зиён етказмайди ва бизнинг олдимизда обрўйингни туширмайди. Шунинг учун хоҳлаган жойинга ўтири». Бундай деб уни ўзининг ёнига ўтиргизди, кейин бундай деди: Сизларда қандай қурол бор?... Кичик ўқлар, калта қиличлар... Шу қуроллар билан бизга қарши жанг қилмоқчимисиз?... Сен гапиранми ёки мен гапираверайми? Муғира унга жавобан: бизни сен чақирдинг, шунинг учун сен гапир, деди. Шунда таржимон ўрнидан турди. Рустам форсларни мақтай бошлади, подшоҳни ва унинг салтанатини улуғлаб бундай деди: «Биз ҳар доимгидек бошқа халқлар орасида кучли ҳисобланамиз ва душманларимизни – гарчи улар бошқа халқлар орасида шарафли ўринни эгаллаган бўлсалар ҳам – енгишга қодирмиз. Ҳалигача подшоҳларнинг ҳеч бири биз эришган буюкликка ва салтанатга эриша олмаган. Бошқа халқлар устидан биз ғалаба қозонмоқдамиз, улар эмас. Улар бизнинг гуноҳларимиз туфайли устимиздан бир кун ёки икки кун, бир ой ёки икки ойгина ғолиб бўлишлари мумкин. Аллоҳ биздан ўч олмоқчи бўлса ҳам, кейин рози бўлиб бизга буюклигимизни қайтаради. Бундан ташқари, халқлар орасида биз учун сизлардан кўра хорроқ халқ йўқ. Сизлар қашшоқ одамларсиз, турмуш тарзингиз ёмон ва биз сизларни одам ўрнида кўрмаймиз. Агар ерингизга қурғоқчилик келиб, биз томонларга ёрдам сўраб келган бўлсангиз, сизларга бироз хурмо ва арпа бериб орtingизга қайтариб юборамиз.

Юртингизга келган қийинчилик сизларни шундай қадам ташлашга ундағанини ўзинг яхши биласан. Саркардангизга кийим-кечак, бир хачир ва минг дирҳам берилишини буюраман. Қолаверса, ҳар бирингизга бир халтадан хурмо, иккитадан чопон берилишига буюраман ва сизлар бу ерларни тарк этасиз. Мен сизларни ўлдиришни ҳам, асир олишни ҳам истамайман».

Сўнг Муғира сўз бошлади. У Аллоҳга ҳамду-сано айтиб, сўнг бундай деди: «Аллоҳ ҳар бир нарсанинг яратувчиси ва ризқ берувчисидир. У кимни юксалтиришни истаса юксалтиради, кимни хор қилишни истаса хор қиласди. Демак, ким бир ишни қилса, уни қилгувчи Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолодир. Сен тилга олган халқингнинг ғалабаси, юртингнинг қудрати ва ҳукмронлигинлизнинг бу дунёдаги буюклигига келсак, биз буни биламиз ва инкор этмаймиз. Буни Аллоҳ сизлар учун қилди ва сизларга берди. У Аллоҳницидир, сизларники эмас. Сен айтган ёмон аҳвол, турмуш қийинчиликлари ва орамиздаги келишмовчиликларга келсак, буни ҳам инкор этмаймиз. Бу билан Аллоҳ бизни синайди. Дунё ўзгарувчандир. Шунинг учун қийинчиликларни бошдан кечираётганлар, фаровонлик келишини, фаровон ҳаёт кечираётганлар қийинчиликлар келишини кутишади. Агар Аллоҳга берган неъматлари учун шукр қилсангизлар, сизларнинг шукрингиз Унинг берган неъматлари олдида арзимас бўлар эди. Биз бундан олдин қийин аҳволга тушиб қолган кунларимизда кофир эдик. Кейин Аллоҳ Таоло бизга раҳм-шафқат қилиб, қийин кунларни биздан кўтарди.

Аллоҳ бизга пайғамбар юборди. Баъзилар уни ёлғончиликда айблашди, бошқалар эса унга имон келтиришди. Уни ёлғонга чиқарган ва унга душманлик қилганлар истамаса-да, одамлар ихтиёран ёки мажбуран Исломга кириши учун, Аллоҳ унинг даъватини ғолиб ва динини азиз қилди. Аллоҳ бизга қарши чиққанларни динимизга даъват қилишни буюрди. Ким динга киришдан бош тортса, биз унга қарши жанг қиласми». Муғира уни Исломга даъват қилиб бундай деди: «Агар Исломни қабул қилишдан бош тортсанг, бизга тобеъ бўл ва хорланган (мағлуб) ҳолингда ўз қўлинг билан жизя тўла. Акс ҳолда, фақат жанг бўлади». Шунда Рустам хириллаб қаттиқ ғазабга келди ва «ҳаммангизни ўлдирмагунимча, сизлар учун тонг отмайди», деб қасам ичди. Муғира унинг олдидан жўнаб кетди.

Форс аслзодалари билан ёлғиз қолгач, Рустам деди: «Уларнинг олдида сиз ким бўлдингиз?! Аввалги иккитаси олдингизга келиб, қўрқмаслигини кўрсатди ва мағлубиятингизни башорат қилди. Кейин бу келди, улар бир-биридан фарқ қилишмади ва барчаси бир хилда йўл тутишди». Баъзи ривоятларда келишича, Рустам мусулмонларни ўлдиришини айтиб таҳдид қилганида, Муғира бундай дейди: «Бизнинг умидимиз ҳам шу. Зеро, биздан ўлганлар жаннатга, (жанг қилмай) қочганлар дўзахга киради. Қолган сабрлилар эса, сизларнинг устингиздан ғалаба қозонадилар. Бу ҳақда бизга ваъда қилинган ва бу ваъда бузилмайди». Рустам деди: «Дўйстларинг олдига қайтиб жангга ҳозирлик кўр, сен билан орамизда тинчлик йўқ, эртага кўзингни биттасини ўйиб оламиз». Муғира унга жавобан: «Инша Аллоҳ, эртага сени ўлдирамиз. Лекин айтган гапларинг мени хурсанд қиляпти. Агар сенларга қарши эртага жиҳод қилмаганимда, ҳар икки кўзимнинг ўйилиши ҳам мени хурсанд қилган бўларди», деди. Шундан сўнг Муғира жўнаб кетди. Аслзода форслар унинг сўзларидан хайрон бўлиб қолишиди. Рустам айтдики: «Мен ишонаманки, бу салтанат тугади. Улар биздан кўра камроқ сабр қилишса, биз учун яхши бўларди. Улар: ё бу йўлда ҳалок бўламиз ёки ғалаба қиламиз, деб онт ичишибди. Улар жанг майдонидан қочиб кетишдан жуда-жуда қўрқишади экан. Кеча туш кўрдим: гўё осмондаги ўқ ерга тушгандек ва китлар денгиздан чиққандек. Бу қавм сизларнинг устингиздан ғолиб бўладиёв». □

## ЛИВАНДАГИ ЭНЕРГИЯ ИНҚИРОЗИННИҢ ЕЧИМИ (ИСРОИЛ)ГА БОҒЛИҚ

«Арабий 21» 2021 йил 10 октябрда (Исроил)нинг «Гаарец» газетасидан олиб келтирган мақолада таъкидланишича, электр ва ёқилғи инқирозини ҳал этиш учун Ливанга Мисрдан газ ва Иорданиядан Сурия орқали электр энергиясини ўтказиш таклиф қилинган лойиҳа (Исроил)га боғлиқ. Журналист Цви Барелнинг газетада берилган мақоласида билдирилишича, генераторларнинг муқобил тармоқларга таяниши ҳисобга олинса, электр қуввати узилиши туфайли Ливанни қамраб олган зулматли ҳолат «кутилмаганды юз бермаган». Лекин ёқилғи нархининг ошиши, ушбу ёқилғининг мамлакатда йўқ бўлиб қолиши эҳтимолини кучайтиради. Мақолада яна таъкидланишича, «нефтнинг Эрондан Сурияга ўтказилиши АҚШнинг санкциялар режимини бузади. Бу санкцияларнинг биринчиси Эронга қўйилган санкция бўлиб, унга нефть сотишни тақиқлайди. Иккинчи санкция Доналд Трамп томонидан Сурияга қўйилган. Бу санкция бўйича Сурия режими билан қурол битимларини тузиш тақиқланади. Учинчи санкция бўйича, Иордания электр энергияси (Исроил) гази воситасида ишлаб чиқарилиши керак».

Мақолада билдирилишича, Байден маъмурияти сўнгги пайтларда каттароқ лойиҳани тайёрлаш устида ишламоқда. Бундан мақсад, Ливанга газ ва электр энергиясини очиқчасига мунтазам равишда Миср ва Иордания орқали етказиб беришдир. Бу лойиҳада Жаҳон Банки иштирок этади. Газетага кўра, таклиф этилаётган лойиҳа бир қатор саволларни келтириб чиқаради. Чунки бу АҚШ санкцияларининг (унинг ўзи томонидан) бузилишини англатади.

АҚШ энергетика вазирлигига юқори лавозимда ишлайдиган Меттью Заис «Исроилнинг Ливан гази билан алоқаси» номли мақоласида шундай дейди: «Ливан ҳукумати ушбу миллий конни билади. Ҳизбуллоҳ эса, Мисрдан келаётган газ манбасини ҳамда электр энергиясининг Иорданиядан қандай етказиб берилаётганини билади. Бирок, шунга қарамай, у Ливан ҳукуматига босқинчи (Исроил) ҳукумати билан чегараларни белгилаш бўйича музокара олиб боришига рухсат берди. Газ масаласида эса, ҳануз сукут сақламоқда». Газетада берилган мақолага кўра, лойиҳанинг энг катта ғолиби Суриядир. Чунки у лойиҳанинг муҳим ҳамкорига айланди ва узис лойиҳа бўлиши мумкин эмас. Бу эса, Суриянинг Араб Лигаси марказига қайтишига олиб келади.

Ўз навбатида (Исроил)нинг 12-канали «Шимолий Синайдаги Миср қувурунинг (Исроил) газига, шунингдек, Иорданияга таянишдан бошқа иложи йўқлигини» таъкидлади. Каналга кўра, ҳозирги кунда юқори даражада олиб борилаётган музокараларда бошқа ҳеч қандай муқобил таклиф киритилмаган.

**Ал-Ваъй:** Ливан бошдан кечираётган фожиали ва ёмонлашиб бораётган вазиятда ягона ўйинчи Америкадир. У янги Яқин Шарқ режаси доирасида минтаقا учун белгилаган ечимини Ливанга юклашни истамоқда. Унинг бу режаси (Исроил) билан сулҳ тузилишини, шунингдек, минтаقا режимларини ўз манфаатларига мувофиқ шакллантиришини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун минтақадаги, шу жумладан, Ливандаги инқирозларни келтириб чиқарувчи Америкадир. У таклиф қилаётган ечимлар «сунъий тартибсизликларни» келтириб чиқаради. У буни ўзининг малайи бўлган ҳукмдорлар, расмий мулозимлар, сиёsatчилар ва партиялар... Халқаро Валюта Фонди... Ҳизбуллоҳ ва унинг ортида турган Эрон, шунингдек, уларга ўхшаган бошқа малай хоинлар орқали амалга оширади. □

## МАКРОН ФРАНЦИЯНИНГ АФРИКАДАГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ УЧУН КЕЧИРИМ СҮРШАДАН ЯНА БОШ ТОРТДИ

Франция президенти Эммануэл Макрон ўз давлатининг Африка қитъасидаги мустамлакачилик тарихи учун кечирим сўрашдан бош тортишини яна бир бор таъкидлади. У Франция жанубий шарқидаги Монреал соҳилида бўлиб ўтган Африка-Франция саммитининг сўнгги кунида қатнашиб, узр сўраш «муаммони ҳал қилмаслигини» айтди. Макрон «Францияниг қуллар савдоси ва мустамлакачилик борасидаги жавобгарлиги»ни тан олса-да, «уят ва пушаймонлик»дан кўра «ҳақиқат устида ишлашни» афзал кўришини айтиб, ўтмиш учун кечирим сўрашдан яна бир марта бош тортди. Франция президенти ўзининг «ҳалоллигини» ҳимоя қилиб, қитъадаги «Франция мандати» мавжудлигини рад этиб, ўз мамлакати ва келажакка интилаётган қитъа ўртасидаги муносабатларнинг янги моделини яратиш истагини билдириди. Макрон билан саммит иштирокчилари ўртасидаги мулоқот кескин тус олди. Чунки иштирокчи давлатлар «мустамлакачилик», «кибр», «Франция мандати», диктаторларни қўллаб-қувватлаш ва ҳарбий интервенсия тарихини кескин қораладилар... Ўз навбатида, Макрон авторитар режимларни қўллаб-қувватлаш ва ҳарбий аралашувларни танқид қилиш айбловларига жавобан «Франция Африка давлатларида ўзларининг талабига биноан ҳарбий жиҳатдан мавжуд бўлиб турибди», деди. Шунингдек, африкалик сиёsatчиларни танқид қилиб, «қитъа ёш, аммо уни узоқ вақтдан бери қариялар бошқариб келмоқда» деди. Бошқа томондан, Макрон ушбу саммит ва унинг янги услуби Франция ва Африка ўртасидаги янги муносабатлар учун намуна бўлганини ҳисобга олиб, «Франция каби давлат Африка ёшлари талабларига жавоб бериши керак», дея таъкидлади. Макрон «Агар биз Африкадаги мавжудлигимизни тан олмасак, Франция келажаги учун лойиҳага эга бўла олмайди», деди. Шунингдек у «деярли етти миллион француз Африка билан шахсий ва оиласи жиҳатдан боғлангани»ни ҳам таъкидлади.

Франция президенти «Африкада демократия учун инновациялар жамғармаси» ташкил этилиши ва бошқа бир қатор маданий ташаббусларни эълон қилди. Унинг сўзларига кўра, жамғарма «ўзгариш иштирокчилари»га, айниқса бошқарув ва демократия масалалари бўйича ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилади. Ёрдам эса, камерунлик муфаккир Акилле Мбембе томонидан тайёрланган ҳисобот асосида кўрсатилади. Маълумки, Акиллега Франция жанубидаги Монреалда бўлиб ўтган саммитни ташкил этиш вазифаси юкланган эди. Бу йилги саммит аввалгиларидан фарқ қилди, чунки унда Франция президентидан бошқа ёч бир давлат раҳбари ёки сиёsatчиси қатнашмади. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, саммитнинг янги форматини айнан Макрон «қўнғир қитъа ва Францияда ўзгаришларни амалга ошираётган ёшларга устувор аҳамият бериш ва уларни тинглаш» истагида танлаган.

**Ал-Ваъй:** Франция ҳамон эски мустамлакачиликни тамсил этаётган энг ёмон нусхалардан биридир. Агар ўзгартирилиши керак бўлган нимадир бўлса, бу Франциядир. Макрон халқларни мустамлака қилишни ифодаловчи энг қўпол ҳукумат моделларидан бири ҳисобланади. Францияниг собиқ президенти Француза Миттеранинг 1957 йилда, президентликка келишидан олдин айтган сўзлари Макронни рад этишга кифоядир. Ўшанда у: «Франция Африкасиз йигирма биринчи асрда ёч қандай тарихга эга бўлмайди». Францияниг собиқ президенти Жак Ширак эса 2008 йили: «Франция Африкасиз учинчи олам давлатлари даражасига тушиб кетади», деган эди. □